

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИНСТИТУТИ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ**

ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг Мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан
дарслик сифатида тавсия этилган*

**ТОШКЕНТ
«ИҚТИСОД-МОЛИЯ»
2018**

Тақризчилар: иқт. фан. док., проф. **Қ.Х. Муфтайдинов**;
иқт. фан. док., проф. **Н.М. Махмудов**

Инновацион менежмент: Дарслик /

И-58 А.А. Абдуллаев, А.Абдувасиқов, Ўзбекистон
Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги; -
Т.: «Иқтисод-Молия», 2018.

Ушбу дарсликнинг мақсади инновацион жараёнларни бошқариш борасидаги фан ва амалиёт ютуқларини умумлаштириш, талабалар магистрантлар ва илмий текшириш муассасалари раҳбарларига инновацион менежментни ўзлаштиришда ёрдам беришдан иборат.

Дарсликда инновацион жараённи бошқарув объекти сифатида қараб, уни тузилишига тафсиқнома берилган, инновацион корхоналарда бошқарув механизмини шакллантириш тамойиллари, инновацион лойиҳалари, илмий-техник маҳсулотга талаб таҳлили инновацияни самарадорлигини баҳолаш атрафлича ёритилган. Ушбу дарслик талабалар, магистрантлар, илмий текшириш муассасалари раҳбарлари ва менежерларга мўлжалланган.

© «ИҚТИСОД-МОЛИЯ», 2018

© А.А. Абдуллаев ва бошқалар, 2018

КИРИШ

Мамлакатимизда иқтисодиётни бошқаришни тубдан қайта қуриш бугунги кунда илмий муассаса ва инновацион корхоналар ислохотлар дастурининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Корхоналарда фаолият юритаётган барча даражадаги ходимлар унинг асосини ташкил этади ва уларнинг корхона фаолиятида фаол иштирок этиши, ўз қобилиятларини ишга солиб жонбозлик кўрсатиши, унинг равнақи учун асосий замин бўлади.

Инновацияни бошқариш механизми миллий иқтисодиётни ташкилий иқтисодий жиҳатдан бошқаришда енг кучсиз бўгин ҳисобланади. Инновация иқтисодиётни жадал суръатлар билан ривожлантиришни қўллаб - қувватлаши лозим. Ишлаб чиқаришга фан ва техниканинг илғор ютуқларини татбиқ этиш истеъмолчиларни юқори сифатли маҳсулот (хизмат)ларга бўлган эҳтиёжини тўла таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида корхона (фирма) инновацион фаолиятини юксалтиришда инновацион менежмент алоҳида аҳамият касб этади.

Инновацион менежментни ўрганиш – бу инновацион менежерлар сифат фазилатларини шакллантиришнинг заруррий шарти ҳам ҳисобланади. Бунда нафақат хорижий давлатлар

тажрибаси балки мамлакатимиздаги назарий ва амалий тажрибалари ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Дарсликда инновацион жараён бошқарув объекти сифатида қаралиб:

- инновацион менежментнинг ташкилий тузилиши;
- фирманинг инновацион сиёсати;
- инновацияни ўзлаштириш жараёнига таъсир етувчи омиллар;
- инновацион лойиҳаларни бошқариш;
- илмий муассасаларда ходимларни бошқариш;
- инновацион корхоналарда патент ва лицензиялаш фаолиятини ташкил этиш;
- техника ва технологияни яратиш, ўзлаштириш ва сифатини бошқариш;
- инновацион фирмаларни стратегик бошқариш;
- инновация самарадорлигини баҳолаш масалалари атрофлича ёритилган.

Дарслик Олий таълимнинг 200000 – “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ” билим соҳасидаги, 230000 – “Иқтисод” таълим соҳасининг 5230200 – “Менежмент” бакалавриат йўналишлари бакалаврларига, магистрантларлар, ҳамда ўзининг устида доимий равишда малакасини ошириб боровчиларга ва барча қизиқувчиларга ҳам фойдалидир.

1 – боб. ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИНГ АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАРИ, МАҚСАДЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Инновацион менежментнинг асосий тушунчалари

Ҳозирги даврда иқтисодий манбаларимизда “инновация”, “инновацион жараён”, “инновацион менежмент” ва “инновацион корхона” тушунчалари кўп учраб қолмоқда. Айниқса, бу тушунча иқтисодиётни модернизация қилиш даврида кенг кўламда талқин этилмоқда. Шу боисдан инновация тушунчаси моҳиятини ўқувчиларга таништиришда унга атрофлича ёндашиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Иқтисодий манбаларда инновацияга турлича тарифлар берилган. Бу йерда асосий урғу унинг мазмуни, моҳияти, ички тузилиши (техник, иқтисодий, ташкилий, бошқарув ва ҳоказо) га қаратилиши билан бир қаторда инновация кўлами, ҳаётийлик сикли ўлчамлари, жорий этиш жараёнини мажбурийлиги каби унинг ўзига хос жиҳатларига ҳам эътибор қаратилади.

Кўплаб хорижий иқтисодчи олимлар ушбу тушунчани тадқиқот объекти ва предметига боғлиқ деб ҳисоблайди (Н.Мончев, И.Перлаки, В.Д.Хартман, Е.Менсфилд, Р.Фостер, Б.Твисс, И.Шумпетер, Е.Роджерс ва бошқалар).

Масалан: Б.Твисс инновацияни – жараён, қайсики кашфиёт ёки ғоя иқтисодий мазмунга ега бўлади деб ҳисоблайди.

Ф.Никсон еса «инновация – бу техник, ишлаб чиқариш ва

тижорат тадбирларининг мажмуи бўлиб, янги бозорда янгиланган ишлаб чиқариш ва қурилмаларни юзага келишидир.

Б.Санто инновацияни шундай ижтимоий – техник – иқтисодий жараён, ғоя ва кашфиётларни амалиётда фойдаланиши маҳсулот, технологияларни яхши сифат фазилатларига ега бўлишига олиб келади, яни инновация юқори самарани кўзда тутди. Унинг юзага келиши бозорда қўшимча даромад келтириши мумкин, – деб ҳисоблайди.

И.Шумпетер фикрича, «инновация ишлаб чиқариш омилларининг илмий – ташкилий умумлашуви бўлиб тадбиркорлик руҳиятига ундайди».

Инновациянинг турли таърифлари таҳлили шуни кўрсатадики, инновациянинг ўзига хос хусусияти инновацион фаолиятнинг бош функцияси – ўзгаришдир.

Бу масала юзасидан Австриялик олим И.Шумпетер инновациянинг бешта умумий жиҳатини ажратиб кўрсатади:

- янги техника ва технологик жараёнлардан фойдаланиш ёки янги бозорларни ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан таъминлаш;
- маҳсулотларни янги хусусиятларини жорий этиш;
- янги хомашёдан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва унинг моддий-техник базасини таъминлашдаги ижобий ўзгаришлар;
- янги савдо – сотиқ бозорларини юзага келиши.

Шундай қилиб, XX асрнинг 30 – йилларга келиб инновация янги истеъмол товарларини яратиш ва фойдаланиш, саноат ишлаб

чиқариши ва транспорт воситалари бозори янги ташкилий шаклларнинг юзага келишидаги ўзгаришларидир, деб талқин этила бошланди.

Бозор иқтисоди жараёнида инновациянинг методологик(услубий) тизими ҳалқаро стандартларга асосланади. Ишларни мувофиқлаштириш, материал тўплаш, қайта ишлаш, таҳлил этиш юзасидан инновация доирасида ривожланиш ва иқтисодий алоқаларни ташкил этиш учун (РИОТ) фан – техника кўрсаткичлар бўйича Экспертлар гуруҳи ташкил етилди. Улар томонидан Фроскати йўриқномаси ишлаб чиқилган. Йўриқнома доимий равишда тўлдирилиб борилади. Унинг охириги таҳрири 1993 – йилда қабул қилинган. Унда:

- илмий ишланма ва изланишларга таалукли асосий тушунчалар;
- уларнинг таркиби ва чегаралари;
- тадқиқотлар билан банд бўлган ходимлар сонини аниқлаш усули белгилаб ўтилган.

Дэмак, ҳалқаро стандартлар асосида Инновация бу – инновацион фаолиятнинг охириги натижаси (маҳсули), янги ёки такомиллаштирилган маҳсулотнинг бозорга кириб келишидир. Бошқача қилиб айтганда, инновация деганда янги ва такомиллаштирилган технологик жараёнлардан амалий фаолиятда фойдаланиш ёки махсус хизматларга янгича ёндашиш тушунилади. Инновацияни стратегик ва динамик нуқтайи – назардан кўриш мумкин. Бир сўз билан айтганда у илмий ишлаб чиқариш

сиклининг охирига натижасидир.

"Инновация" ва "инновацион жараён" тушунчаси бир – бирига яқин бўлсада, бир хил мазмунга ега эмас.

"Инновацион жараён" – бу инновацияни яратиш, уни амалиётга татбиқ этиш ва тарқатиш билан боғлиқ фаолиятдир. Инновацияни яратувчилари (Новаторлар), еса маҳсулотнинг ҳаётийлик даври ва иқтисодий самараси каби мезонларга таянишади.

Инновациянинг муҳим ўзига хос хусусияти – бу илмий – техник янгилик ва уни ишлаб чиқаришда қўлланилишидир.

Амалиётда “янгилик, “янгиланиш” бир-бирига яқин, турдош ҳисоблансада, улар орасида бир қатор фарқлар мавжуд.

“Янгилик” (Новшество) - бу янги тартиб, янги усул ва кашфиёт бўлиши мумкин. “Янгиланиш” бу янгиликдан фойдаланганлигини ифодаловчи жараёндир. Янгиликни амалиётга жорий этиш учун қабул қилиниши бу инновацион жараёндир.

Ўз ўрнида илмий – техник инновациянинг зарурий характери бу:

- янгиликни ифода этиш;
- бозордаги талабни қондириш;
- ишлаб чиқарувчига фойда келтиришдир.

Янгиликни яратилиши, унинг тарқатилиши кабилар инновацион жараённинг ажралмас қисмларидир.

Инновацион жараённи учта мантиқий шакли мавжуд:

- оддий ички ташкилий (табiiй) инновацион жараён;

- оддий ташкилий оралик (товар) инновацион жараён
- кенгайтирилган инновацион жараён.

Оддий ички ташкилий инновацион жараён бу янгиликни бир корхона доирасида яратилиши ва фойдаланилиши, бу йерда янгилик товар ҳарактерига ега бўлмайди.

Оддий ташкилий оралик инновацион жараёнда янгилик олди – сотди предмети ҳисобланади.

Кенгайтирилган инновацион жараёнда янгиланиш, янги ишлаб чиқарувчилар кўринишида намоён бўлади. Ишлаб чиқарувчини монопол ҳарактери бузилади, томонлар орасидаги боғлиқлик бузилиб рақобат кучайиб, ишлаб чиқарилаётган товарларни истеъмол хусусияти такомиллашиб боради.

Товар инновацион жараёни шароитида енг камида иккита хўжалик субъекти ҳаракат қилади: ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи. Агар янгилик – технологик жараён бўлса, у йерда ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи битта хўжалик юритувчи субъект бўлиши мумкин.

Оддий инновацион жараён Товар инновацион жараёнга икки фазада ўтади:

1. Янгиликни яратилиш ва тарқатилиш фазаси;
2. Янгиланиш диффузияси фазаси;

Биринчи фаза – бу илмий изланишларнинг босқичма – босқич бажарилиши бўлиб, тажриба – конструкторлик ишлари, тажриба ишлаб чиқаришни ташкил етилиши ва сотиш, тижорат ишлаб чиқаришни ташкил этишдир.

Иккинчи фазада ижтимоий унумли (фойдали) самара ишлаб чиқаришни янгиловчилар орасида тақсимланади.

Инновацияни тарқатиш – бу ахборот жараёни, шакл ва тезлик, коммуникация воситалари қувватига, маълумотларни қабул қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар ўзига хос томонларига ва амалиётда қўлланилишига бевосита боғлиқдир.

Инновация диффузияси – жараён, бу йерда янгиланиш коммуникация воситалари орқали ижтимоий тизим аъзоларига вақтида берилишидир. Янгилик бу ғоя, буюм, технология ва бошқа бўлиши мумкин, лекин у ўша хўжалик юритувчи субъектларга янгилик ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, диффузия бу бир вақтларда ўзлаштирилган ва фойдаланилган инновацияни янги шароит, янги жойларда қўлланилишидир. Диффузия жараёнида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар сони ортади.

Янгилик киритиш жараёнининг доимийлиги бозор иқтисодиёти шароитида янгилик киритиш диффузияси тезлиги ва чегарасига боғлиқ.

Аниқ инновацион жараёнда янгилик киритиш диффузияси тезлиги қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- a) қарор қабул қилиш шаклига;
- b) маълумотларни йетказиб бериш имкониятига;
- c) социал тизим хусусиятига;
- d) янгилик киритишнинг ўзига хос хусусиятига.

Янгилик киритиш хусусияти деганда анъанавий қарорга нисбатан амалиётда юзага келган имкониятлар (технологик

тузилишнинг мураккаблиги, йиғилган тажриба ва ҳоказо) тушунилади.

Ҳар қандай инновацияни тарқалишининг асосий омили атрофни ўраб турган ижтимоий – иқтисодий муҳитга боғлиқ бўлиб, унинг асосий элементи рақобатбардош технологиядир.

Инновацион жараён субъектларини қуйидаги гуруҳларга бўлишимиз мумкин:


- новаторлар;
- олдинги реципидентлар;
- олдинги кўплик ва қолоқлар.

Новаторлар илмий-техник – билимларни яратувчиси ҳисобланади. Улар яқка тадқиқотчилар, изланувчи ташкилотлар бўлиши мумкин. Новаторлар кашфиётдан фойдаланиш евазига олинган даромадни тегишли бир қисмидан манфаатдордир.

Олдинги реципидентларга мисол қилиб янгиликни биринчилардан бўлиб жорий етган тадбиркорларни олишимиз мумкин.

Олдинги ишлаб чиқаришга янгиликни биринчилардан татбиқ етганлар бўлиб, уларни фойда билан таъминлайди.

Қолоқлар – бу шундай ҳолатга тушиб қолган корхоналарки, уларни янгилик киритиш ҳисобига ишлаб чиқарган маҳсулотлари маънавий жиҳатдан ескирган бўлади. И.Шумпетер фикрича, юқори самарани кутиш бу бош ҳаракатга боғлиқ бўлади.



1-расм. Инновацион менежмент схэмаси

Юқорида келтирилган сиклнинг ҳар бир босқичи маълум вазифаларни бажаради. Масалан, режалаштиришда мақсадга еришиш режаси тузиб чиқилса, шартларни аниқлаш ва ташкил этиш босқичи инновацион жараённи турли фазаларда манбаларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш, ходимлар олдига вазифани қўйиш, ишни ташкил этишдан иборатдир.

Ижро этиш босқичи режани амалга ошириш, тадқиқот олиб бориш ва янгилик яратишдан иборат. Раҳбарлик деганда ҳаракатни мувофиқлаштириб бориш, тажриба тўплаш тушунилади. (1- расм).

Инновацион лойиҳаларни самарадорлигини баҳолаш, инновацион бошқарув қарорларини қабул қилиш, янгиликни қўллаш ва кучли янгилик киритишни таъминловчи омиллар билан

белгиланади.

Ҳар қандай ташкилотга янгилик киритиш доимо фойдали лекин ўта қийин жараёндир.

Барча ҳолатларда қарор қабул қилишда ҳар бир субъект алтернатив технологияни олдинги рецептлар асосида таққослайди. Шу сабабли инновацияларни тез тарқалиши учун инфратузилмани доимо ривожлантириб бориш зарур.

Инновацион жараён сиклик ҳарактерга ега бўлади. Шу боисдан инновацион жараёни – умумий кўринишини қуйидагича ифодалаш мумкин.

ФТ-АТ-ИЧ-Л-Қ-Ў-СИЧ-М-С

Бу йерда:

ФТ – фундаментал тадқиқотлар;

АТ – амалий тадқиқотлар;

ИЧ – ишлаб чиқариш;

Л – лойиҳалаш;

Қ – қуриш;

Ў – ўзлаштириш;

СИЧ – саноат ишлаб чиқариш;

М – маркетинг;

С – сотиш.

Бу жараёнда инновацион менежерлар фаолият юритиб, улар инновацион жараёни турли фазаларида иш олиб боради ва шу асосда ўзининг бошқарув фаолиятини шакллантиради.

Инновацион менежмент – бу инновацион жараёнларни бош-

қаришнинг тамойиллари, усуллари ва шакллари мажмуидир.

Маълумки, инновацион фаолият, ушбу фаолият билан банд бўлган ташкилот ва уларнинг ходимлари ҳаракатида намоён бўлади. Менежментнинг бошқа соҳалари сингари инновацион менежментга қуйидаги хусусиятлар хосдир:

- вазифани қўйиш ва стратегияни танлаш;
- жараёни 4 та босқичи: режалаштириш, шарт аниқлаш ва ташкил этиш, бажариш, раҳбарлик.

2. Инновациянинг турланиши

Инновацион фаолиятни муваффақиятли бошқарилиш инновацияни чуқур ўрганишга боғлиқ. Бу йерда уларни турлаб олиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Янгиликлар технологик ўлчамлари ва бозор ҳолатидан келиб чиқади.

Маҳсулли инновация ўз ичига 3 та янги маҳсулотни олиши зарур: янги материал, янги ярим фабрикат ва бутловчи материалларни олади.

Прогрессив инновация бу ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги усулидир. Прогрессив инновация шароитида корхона(фирма) ташкилий бошқарув тузилишида алоҳида бўлим ташкил этилиши мумкин. Инновациялар бозорга янгилигига қараб қуйидагиларга бўлинади:

1. Жаҳонда тармоқ учун янги;
2. Мамлакатда тармоқ учун янги;

3. Аниқ корхона учун янги.

Тизимдаги ўрни бўйича инновацияни қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1. Инновациянинг корхонага кириб келиш даври (хомашё, материал, машина ва қурилма, ахборот ва бошқаларни танлаш ва фойдаланишдаги ўзгаришлар).

2. Инновация корхонадан чиқиб кэтиш даврида (махсулот, хизмат, технология, ахборот ва бошқалар).

3. Корхона тизими таркибидаги инновация (бошқарув, ишлаб чиқариш ва технология).

Киритилаётган ўзгаришларнинг мураккаблигига қараб:

1. Радикал (базис).

2. Яхшиланган.

3. Модификациялашган инновацияларга бўлинади.

Илмий текшириш институтларида тадқиқотлар тизими юзасидан корхона фаолияти доирасида инновацияни кенгайтирилган турларини ишлаб чиқилган. Шунга кўра юқоридаги белгилари бўйича инновация қуйидагиларга бўлинади:

1. Технологик инновация.

2. Ишлаб чиқариш жараёнидаги инновация.

3. Иқтисодий инновация.

4. Тижорат (савдо) инновация.

5. Ижтимоий инновация.

6. Бошқарув соҳаси даражасида инновация.

Инновацияни тўлиқ турланишини рус олими А.И.Пригожин

йетарли даражада ифода этади.

1. Тарқалиши (тарқалувчанлиги) бўйича.
2. Ягона диффуз (сингдириш, йейилиш) бўйича.
3. Ишлаб чиқариш циклидаги ўрни бўйича:
 - хомашё;
 - боғловчи;
 - маҳсулли.
4. Ворислик бўйича (аралашуви, бекор қилиниши, қайтарилиши, очилиши, ретроведение).
5. Бозор улушини кутилган даражада егаллаши бўйича:
 - локал;
 - тизимли;
 - стратегик;
6. Инновацион имкониятлари бўйича ва янгилик даражаси:
 - радикал;
 - комбинациялашган;
 - такомиллашган.

Охирги 4 ва 5 йўналиш инновациянинг масштаби, янгилиги, ўзгаришининг жадаллиги ва маълум бир миқдорда сон ва сифат жиҳатлари фазилатларни ифодалай олиши бу бошқарув қарорларини қабул қилишда иқтисодий аҳамият касб этади.

Бу борада Н.Д.Кондратьев 1920-йилларда алоҳида изланишлар олиб борган, У кўплаб жараёнларни асослаб берган, қисқа циклик 3-3.5, (ўрта) савдо саноати (7-11), катта цикл (48-55) йилга мўлжалланган моделларни яратиб берди. Кондратьевнинг катта циклга

мўлжалланган концепцияси қуйидаги асосий қисмлардан иборат.

Катта сиклни асослашда Кондратъев кенг доирадаги маълумотларни таҳлил етиб чиқди. Бу жараёнда Англия, Франция, Германия, АҚШ каби йирик тўрт давлатнинг статистик маълумотлари таҳлил етилди. Бу йерда баҳонинг динамикаси, капитал фарқи, иш ҳақи, ташқи савдо ҳажми, асосий фондлар каби кўрсаткичлар ўрганилди.

Кўмир ва пўлат ишлаб чиқариш динамикаси умумжаҳон ишлаб чиқариши индексида ўрганилди. Таҳлил етилган давр 140 йилни ўз ичига олди, натижада шуни кўрсатдики сиклнинг еркин давомийлиги 48-55 йилга тўғри келди. Н.Д. Кондратъев иқтисодий конъюнктуранинг тебраниш даврини емпирик қонуниятларини аниқлади. Бу йерда бош еътиборни илмий-техник инновацияга қаратди.

Н.Д. Кондратъевнинг тавсиялари келгусида инновацион стратегияларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

3. Инновацион менежментнинг ташкилий тузилиши

Инновацион менежмент ташкилий тузилиши жиҳатидан инновацион фаолият, илмий тадқиқот ва ишланмалар билан шуғулланувчи ташкилот бўлиб, улар фаолиятининг асосий қисмини янгиликлар яратиш ва илмий изланишлар ташкил этади.

Россияда илмий ташкилотларнинг қуйидаги турланиши ҳаракат қилади:

Сектор	Мазмуни
Давлат	Бутун жамият эҳтиёжларини таъминловчи давлат томонидан бошқариладиган вазирлик ва маҳкамалар, (давлат бошқарув аппарати, муҳофаа, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот) федерал ва маҳаллий органлар. Давлат томонидан тўла молиялаштирилладиган ва назорат қилинадиган фойдасиз ташкилотлар Бу йерда олий таълим тасарруфидаги ташкилотлар инobatга олинмаган. Улар ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўймайди, давлатга хизмат қилади.
Тадбиркорлик	Бу асосий фаолияти маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга қаратилган корхона ва фирмалар, шу жумладан давлат тасарруфидаги корхоналар ҳам.
Олий таълим	Университет ва бошқа олий таълим муассасалари, (молиялаштириш манбаи ва юқори бошқарув органидан қатъий назар). Олий таълим вазирлиги назорати тасарруфидаги илмий текшириш институтлари, тажриба станциялари, Олий таълимга хизмат қилувчи ташкилотлар.
Хусусий	Ўз олдига фойда олишни мақсад қилиб қўймаган (профессионал жамиятлар, иттифоқлар, ассоциациялар, жамоатчилик фондлари). Бунга ярми давлат бюджети томонидан молиялаштирилладиганлари кирмайди. Якка хусусий корхоналар.

Инновацион менежментнинг таркибий тузилишида кичик фирмалар алоҳида рол ўйнайди. Кичик жамоа янги ғояларни ўзига олиш ва унга еътибор қаратишда қулайроқ ҳисобланади. Ўтган

асрнинг 60-йилларида кичик тадқиқотчилик бизнеси юзага келди. Улар йирик университетлар атрофида университет техникаси ва тажриба участкаларидан фойдаланиб йерларни ижарага олиб тадқиқот ишлари олиб бора бошладилар.

Ўша даврларда АҚШнинг Стенфорд университети атрофида 3000га яқин кичик ва ўрта электрон фирмалар тўпланиб, уларда қарийиб 200 минг киши фаолият юритган. Уларнинг ҳар бири битта ёки иккита маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқариш бўйича изланишлар олиб борган. Улар жаҳоннинг компьютер ва айрим турдаги электрон қисмларга бўлган эҳтиёжини 20 фоизини таъминлаб берган.

Хорижий амалиётда кичик ва ўрта бизнес субъектларида ходимлар сони 500 кишигачани ташкил этади.

“МакТроу Хилл” компаниясида кичик бизнес 50 кишигача, ўрта бизнес 99 кишигача, йирик бизнес 100 кишидан ортиқни ташкил этади.

Яна бир автомобил шиналари ишлаб чиқарувчи “Гудвир” заводининг ташкилий ишлаб чиқариш тузилиши 194 та алоҳида олинган иш жойларидан иборат бўлиб, уларда 5 тадан 27 тагача киши ишлайди.

Инновацион масалаларга Япония корхоналари алоҳида еътибор билан қарайдилар. Улар илмий тадқиқот ишларига маҳсулот сотиш ҳажмининг 8-10 фоизи миқдорида маблағ ажратиб борадилар.

Америка Қўшма Штатлари амалиётида изланувчанлик

ишларини ташкил этиш борасида ўзига хос тадбиркорлик шакли сифатида Венчур бизнес ташкил етилган.

Венчур бизнес – бу мустақил, унча катта бўлмаган фирмани янги маҳсулот яратиш юзасидан иш олиб боришга ихтисослашган туридир. Бундай фирмаларни олимлар, мутахассислар ва новаторлар ташкил этиши мумкин. Венчур бизнес АҚШ, Ғарбий Йеуропа ва Японияда кенг тарқалган. Венчур фирмалари маҳсулот ишлаб чиқармайди, ўзининг илмий янгиликларини бошқа фирмаларга беради. Венчур фирма маълум бир йирик фирмаларнинг қошида ташкил етилиши ҳам мумкин.

Бундай ҳолатда инновацион менежернинг функциясини корхона менежери ёки махсус маслаҳат марказлари (консалтинг фирма) ходимлари бажариши мумкин.

Венчур корхоналари ташкил этишда қуйидаги талаблар бажарилиши керак:

- янги маҳсулот ва технология бўйича инновацион ғоя мавжуд бўлиши;
- улар таклиф етилган ғоя бўйича янги фирма ташкил этишга хоҳиши бўлган тадбиркор бўлиши;
- таваккал қилувчи капитал учун молиялаштиришнинг мавжудлиги.

Венчур бизнес асосан икки шаклда молиялаштирилади:

- янги фирма аксияларини сотиб олиш йўли билан;
- ҳар хил турдаги кредитларни бериш орқали.

Венчур бизнесда инвестициялаш компания капиталида инвес-

торларни ҳисса кўринишида иштироки, маблағни узоқ муддатга берилиши, инвесторни молиялаштирилаётган фирма бошқарувида фаол иштирок этиши билан бошқа фирмаларга нисбатан фарқ қилади.

Венчур корхоналар икки кўринишда бўлиши мумкин:

- шахсий таваккал қилинган бизнес;
- йирик корпарация лойиҳаларининг ички таваккал қилиши.

Ўз навбатида, шахсий таваккал қилинган бизнеснинг ўзи ҳам икки асосий хўжалик юрутувчи субъект сифатида намоён бўлади:

- кичик инновацион фирмаларга бўйсунмаган;
- молиявий муассасалар капиталига таянган.

Кичик инновацион фирмаларга, одатда, илмий ходимлар, муҳандислар ва изланувчилар асос солади. Уларнинг мақсади янги техника ва технологиялар яратиш ҳисобига ҳаётда янги ютуқларга еришиш ҳисобланади.

Венчур капиталининг бош манфаати муваффақиятли фаолият юритиб юқори даромад олишдир.

АҚШда Венчур корхоналарнинг даромадлилик даражаси ўртача 20 фоизини ташкил этади, у бутун АҚШ иқтисодиётидаги кўрсаткичдан тахминан 3 баробар юқоридир.

Янги ёки ески бозор сегментини қайта ташкил этишга ихтисослашган фирма – эксплерент дейилади. Улар асосан бозорга янгиликларни олиб киришга ҳаракат қилади.

Бундай (эксплерент) фирмаларда таваккалчиликни пасайтириш мақсадида маълум муддатга молиялаштиришнинг намунавий

схэмаси ишлаб чиқилади. Бу муддатда експлерент фирма муваффақиятга еришиши керак. Масалан: Агар молиялаштириш 48 ойга мўлжалланган бўлса капитални жалб этиш 5 та давр оралиғида амалга оширилади. Бундай ҳолатда ҳар бир янги маблағ ажратилиши олдинги маблағ самара берган ҳолдагина амалга оширилади. Шунингдек, ҳар бир ажратилган маблағ олдингисига нисбатан катта ҳажмда бўлади.

Ғарб мамлакатларида инновацион фирмаларда лойиҳанинг техник томонларини унинг муаллифи бўлган ва йетарли тижорат тажрибасига ега бўлган менежер бошқаради.

Дастлабки ташкил етилган фирма – експлерент “Пионер” номини олган.

Эксплерент фирмалар ҳажми венчур фирмалар сингари унча катта бўлмайди.

Кейинги пайтларда Россияда ҳам кичик илмий – техник тадбиркорлик инновацион жараён ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида кенг тараққий етди. Уларнинг аксарияти Давлат таълим вазирлиги тасарруфидаги Олий таълимдаги технопаркига бирлашган 800 дан зиёд кичик фирмаларда фаолият юритади. Технопаркларнинг асосий мақсади кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Технопарклардан ташқари бизнес инкубаторлар ҳам ташкил етилиб, уларнинг мақсади фойда келтирувчи ҳар қандай лойиҳани амалга оширишдир.

Ўзбекистонда ҳам мустақиллик йилларида жойларда кўплаб

бизнес инкубаторлари ташкил етилган.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда эксплерент (Пионер) фирмалар олдида муаммо юзага келган пайтда улар йирик корхона билан ҳамкорлик шартномасини имзолайдилар.

Бозорнинг тор сегментига қаратилган фирма – пациент деб аталади. Бундай фирма бозорнинг тор сегментида иш юритади, мода, реклама ва бошқа воситалар орқали ўз эҳтиёжни таъминлайди. Улар асосан ишлаб чиқаришнинг ўсиши, изланувчанлик активлигининг пасайиши жараёнида ҳаракат қилади. Бу корхоналар, одатда, фойдали ҳисобланади.

Йирик бизнесда Виолент фирмалар ҳаракат қилади. Улар йирик капиталга ва юқори технологияга асосланади ва йирик партидаги ва кенг истеъмолга асосланган ҳолда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади ҳамда юқори фойдали ҳисобланади.

Виолент корхоналар ҳам юқори фойдали ҳисобланади.

Кичик ва ўрта бизнесда маҳаллий ва миллий эҳтиёжни таъминлашга ихтисослашган фирма – Коммутант деб юритилади. Ушбу фирмалар маҳсулот ишлаб чиқаришни синкли (жараёни)да ҳаракат қилади. Бу йерда корхона истеъмолчи ҳолатидан келиб чиқиб илмий – техник сиёсатини амалга оширади.

Назорат саволлари

1. “Инновация”, “Инновацион жараён”, “Инновацион менежмент” ва “Инновация корхона” тушунчаларига таъриф беринг?
2. Инновация субъектлари қандай гуруҳларга бўлинади?
3. Инновацион жараённинг умумий кўринишини айтинг?
4. Инновация турланиши қандай?
5. Инновацион менежмент ташкилий тузилиши нималардан иборат?
6. Инновация маҳсули инновацион жараёндан қандай фарқ қилади?
7. Бозорда янгилик турига қараб инновация қандай тақсимланади?
8. Инновацияларни корхонага кириб келиш даврини айтинг.
9. Инновацияни корхонадан чиқиб кэтиш даврини айтинг.
10. А.Д.Кондратъев сиклининг моҳияти нимадан иборат.

ESDA QOLARLI VOQEALAR



- *Insoniyat tarixida eramizdan 700 – 40 ming yillar avval oddiy ish qurollari paydo bo'la boshladi. Tosh asriga asos solindi.*
- *Eramizdan 12 – 7 ming yil avval ish qurollarini tayyorlashda tosh va boshqa qattiq materiallardan foydalanish ommaviy tus ola boshladi.*
- *Eramizdan 4 – 3 ming yil avval donni qayta ishlovchi va to'quv dastgohlari paydo bo'ldi. Bu davrning yana bir xarakterli tomoni tosh asridan bronza asriga o'tish boshlandi.*
- *«Bronza» asri eramizdan 3 – 1 ming yil avvalgi davrga to'g'ri keladi. Bu davrda miss, bronza va boshqa metallardan qilich, pichoq, xanjar va boshqa himoya vositalari yaratildi.*

2-боб. ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТНИНГ МЕТОДОЛОГИЯСИ

1. Давлат инновацион сиёсатининг мақсади ва вазифалари

Давлат инновацион сиёсати – бу давлат иқтисодий сиёсатининг ажралмас қисми ҳисобланиб, давлатнинг инновацион сиёсатига муносабати мақсади, йўналиши ҳокимият органлари фаолияти шакллари аниқлайди ва уларнинг илмий-техник ютуқлари натижасини татбиқ етилишини ифодалайди.

Мустақиллик йилларида Республикамизда илмий-техника тараққиёти комплекс концепсиясини ишлаб чиқишга алоҳида ёътибор қаратилган. Унинг мазмуни:

- илмий тадқиқотларни қўллаб қувватлашга қаратилиши;
- илмий-техник тараққиёт йўналишларини тартибга солиниши;
- маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳимоялаш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилганлиги;
- илмий-техник тараққиётни рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришга ёътибор берилиши;
- лицензия ва патент ҳуқуқи;
- тартибга солишни қўллаб-қувватлаш (ҳуқуқий, молиявий техник ва ҳоказо);
- инновацион фаолият натижаларини баҳолашнинг мезонларини ишлаб чиқиш ва уни баҳолашнинг мавжудлиги;

- илмий-техник тараққиётни бошқариш методларини доимий такомиллаштирилиб борилиши;

- Ўзбекистон илмий-техник тараққиётини таъминлаш ва мустаҳкамлаш каби вазифаларни ҳал этиш билан белгиланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал этишда инновацион сиёсатнинг устувор йўналишлари етиб қуйидагилар белгиланган:

- мамлакат иқтисодиётида кескин бурилишини таъминлайдиган янги техника ва технологияларни яратиш ва уни амалиётга жорий қилиш;

- йирик тармоқ илмий-техник лойиҳалари устида иш олиб бориш (корхоналар имкониятлари доирасида бажариб бўлмайдиган манбаларни жамлашувини таъминлаш);

- ижтимоий мақсадларни амалга оширишда, илмий-техник тадбирлардан кенг фойдаланишга еришиш;

- илмий-техник ишларни давлат ташқи иқтисодий сиёсати, ҳалқаро меҳнат тақсимоти мақсадларига қаратиш зарур.

Бундай янги инвестицион сиёсатнинг амалга оширилиши материалларни тежаш борасида янги сифат даражасига, меҳнат унумдорлигини ўсишига, фонд қайтимининг ортишига, материал сиғими, энергия сиғими, маҳсулот капитал сиғимининг камайишига, аҳолини янги турмуш маданиятини шакллантиришга, давлатни техник ва технологик қолоқлигидан чиқаришга, илмий-техник тараққиётда юксак натижаларга еришишга олиб келади.

Инновацион фаолият соҳасидаги сиёсатнинг асосий моҳияти:

- мақсадни аниқ белгиланиши;

- бошқарув органлари, амалга ошириш функцияси;
- ахборот тизими;
- тартибга солиш механизми ва қўллаб-қувватлаш.

Инновацион сиёсатнинг тартибга солиш элементлари:

- илмий-техника тараққиёти ва Тажриба Конструкторлик Ишлари (ИТТТКИ)ни тўғридан тўғри рағбатлантириш;
- ИТТТКИни иқтисодиёт тармоқ (соҳа)ларида ёндашма рағбатлантириш;
- инновацион фаолиятга ҳар хил турдаги имтиёзларни бериш;
- инновацион муҳит ва инфратузилмани шакллантириш кабилардан иборатдир.

Республикамизда инновацион фаолиятни амалга оширишда улкан ишлар амалга оширилмоқда. Унинг яққол кўриниши сифатида Давлат томонидан кенг қўллаб қувватланаётганлигини келтириш мумкин.

Бу қуйидаги кўринишларда намоён бўлмоқда:

- инвестиция дастури ва лойиҳаларни молиялаштириш;
- Илмий Техника Тараққиёти ва Тажриба Конструкторлик Ишлари (ИТТТКИ)ни молиялаштириш;
- чет ел патент ва таъминотлари асосида ишлаб чиқаришни молиялаштириш;
- инновацион фаолиятни информацион базасини шакллантиришни молиялаштириш;
- инновацион фаолиятни Давлат бюджети ҳисобидан қўллаб-қувватлаш;

- тараққиётнинг устувор йўналишларини аниқлаш;
- ҳудудлар илмий ва техник дастурларини шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш;
- маҳаллий бюджет ҳисобидан илмий ва илмий-техник фаолиятни молиялаштиришга кенг имкониятлар яратиб бериш;
- Ўзбекистон Республикаси субъектлари орасидаги инновацион фаолият, илмий ва илмий-техник тараққиётга ҳайрихоҳлик қилиш;
- Давлат илмий-техник муассасалари бошқарувини такомиллаштириш;
- интеллектуал мулк ҳуқуқларини муҳофаза қилиш;
- стандартлаш ва сертификатлашнинг ягона тизимини шакллантириш;
- илмий-техник ходимларни Давлат томонидан аттестация қилиш тартибини ўрнатиш.

Давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсади:

- инновацион фаолият юзасидан иқтисодий ҳуқуқий ва ташкилий шароит яратиш;
 - ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш;
 - инновацион фаолиятни жадаллашувига ҳайрихоҳлик қилиш.
- Шу жумладан, инновацион соҳада тадбиркорликни ривожлантириш;
- инновацион фаолиятни Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, инновацион фаолиятига йўналтирилган Давлат ресурслари самарадорлигини ошириш;

- маҳаллий маҳсулотларни четга чиқарилиши зарурий тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларга кўмаклашиш кабилардан иборат бўлиб, қуйидаги тамойиллар асосида шаклланади:

- ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот рақобатбардошлигини ортишида, аҳоли турмуш маданияти ва экологик хавфсизликни яхшиланишида инновацион фаолиятга устувор вазифа сифатида қараш;

- инновацион фаолиятни Давлат томонидан тартибга солинишини таъминлаш;

- иқтисодиётда кескин таркибий ўзгаришларни амалга ошириш мақсадида, инновацияни кенг ҳажмда бир жойга жамлаш;

- инновацион соҳада бозор иқтисоди муносабатларини ривожланишига шароитлар яратиш;

- инновацион фаолиятни амалга оширишда қулай инвестиция муҳитини яратиш;

- инновацион фаолият биланга шуғулланувчи субъектлар, интеллектуал мулк манфаатлари ва ҳуқуқларини Давлат томонидан ҳимоялаш;

- инновацион фаолият орқали Давлатни мудофаа ва махсус эҳтиёжлари хавфсизлигини таъминлаш.

Инновацияни ўзлаштирилиши бозорга, аввало, бу бир тадбир кўринишида кириб келади. Маркетинг сиёсати билан боғлиқ ҳар қандай янги маҳсулот икки нуқтайи назардан қаралади:

1 аҳамияти ва унда техник янгиликларнинг мавжудлиги;

2 янги маҳсулотнинг бозорга таъсири.

Аввало, маҳсулот ўзида кўплаб техник янгиликларни ифода этиб, анъанавий эҳтиёжларни таъминлайдиган бозорда янгилик бўлиши мумкин. Бу йерда баҳо сезиларли даражада ўзгармайди. Маҳсулотнинг бозорга янгилиги қўшимча илмий-техник қарорларсиз (ташқи кўриниши, ўлчамлари, шакли ва ранги ўзгариши ҳисобига) ҳам бўлиши мумкин.

Ҳар қандай янгидан юзага келаётган ғоя маълум бир тажрибанинг натижаси ҳисобланади. Биринчидан, янги эҳтиёжни пайдо бўлиши янги маҳсулот ишлаб чиқариш ғояси ёки янги технологик жараённи қўлланиши билан боғлиқ бўлади.

Иккинчидан, усулни пайдо бўлиши, унинг таъсирида маълум бир зарурий эҳтиёжни таъминланишига олиб келади.

Инновацион имкониятли фойдаланувчига таъсир етувчи асосий омил бу янгиликни очилишигача бўлган даврнинг иложи борича қисқа бўлишидир.

Янгиликни яширин эҳтиёжини тўрт даражаси мавжуд. Қайсики бу даражалар илмий-техник сиёсатни шакллантиришда керак бўлади:

1. Иновация пайдо бўлгунга қадар юзага келган эҳтиёж.
2. Янгиликни кашф етилгандан сўнг пайдо бўлган эҳтиёж.
3. Кашфиёт очилгандан сўнг узоқ вақт пайдо бўлмаган эҳтиёж.
4. Негатив эҳтиёж ёки воз кечилган эҳтиёж.

Дэмак, барча инновацион корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган тадбирлар мижоз(истеъмолчи) корхоналарнинг тадбирлари билан мувофиқлаштириб борилиши лозим.

2. Корхона (фирма)да инновацион сиёсатни бошқариш

Инновацион бошқариш – бу корхона инновацион фаолиятини турли томонларини ўзгартириш мақсадида янги турдаги қурилма, жараёнларни жорий этиш ва бошқаришдир. Илғор корхоналар тажрибаси шуни кўрсатадики, инновацияни бошқариш ҳаётий зарурият ҳисобланиб, у ишлаб чиқаришда юқори самаранинг калитидир.

Инновацияни шартли равишда икки даражага бўлиш мумкин:

Биринчи, илк бор ишлаб чиқаришга татбиқ этилаётган янгилик, кашфиёт, ғоя ҳисобланиб, улар ташаббусларни татбиқ этиш евазига бирламчи устунликка ега бўлади.

Иккинчидан, қайта татбиқ этилаётган кашфиёт, ноу-хау, ғоя ва янгилик бўлиб, улар жаҳонда янгилик ҳисобланмайди.

Биринчи даражали инновация барча корхоналарда татбиқ этилмасада, лекин иккинчи даражали инновациялар рақобатда сақланиб қолишни хоҳлаган барча корхоналарга татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шу боисдан ҳам барча корхона ва ташкилотларда инновацияни бошқариш муаммолари долзарб ҳисобланади. Ушбу муаммолар корхона ичида ўз-ўзидан юзага келмаганлиги сабабли у, ўз навбатида, корхоналарда инновацияни бошқариш тизимини шакллантирилишини талаб қилади.

Инқироз ҳолатларида юзага келадиган муаммолар даврий равишда янгиланиб туриши мумкин. Фақат инноватор – корхоналардагина доимо истиқболли фаолият бўлиши мумкин, чунки улар ташқи ва ички муҳитнинг ҳар қандай ўзгаришларга тез мослаша олади.

Ески усул билан ишлаётган корхоналар фаолиятида доимий равишда ўзгаришларга ўрин йўқ. Инқироз, жумладан, тез ўзгарувчан ҳар қандай шароит зудлик билан тадбирларни амалга оширишни, яъни янги оператив схемаларни ишлаб чиқишни тақозо этади. Шу сабабли инқироз даврида инновацияга талабни ортиши ҳам бежиз эмас.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ишлаб чиқаришга инновацияни жорий қилиш мослашувчанликни ошишини таъминлайди. Янги ташкил етилаётган, кўп илм талаб қилувчи корхоналар, одатдагилардан фарқ қилиб, улар ИТ (илмий–тадқиқот) ва ТКИ (тажриба конструкторлик ишлари) босқичидан тортиб, янги турдаги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга татбиқ етилгунгача бўлган тўла сиклга еътиборни қаратишлари керак. Шунинг учун улар ўз фаолиятида истиқболли тадқиқот гуруҳларини ташкил етиб, охирги босқичда сотиш ва сотишдан кейинги хизматларни фаол ривожлантиришни кўзда тутадилар.

Инновацияга йетарли еътибор бермаслик, нафақат сотиш ҳажмини пасайиб кэтиши, балки ҳозирги глобал тангликни келгусида чуқурлашувига ҳам олиб келади.

Замонавий ишлаб чиқариш корхонани инновацияга, янги техника ва технологияни амалиётга жорий этишга, янги маҳсулот ва хизматлардан фойдаланишга ундайди. Ҳозирги кунда корхоналарда инновацияни бошқаришнинг қуйидаги муаммолари мавжуд:

- инновация учун ҳаражатларнинг йэтишмаслиги;
- амалдаги фан ва техника тараққиётининг сифат ўлчамларини ўрнатилган ҳалқаро даражадан ортда қолишини кузатилиши;
- илмий-техник гуруҳларда ходимлар сонини кескин камайиши, мавжуд моддий техника таъминоти, иқтисодий ишлаб чиқариш ва ижтимоий ташкилий тузилишда мавжуд боғлиқликни йўқлиги;
- ўз даврида инновацион жараёнлар муддати давомийлигининг юқорилиги;
- иновациянинг тарқалишини чекланганлиги;
- умумий ҳажмда инновация улушининг ўта пастлиги;
- инновацияга қизиқишнинг йўқлиги;
- охирги 10 йил ичида ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш ва модернизациялаш дастурида инвестиция харақатини амалда тўла тўхтатилганлиги.

Юқори даражада ривожланган давлатларда яхши йўлга қўйилган бозор механизми мавжуд бўлиб, у ишлаб чиқаришни йириклашувига, сотишни монополлашувига нисбатан курашиш, мослашувчан амортизация сиёсатини амалга ошириш, фан-техника

тараққиёти ютуқларини тез англай олувчи кичик корхоналарни рағбатлантириш ва бошқаларга кенг имконият яратади.

Инновацион жараён – бу корхона илмий-техника ва ишлаб чиқариш фаолиятидаги динамик ўсувчи жараёндир. Бу йерда инноватор, биринчи навбатда, янгилик ва ажралиб туришни меъзон қилиб олади.

Корхоналарда инновацияларни қуйидаги этапларга бўлиш мумкин:

- инновация мақсадини шакллантириш;
- мавжуд ҳолат таҳлили;
- алоҳида турдаги инновацияларни мақсадга мувофиқлиги юзасидан қарор қабул қилиш;
- инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш;
- инновацион лойиҳани муҳокама қилиш ва тасдиқлаш;
- инновация объектини тайёрлаш;
- инновацияни амалиётга татбиқ этиш;
- инновация самарадорлигини баҳолаш.

Инновацияни амалиётга татбиқ этишни бошқаришнинг таъсирчан воситаси унинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтишни назорат қилиш ҳисобланади. Татбиқ этишнинг муваффақияти лойиҳани босқичлардан тўсиқсиз ўтишидир.

Корхонанинг инновацион сиёсати – бу устувор инновацион лойиҳа ва дастурларни қўллаб-қувватлаш механизми, корхона ва унинг илмий-техник бўлимларига раҳбарлик, инновацион дастур ва

лойиҳаларнинг устувор йўналишларини аниқлаш механизми ва стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнлари мажмуидир.

Корхоналарда инновация жараёни ва илмий – техник сиёсатни татбиқ этиш ва амалга оширишнинг икки хил ёндашуви мавжуд.

Биринчидан, жараённи ҳаракатлантирувчи кучи инноватор фирма ҳисобланади, у биринчи бўлиб ўз корхонасида инновацияни жорий этади. Уларнинг ҳаракати вақтинча юқори фойда олиш билан рағбатлантирилади.

Иккинчидан, инновацияни жорий этиш жараёни ва келгусида тарқалиши бошланғич таъминотга, 7 унча катта бўлмаган сегментга боғлиқ бўлиб, унинг асосида минимал даражада фойда олинади. Бу сиёсатнинг келажакдаги мақсади, маркетинг сиёсати билан биргаликда фойдани ошириш ва бозорни йетарли қисмига егалик қилишдир.

Ҳозирги кунда амалиётда инновацияни бошқаришда илмий-техник сиёсатни ишлаб чиқишнинг 4 та функционал соҳаси ажратиб кўрсатилади.

1. Тадқиқот ва ишлаб чиқариш.
2. Давлат андозалари талаблари доирасида сертификатлаш ва сифатни бошқариш.
3. Ишлаб чиқариш базасини янгилашни ташкил этиш.
4. Бозорга инновацияни жорий этиш.

Илмий – техник сиёсатнинг тадқиқот ва ишлаб чиқариш бўлимида қуйидагилар ажратиб кўрсатилади.

- қидирув ва фундаментал тадқиқот;
- амалий тадқиқот;
- техник ишлаб чиқариш;
- илк бор инновацияни жорий этиш;
- инновацияни тарқатиш.

Ишлаб чиқаришнинг базасини янгилашни ташкил этиш – молиялаштириш буюртмаси асосида техник қайта қуроллантиришнинг ўзига хос режасини ишлаб чиқиш ва инновацион лойиҳаларни қопланишини назорат қилувчи бизнес режалар кўринишида амалга оширилади.

Инновацияни ўзлаштирилиши бозорга бир тадбир кўринишида кириб келади. Маркетинг сиёсати ҳолати билан боғлиқ ҳар қандай янги маҳсулот икки нуқтайи назардан қаралади:

1. Аҳамияти ва унда техник янгиликларнинг мавжудлиги;
2. Янги маҳсулотнинг бозорга таъсири.

Маҳсулот ўзида кўплаб техник янгиликларни ифода етиб, қайсики анъанавий эҳтиёжларни таъминлайдиган бозорда янгилик бўлиши мумкин. Бу йерда баҳо сезиларли даражада ўзгармайди. Маҳсулотнинг бозорга янгилиги қўшимча илмий-техник қарорларсиз ташқи кўриниши, ўлчамлари, шакли ва ранги ўзгариши ҳисобига ҳам бўлиши мумкин.

Ҳар қандай янгидан юзага келаётган ғоя тажрибанинг натижаси ҳисобланади:

1. Янги эҳтиёжнинг пайдо бўлиши;

Масалан: янги маҳсулот ишлаб чиқариш ғояси ёки янги технологик жараёни қўлланиши билан боғлиқ.

2. Усулнинг пайдо бўлиши, унинг таъсирида машҳур (таниқли) зарур эҳтиёжни таъминланишга олиб келади.

3. Инновацион имкониятли фойдаланувчига таъсир етувчи асосий омил бу янгиликни очилишигача бўлган даврнинг иложи борича қисқа бўлишидир.

4. Янгиликни яширин эҳтиёжини тўрт даражаси мавжуд. Қайсики бу даражада илмий-техник сиёсатни шакллантиришда керак бўлади?

5. Инновация пайдо бўлгунга қадар юзага келган эҳтиёж;

6. Янгиликни қашф етилгандан сўнг пайдо бўлган эҳтиёж;

7. Қайсики қашфиёт очилгандан сўнг узоқ вақт пайдо бўлмаган эҳтиёж;

8. Негатив эҳтиёж ёки воз кечилган эҳтиёж;

Дэмак, барча инновацион корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган тадбирлар мижоз (истеъмолчи) корхоналарнинг тадбирлари билан мувофиқлаштириб борилиши лозим.

3. Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион жараёни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари

Бугунги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион менежментни ўрганиш биринчи даражали аҳамият касб этади. Хўжалик юритишнинг бозор механизмлари

концепсияси кўплаб инновацион қийинчиликлар асосида шаклланади.

Бозор шароитида инновацион фирмани шакллантириш ўта мураккаб вазиятларда амалга оширилади.

Инновацион менежментнинг имконият(салоҳият)ларидан самарали фойдаланиш, бу корхона илмий-техник жамоасининг ишлаб чиқаришда фаол қатнашишига бевосита боғлиқдир. Ходимлар фаолиятини бошқариш менежердан юқори малакани, бошқарувнинг кўплаб усуллардан кенг фойдаланишни талаб этади.

Инновацион менежментни фан сифатида шаклланиши ижтимоий- иқтисодий тараққиётда ижобий силжишларга олиб келади. Илмий – техник тараққиётга ёндашиш тубдан ўзгаради ва инсонларнинг илмий фаоллиги ортади.

Сўнгги пайтларда инновацион менежмент ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг бош омилларидан бирига айланди. Шу боисдан республикамызда инновацион менежментга қизиқиш янада кучайиб бормоқда.

Инновацион жараёни ривожланиш шартлари иккита асосий омил таъсирида шаклланади:

- янгиликларни яратувчилар фаолиятига бозорнинг таъсири;
- юқори технология билан боғлиқ бўлган инновацион жараёнларни Давлат томонидан тартибга солиб турилиши.

Ҳозирги кунда инновацион фаолият мақсад ва вазифаларини белгиловчи кўплаб Давлат дастурлари ишлаб чиқилган:

Инновацион фаолиятни ривожланиши учун норматив шартларни белгиловчи 3 та босқич мавжуд бўлиб:

Биринчи босқич: структуравий ўзгариш (силжиш)лар билан боғлиқ. Бу йерда Давлатнинг асосий вазифаси янги самарали ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий аҳволини турғунлаштириш, асосий тизимни ҳаётийлигини сақлаш, янги самарали ишлаб чиқаришни ташкил этишдан;

Иккинчи босқич: иқтисодий юксалиш – мамлакатда ишлаб чиқаришни ўсиш суръатларини ошириш босқичи. Бу йерда иқтисодий самара берувчи инновацион лойиҳаларни амалга ошириш.

Учинчи босқич: такомиллашган янги ишланмалар, уларни амалга оширишдаги манфаат дастаклари экспертиза натижалари асосида кўрсатилганлиги билан ажралиб туради.

Ҳозирда инновацион фаолиятни ривожланишининг қуйидаги учта асосий тенденцияси ҳукмронлик қилиб, улар инновацион жараённи ривожланишига кучли таъсир этади ва бир – бири билан доимо узвий алоқада бўлади:

- янги технологияни ривожлантириш;
- талаб ва таклифни глобаллашуви;
- ҳаридорлар хатти - ҳаракатларининг ўзгариши.

Ўзбекистонда илмий-техника тараққиётининг устувор йўналишлари сифатида аввало инфорацион технология ва электроника, ишлаб чиқариш технологиясини модернизация қилиш, кимё маҳсулотларини ишлаб чиқариш, ёқилғи-энергетика

комплексини ривожлантириш, экология ва табиатдан фойдаланишни тартибга солишни ўз ичига олади.

Инновацион жараённинг бош қоидаси “Технологияни ривожлантириш – иқтисодий ўсишни ҳаракатлантирувчи кучи”. Шу боисдан бугунги кунда инновацион фаолият қуйидагиларни ҳисобга олмоғи лозим:

- янги технология якка ҳолда келмайди у бошқалар билан бевосита боғлиқдир;

- ҳар бир бутун бир қатор бир-бирини тўлдирувчи базис технология билан боғлиқ;

- ҳар бир базис технология бир қатор таянч технологияларни негизи ҳисобланади;

- базис технология – янги саноат тармоқлари асоси;

- таянч технологиялардан тармоқни модернизация қилишда фойдаланилади.

Ўз иш фаолиятида янги инновацион технологиялардан фойдаланишни мақсад қилган тадбиркор бу «олтин» қоидага сўзсиз амал қилиши лозим, акс ҳолда, салбий ҳолат юзага келиши муқаррар.

Инновацион корхоналар таркибий тузилишини такомиллаштириш тажрибаси инновацион жараёнларни қуйидаги босқичларга бўлинишини исботлади:

- ҳар бир татбиқ етилган инновация ўзининг афзалликлари билан ажралиб туриши;

- атроф - муҳитдан муҳофазаланган инновация мавжуд эмас;

- битта инновация келгусида кўплаб инновацияларни юзага келтиради;

- инновация корхоналарнинг ўз-ўзини ташкил этиши ва актив ривожланишининг зарурий элементи ҳисобланади;

- ҳар қандай инновация катта интеллектуал салоҳият ва кучни талаб этади.

- талабга ега инновация, маъмурий жорий этишга нисбатан тез амалиётга татбиқ етилади;

- инновациянинг муваффақиятли ҳаражати учун янги ғоя зарур;

- инновацияни татбиқ этишни иқтисодий самара даражаси, таваккалчилик даражаси билан боғлиқ;

- инновацияда тартиб қанчалик юқори бўлса, инновацион жараённи бошқаришга ҳам талаб шунчалик юқоридир;

- инновацияни муваффақиятли татбиқ этишга бир қатор омиллар(яъни янгиликка интилувчи инсон, таклиф, ғоя кашфиёт ва ҳоказолар) зарур.

Назорат саволлари

1. Давлат илмий-техника тараққиёти сиёсатининг асосий йўналишларини айтинг.
2. Давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсад ва вазифаларини айтиб беринг.
3. Давлатни илмий ва инновацион фаолиятга фаол аралашувининг моҳияти нима?
4. Корхоналарда инновацион сиёсатни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятини тушунтириб беринг.
5. Корхоналарда инновацион сиёсатни бошқаришнинг асосий тамойилларини таърифланг.
6. Корхона ичида инновациянинг қандай даражаси мавжуд?
7. Корхонада инновациянинг босқичларини айтинг.
8. Бозор шароитида инновацион менежментни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти қандай?
9. Инновацион фаолиятни ривожланиши учун норматив шартларини белгиловчи босқичларни айтинг.

📖 ЭСДА ҚОЛАРЛИ ВОҚЕАЛАР



➤ Ерамиздан минг йил аввал Йёвропада Темир асри бошланди. Бу даврнинг ҳарактерли томони иш жараёнларида механизмлардан фойдаланиш жабдал суръатлар билан ривожланди.

➤ Ерамиздан олидинги 287 – 212 йилларда буюк олим Архимед «винт»ни кашф етди. Натижада сувни юқорига кўтариб берувчи винтли насос яратилди.

➤ Ерамиздан аввалги 180 – йилга қадар Перган шохи Евмен – III уч километр узунликдаги сув узаткични яратди.

➤ Ерамиздан II – I аср аввал ҳозирги тезлик ўлчагичнинг кўриниши ҳисобланган, айланишни ҳисобловчи ўлчагич яратилди.

➤ Ерамиздан I – аср аввал Герон Александрийский трубина реактивини кашф етди.

3 - боб. ИННОВАЦИЯНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИР ЕТУВЧИ ОМИЛЛАР

1. Инновацион муҳитни бошқариш


Тадбиркорликни инновацион муҳити - бу инновацион фаолият юксалишини таъминловчи ёки бўғувчи бир қатор ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий ва сиёсий муҳит мажмуидир.

Тадбиркорликни инновацион муҳити: бу хўжалик юритувчи субъектлар, уларнинг ҳаракатлантирувчи кучларига ёндошма таъсир кўрсатувчилар уларнинг таркиби қуйидаги расмда яққол кўрсатилган яни: сиёсий, демографик, илмий- техник, ижтимоий-маданий, табиий ва ҳалқаро муҳит.

Ички муҳит - бу фирма имконият доирасида ҳамкорлар, мижозлар билан мақсадли муносабат олиб бораётган актив субъектлар ва кучлар йиғиндисидир. Ички муҳитда кучлар фирмани ўзи ва имкониятларига боғлиқ муносабатлардир.

Инновацион корхоналар фаолияти натижалари маълум бир даражада ички ва ташқи муҳит омиллари билан аниқланади.

Ўз навбатида, тадбиркорлик инновацион муҳитини шакллантирувчи омиллар таъсир доирасига қараб тўғри ва ёндошма таъсирга бўлинади.




2 – расм. Тadbirkorlik innovatsion muhit tarkibi

Барча ташқи муҳитнинг омилларини 2 та гуруҳга бирлаштириш мумкин.

1. Корхона фаолиятига тўғридан тўғри таъсир етувчи (қонунлар, тартибга солувчи давлат ташкилотлари, мол ййетказиб берувчилар, материал, қурилма, энергия, рақиблар, бутловчи маҳсулотлар, маҳсулот истеъмолчилари, савдо, молия, транспорт ва бошқа воситачилар).

2. Корхона фаолиятига ёндошма таъсир етувчи - бу иқтисодиётнинг аҳволи, илмий-техник тараққиёт, сиёсий, демографик, табиий ва бошқа омиллар.

Инновацион фирмаларни бошқариш кўплаб элементлар ўрамида амалга оширилади: бозор, унинг ҳолати ва таклифи, аксиядорлар, уларнинг дивиденд олишдан манфаатлари, давлатнинг ҳуқуқий ва солиқ талаблари, шериклар, қайсики корхона ўз олдига мажбурият олган, технологияни ўзгариши, маҳсулот сифатига талаблар, ёлланма ишчиларга талабни ўсиб бориши, рақиблар фаолияти, иқтисодий инқироз оқибатлари ва бошқалар.



3 – rasml. Korxonona innovatsion faoliyatini shakllantirish muhitlari

Bir sўz bilan aytganda, muhit firma faoliyatiga taʼsir etadi. Shu boisdan innovatsion boshqaruvchi yuqoridagi taʼsirni hisobga olishi kerak.

Tashqi muhit doimiy xarakterga ega emasligini Charlz F. Seybl va Djejn E. Prokopning “Stabilizatsiya cherez reorganizatsiyu” hamda Maykl Xammer va Djejms Champining “Reorganizatsiya korporatsii” nomli asarlarida taʼkidlab oʻtishgan.

1975-yillarga qadar tashqi muhit nisbatan turfun bulgan, keskin siljish va uzgariشلar sezilarli emas edi. Usha davr

бошқарувчилари асосан қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олган . Улар:

- товарнинг ҳаётийлик даврини нисбатан юқорилигини;
- янги маҳсулотлар яратишга вақтнинг кўплигини;
- баҳо корпорациянинг бош омили еканлигини;
- пирамида тизимида корхоналар ҳажмини ортиб боришини;
- компания таркибида ўзининг хусусий экспертларнинг мавжудлигини;
- ялпи ишлаб чиқаришни;
- тайёр маҳсулот ва хомашё учун катта миқдорда омбор майдонини ушлаб туриши ва бошқаларни ҳисобга олган.

Тахминан 70-йилларнинг охири 80- йилларнинг бошларига келиб аҳвол мураккаблашди. Унинг асосий сабабчиси илмий-техниканинг кескин ривожланиши бўлиб ташқи муҳитни ўзгаришига олиб келди.

Ташқи муҳитни ўзгаришининг асосий талаблари:

- размер (ҳажм)нинг қисқариши;
- реорганизация (қайта ташкил этиш);
- ўзгаришга нисбатан тез таъсирнинг юзага келиши;
- ритмик ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши.

Ташкилот билан ташқи муҳит орасида ажратиб турувчи чегара бўлиши керак. Чегаралар топшириқлар доирасида, иш ҳақи даражаси, ижтимоий шартлар ташкилот мавқеида яққол кўринади.

Инновацион фаолиятга таъсир кўрсатувчи ички омилларга қуйидагилар киради:

- ишлаб чиқаришни илмийлик сиғими юқорилиги;

- бирламчи хомашёни қайта ишлашнинг мураккаблиги даражаси;

- олинадиган қўшимча қиймат даражаси;

- ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги;

- тармоқ ишлаб чиқариш активлигига мавсумий характернинг таъсири;

- ишлаб чиқариш энергияси сиғими;

- ишлаб чиқариш фонд сиғими;

- ишлаб чиқаришнинг техник даражаси;

- маҳсулот сифат даражаси;

- экологик хавфли ишлаб чиқаришнинг мавжудлиги;

- асосий фондларнинг ескириши;


- кадрларнинг малака даражаси;

- тежамкор технологияни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш имкониятлари;


- истеъмол бозорининг аниқлиги ва бошқалар.

2. Фирма инновацион фаолиятига таъсир етувчи омиллар

Ташқи муҳит дейилганда иккита мустақил тизимчалар йиғиндиси тушинилади: кенг қамровли ва доимий равишда қамраб турувчи (4,5– расмларга қаранг)



4- расм. Тўғридан тўғри таъсир ўтказувчилар



5 – расм. Ёндашма таъсир ўтказувчилар

Кенг қамраб олиш – фирмани шаклланишининг умумий шартларидир. Кўп ҳолларда кенг қамраш алоҳида олинган фирмага нисбатан алоҳидалик ҳарактерига ега эмас. Аммо унинг фирма инновацион фаолиятига таъсири ҳам бир хил эмас. Бу уларнинг фаолият соҳаларининг турлилигига боғлиқ.

Кенг қамровнинг иқтисодий таҳлили – бу инновацион манбалар қандай шаклланади ва тақсимланади, ялпи миллий маҳсулотдаги улуши қандай, инфляция даражаси, ишсизлик даражаси, фоиз ставкаси, меҳнат унумдорлиги, солиққа тортиш нормалари, тўлов баланси, жамғарма нормасини, фирма инновацион фаолияти таъсирини ифода этади. Иқтисодий соҳани ўрганишда қуйидаги

факторларга еътибор бериш алоҳида аҳамият касб этади:

- иқтисодий ўсишнинг умумий даражаси;
- қазиб олинаётган табиий бойликлар (манбалар);
- табиий иқлим;
- рақобатбардошлик муносабатларини ривожланиши даражаси;
- аҳоли таркиби;
- ишчи кучининг маълумот даражаси ва иш ҳақи миқдори;

Ҳуқуқий тартибга солишни таҳлил этиш бу инновацион фаолиятнинг ҳуқуқий томонларини ўрганиш, муносабатлар ва ҳуқуқий нормаларни белгилашдан иборат. Бу йерда норматив актларни мазмунини ўрганиб бориш билан чегараланиб қолмаслик зарур, енг зарури доимий такомиллаштириб бориш ва амалиётга татбиқ этишдир.

Сиёсий томони бу инновацион фаолият борасида давлатнинг тутган йўлидир. Таҳлилда қуйидаги масалаларга еътибор қаратилади:

- қандай инновацион дастурларни ҳаётга татбиқ этиш кўзда тутилмоқда
- давлатни турли соҳа ва режаларга муносабати қандай
- янги қабул қилинган қонун ва норматив ҳужжатларга киритилган ўзгаришлар

Ижтимоий омилларни таҳлил этишда фирма инновацион фаолиятига таъсир етувчи муносабатлар ўрганилади. Яъни инсонларни меҳнатга муносабати, удум ва кадриятлар, жамиятни демографик тузилиши, маълумот даражаси, ходимларни активлиги,

яшаш жойини ўзгартиришга тайёрлиги. Бир сўз билан айтганда, ижтимоий муносабат ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Технологик муҳитни таҳлил этишда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларни такомиллаштириш имкониятларининг мавжудлиги, жумладан, маҳсулот тайёрлаш ва сотишни модернизация қилишга еътибор қаратилганлигини олишимиз мумкин.

Инновацион фирма фаолиятига ташқи муҳит омилларини таъсирини баҳолашда юқоридагилар билан бир қаторда истеъмолчилар, маҳсулот йетказиб берувчилар, воситачилар ва рақиблар ҳолати ҳам таҳлил етиб борилади.

Фирма инновацион ишлари самараси ўз фаолияти маҳсулига истеъмолчи топишга боғлиқ ва уни эҳтиёжини таъминлаши лозим. Истеъмолчи қандай инновацияни қайси баҳода керак, бу билан фирма иш натижасини баҳоловчи бош омилдир.

Одатда, рақиблар - ташқи муҳит омили ҳисобланади. Ҳар бир фирма раҳбари буни яхши тушунадик, агар у ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан истеъмолчи эҳтиёжини таъминлай олмаса, у ишни дэмак рақиб бажармоқда. Кўп вақтларда истеъмолчи эмас балки қандай баҳода сотиш ҳам муҳимроқдир.

Инновацион жараёнларни ташкил этишнинг шакллари кўплигига қарамасдан, уларни асосий омилларини гуруҳларга бўлишимиз мумкин, қайсики фирма инновацион фаолияти шаклланишига таъсир этади. (жадвал 3.1)

Инновацион фаолиятни ривожлантиришга таъсир етувчи омиллар

Омиллар гуруҳи	Тўсиқлик қилувчи омиллар	Фаолиятга кўмаклашувчи омиллар
Иқтисодий-технологик	<ul style="list-style-type: none"> • инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун маблағларни этишмаслигиматериал, моддий техник базани кучсизлиги ва ескирган жиҳозлар • захира қувватининг мавжуд эмаслиги 	<ul style="list-style-type: none"> • молиявий, материал техник ва прогрессив технология захирасининг мавжудлиги • зарурий хўжалик ва илмий-техник инфратузилмани мавжудлиги
Сиёсий-ҳуқуқий	<ul style="list-style-type: none"> • сиёсий турғунликни мавжуд эмаслиги • ташқаридан монополияга солиқ, амортизация, патент, лицензия таъсирини чеклаш борасида ҳуқуқий базани чекланганлиги 	<ul style="list-style-type: none"> • инновация фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантириш чора-тадбирларини шаклланганлиги

<p style="text-align: center;">Ташкилий-бошқарув</p>	<ul style="list-style-type: none"> • ташкилий тузилишни функционал • ўртикча марказлашув • бошқарувнинг авторитар усули • маълумотларни вертикал оқимини устуворлиги • тармоқ ва тармоқлараро алоқалардаги қийинчиликлар • режалаштиришнинг қатъийлиги • қисқа муддатга қоплашга асосланганлиги • инновацион жараён қатнашчиларининг келишуви қийинлиги 	<ul style="list-style-type: none"> • ташкилий тузилмани жараёнларга нисбатан ёндашуви • демократик бошқарув усули • маълумотларни горизонтал оқимини устуворлиги • ўз-ўзини режалаштириш • тузатма киритиш имкониятини мавжудлиги • сифатни бошқариш тизимини жорий этилиши • марказлашувдан қочиш, автономия мақсадли гуруҳлар шакллантириш
<p style="text-align: center;">Ижтимоий-психологик ва маданий</p>	<ul style="list-style-type: none"> • янгиликка қаршилик қилиш • ноаниқликдан чўчиш • муваффақияtsizлик юзасидан чорадан сақланиш 	<ul style="list-style-type: none"> • маънавий рағбатлантириш • ўз-ўзини амалга ошириш имкониятларини таъминланганлиги • яратувчанлик меҳнатини озод бўлиши • нормал рухий иклим меҳнат жамоаси орасида

Ташки омиллар (+ имконият, - тақиб)	Омиллар баҳоси	Имконият ёки ўзгаришнинг юзага чиқиш еҳтимолли		Ривожланиш истиқболи		Корхона харакати ва харакат натижаси
<p>Сиёсий-ҳуқуқий омил:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ҳокимият турғунлиги • солиқ сиёсати ва соҳадаги қонунчилик • монополияга қарши қонунчилик • атроф-муҳит муҳофазаси қонунлари • аҳоли бандлигини тартибга солиш • ташқи фаолият қонунчилиги • хорижий сармояга нисбатан давлат муносабати 	1:5	<p>Ҳуқуқий нормалар; Иқтисодиёт турғунлиги</p>	0:1	<p>Ҳуқуқий нормалар; Иқтисодиёт турғунлиги</p>	0:1	<p>Янги бозорларга интилиш ва ҳуқуқий шаклларни ўзгариши</p>
<p>Иқтисодий омиллар ишбилармонлик цикли босқичида ялпи миллий маҳсулот тенденцияси.</p> <ul style="list-style-type: none"> • валюта курси ва фоиз ставкаси • инфляция даражаси • ишсизлик даражаси • Энергетик ресурслар • инвестиция сиёсати 	1:5	<p>Иқтисодиётни турғунлашуви. Баҳони тартибга солиш. Хусусий мулкчиликни ривожлантириш</p>	0:1	<p>Иқтисодиётни турғунлашуви. Баҳони тартибга солиш. Хусусий мулкчиликни ривожлантириш</p>	0:1	<p>Инфляцияни қўзда тутилиши. Валюта сотиш ва сотиб олиш. Янги бозорларга интилиш</p>
<p>Технологик омиллар:</p> <ul style="list-style-type: none"> • ТК ва ИТИ 	1:5	<p>Илғор технологиялар; баҳо, янги маҳсулотни</p>	0:1	<p>Илғор технологи ялар; баҳо, янги</p>	0:1	<p>Хом ашёни арзон манбаларини топиш. Қўшма</p>

Назорат саволлари

1. Инновацион муҳитни моҳиятини ёритинг.
2. Фирма ташқи муҳити асосий элементларини айтинг.
3. Ташқи инновацион муҳитга умумий тавфиснома беринг.
4. Ички инновацион муҳитни бошқаришда ҳисобга олувчи омилларни санаб ўтинг
5. Инновацион жараёни амалга оширишда қўллаб-қувватловчи ёки тўсиқлик қилувчи қандай гуруҳ омиллари мавжуд
6. Инновацион фаолиятни ривожланиши ички шартларига тавсифнома беринг.
7. Инновацион муҳитнинг қайси факторлари (омиллари) фирмани бошқаришга тўғри ёки ёндашма таъсир этади?
8. Фирма маркетинг муҳитини бошқаришни алоҳидалик томонларини айтинг.

 **ESDA QOLARLI VOQEALAR.**



- *I–IV asrlarda metall dan keng foydalanish evaziga hunarmandchilikning rivojlanishiga erishildi.*
- *800 yil avval Bronzadan yasalgan Laxenskiy saroyiga taniqli “Bo’ri darvozasi” qo’yildi. Uning balandligi 4 metr, eni 1,35 metr bo’lib, og’irligi 1700 kilogramm bo’lgan.*
- *X–asrda metall simlar tayyorlashda ko’p teshikli “valochnie diski” diskalardan foydalanila boshlandi.*
- *XI–asr Bronza quymalari ishlab chiqarishda yuqori darajaga erishildi.*

4-боб. ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ БОШҚАРИШ

1. Инновацион лойиҳанинг моҳияти ва аҳамияти

Лойиҳа деб янги техник ва ижтимоий – иқтисодий тизимни яратиш ва ўзлаштиришга қаратилган мақсадли жараёнга айтилади.

Инновацион лойиҳа ўта мураккаб тизимни ифодаловчи бир бири билан бевосита боғлиқ ва ўзаро тадбирни амалга оширувчиларнинг аниқ мақсадга еришишдаги илмий – техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларидир. Лойиҳалар, одатда, мазмунан изланувчи ва тадқиқот лойиҳаларига бўлинади.

Изланувчи лойиҳа инновацион лойиҳаларнинг бир шакли ҳисобланиб, у халқ хўжалигида ижтимоий-сиёсий аҳамиятга ега бўлган муҳим масалани ҳал этишга қаратилган назарий ва амалий тадқиқот ва ишланмалар ҳисобланади.

Тадқиқот лойиҳалари техник – иқтисодий қарорлар асосида шаклланади.

Лойиҳада амалга ошириладиган ғоя, фикр ва техник қарорлар аҳамиятига кўра турли хил бўлиши мумкин.

Модернизация – бу йерда кескин ўзгариш бўлмайди, машина қурилма қувватини, меҳнат унумдорлигини оширувчи янги техник иқтисодий кўрсаткичлар билан оширилиши таъминланади.

Новаторлик – янги маҳсулот конструкцияси ўз элементлари бўйича аввалгилардан тубдан фарқ қилади.

Илдамловчи – бу йерда конструкция истиқболли техник қарорларга асосланади.

Пионер – бу йерда авваллари мавжуд бўлмаган материал, конструкция ва технология юзага келади. У янги ёки аввалги функцияларни бажариши мумкин.

Амалиётда лойиҳалар аҳамиятига кўра: мураккаблиги, давомлилиги, бажарувчилар таркиби, қамрови, инновацион жараёндаги иштироки бўйича турланади. Ҳал етаётган вазифалар қамрови (кўлами) бўйича инновацион лойиҳалар қуйидагиларга бўлинади:

- мулт-лойиҳа;
- монолойиҳа;
- мегалойиҳа.

Мулт-лойиҳа (кичик лойиҳа) – кўлами бўйича катта бўлмаган содда ишлам билан чекланган лойиҳадир. Улар буюртмачининг ўзаро бир бирига боғлиқ ғоялари асосида тузилади.

Моно-лойиҳа – мулт лойиҳаларнинг муқобил варианты ҳисобланиб, уларни чекланган вақт ва манбалар билан ягона лойиҳа бўйича бирлашвидир.

Мега-лойиҳа – бу умумий мақсад сари йўналтирилган лойиҳа учун зарур манбалар ва уни бажариш учун кэтадиган вақтга ўзаро боғлиқ бир неча лойиҳалардан ташкил топган мақсадли дастурлардир.

Мега-лойиҳаларни шаклланиши ва амалиётга татбиқ етилиши бир қатор тармоқлар, ҳудудлар, саноат – молия гуруҳлари, йирик

корпорация ва давлатлар бирлашувини талаб этади. Мега-лойиҳалар ҳалқаро, мамлакат доирасида, миллий ва ҳудудий ҳарактйерда бўлиши мумкин.

Лойиҳалар бажарилаётган ишлар ҳажми ва давомийлик муддатига кўра:

- қисқа муддатли (1-2 йил)
- ўрта муддатли (5 йилгача)
- узоқ муддатли (5 ва ундан ортиқ йил) бўлади.

Лойиҳа таркиби ва босқичлари(амалиётга татбиқ этиш) унинг тармоқ ва функционал мойиллигини белгилайди.

Инновацион лойиҳаларнинг асосий бўлимлари:

- лойиҳа мазмуни ва долзарблиги, лойиҳанинг бош мақсади, яъни маркетинг тадқиқотлари ва муаммолар таркиби асосида шаклланади.

Лойиҳани бош мақсадини амалиётга татбиқ этиш тадбирлар тизими қуйидагича:

- лойиҳани комплекс асослаш;
- лойиҳани амалиётга татбиқ етилишини таъминлаш;
- лойиҳа юзасидан эксперт хулосаси;

Ҳар қандай лойиҳа ўзининг мураккаблиги ва иш ҳажмидан қатъий назар қуйидаги фазаларни ўтайди. (1 – жадвалга қаранг)

Лойиҳани ташкил этиш ва амалиётга татбиқ этиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- инвестицион лойиҳа ғоясини шакллантириш;
- инвестицион имкониятларни ўрганиш;

- лойиҳани техник иқтисодий жиҳатдан асослаш;
- шартнома ҳужжатларини тайёрлаш;
- лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш;
- қурилиш монтаж ишлари;
- объектдан фойдаланиш;
- иқтисодий кўрсаткичлар мониторинги;

1-жадвал

Лойиҳанинг ҳаётӣлик даври босқичлари

Инвестиция олди фазаси		Инвестицион фаза		
Лойиҳанинг инвестиция олди тадқиқотлари ва режалаштириш	Ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга тайёрлаш	Савдо-сотик амалга ошириш ва шартномалар имзолаш	Лойиҳани амалиётга татбиқ этиш	Лойиҳани яқунлаш
Башоратни ўрганиш (прогнозлаш)	Лойиҳа қидирув ишлари режасини ишлаб чиқиш	Шартномалар тузиш	Лойиҳани амалга ошириш режасини ишлаб чиқиш	Ишга туширишга тайёргарлик ишлари
Бошланғич фикрлар шартлари таҳлили ва лойиҳа	Техник – иқтисодий асослаш, топшириқларни ишлаб чиқиш	Қурилмани йетказиб бериш шартномаси	График ишлаб чиқиш	Объектни ишга тушуриш

концепциясини ишлаб чиқиш				
Инвестицияни лойиҳа олди асослаш	ТИА тасдиқлаш, келишиш ва экспертизадан ўтказиш	Пудрат ишлари шартномаси	Ишларни бажариш	Натижалар таҳлили ва манбаларини жалб этиш
Жойлаштириш: ўрнини танлаш ва келишув	Топшириқни лойиҳалаштиришга бериш	Режа тузиб чиқиш	Мониторинг ва назорат	Фойдаланиш
Екологик асослаш	Ишлаб чиқаришни келишиш ва тасдиқлаш	-	Лойиҳа режасига тузатма кiritиш	Ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва таъмирлаш
Экспертиза	Инвестициялаш юзасидан якуний қарор қабул қилиш	-	Бажарилган ишларга ҳақ тўлаш	Лойиҳани ёпиш

Инвестицион ғояни шакллантириш босқичлари – бу ўйланган ҳаракат режасидир. Бу босқичда инвестиция объекти ва субъекти аниқланади.

Инвестиция субъекти – инвестициядан фойдаланувчи хўжалик юритувчи субъектлардир.

Инвестиция объектларига қуйидагилар киритишимиз мумкин:

- янги маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган қурилаётган, кенгайтирилаётган ва реконструкция қилинаётган корхоналар, бино, иморат – иншоотлар;

- алоҳида вазифани ҳал этишга қаратилган қурилиш комплекси ва реконструкция қилинувчи объектлар. Бу йерда инвестиция киритиладиган объект янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Инвестицион лойиҳаларда қуйидаги инвестиция шакллари қўлланилади:

- пул маблағлари ва унга тенглаштирилган мақсадли жамғарма, оборот маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар масалан аксия ёки облигация заем, гаров кредит ва ҳоказолар;

- йер;

- иморат, иншоот, машина ва қурилмалар, ўлчов асбоблари ва бошқалар;

- пул эквивалентиға ега бўлган мулк ҳуқуқи.

Амалиётда инвестицион лойиҳалар имкониятларини тадқиқ қилишда қуйидагилар кўзда тутилади:

- экспорт ва импортни ҳисобга олган ҳолда олдиндан маҳсулот (хизмат)ға бўлган талабни ўрганиш;

- маҳсулотни базис, жорий ва башорат қилинган нархи даражасини баҳолаш;

- қатнашчилар таркиби ва лойиҳани амалга оширишни ташкилий – ҳуқуқий шакллари юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- олдиндан тижорат самарадорлигини баҳолаш ва умумлашган нормативлар бўйича қўзланган инвестиция ҳажмига баҳо бериш;

- техник иқтисодий асоснома бўйича олдиндан баҳони тайёрлаш.
- инвестицион имкониятлар натижаси асосларини тасдиқлаш.
- лойиҳа қидирув ишлари шартнома ҳужжатларини тайёрлаш.

Инвестицион имкониятларни тадқиқ этишнинг мақсади – бу имкониятли инвестор учун инвестицион таклифларни тайёрлаш ҳисобланади. Агар бу йерда инвесторда эҳтиёж йўқ бўлса, унда барча ишлар ишлаб чиқарувчи ҳисобига тўғри келади.

Лойиҳани техник иқтисодий жиҳатдан тўла асослаш қуйидагиларни кўзда тутаяди:

- кенг қамровли маркетинг тадқиқотларни олиб бориш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқиш;
- бошланғич ҳужжатларни тайёрлаш;
- техник қарорларни ишлаб чиқиш;
- архитектура –режалаштириш ва қурилиш қарорлари тайёрлаш;
- муҳандислик таъминоти;
- фуқаро муҳофазаси ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш тадбирлари;
- қурилиш ишларини ташкил этиш тартиби;
- фуқаро, уй-жой қурилиш бўйича зарурий маълумотларни йиғиш;
- корxonани бошқариш тизими, ишчи ва ходимлар меҳнатини ташкил этиш.

- смета, молия ҳужжатларини шакллантириш: ишлаб чиқариш харажатлари, капитал сарфлар ҳисоби, корхона томонидан йиллик тушум ҳисоби, айланма маблағга эҳтиёжни аниқлаш ва ҳоказо;
- таваккалчиликни баҳолаш;
- лойиҳани амалга ошириш муддатини режалаштириш;
- лойиҳани тижорат самарасини баҳолаш;
- лойиҳани тўхтатиш шартларини шакллантириш.

2. Инновацион лойиҳаларни баҳолашнинг асосий мезонлари

Корхона ўзининг тадбиркорлик фаолиятида таваккалчиликни камайтириш учун, биринчи навбатда, инновацион лойиҳани чуқур таҳлил етиб чиқмоғи лозим.

Одатда, инновацион лойиҳа бир корхонага самарали бўлса, иккинчи корхона учун самарасиз бўлиши ҳам мумкин. Чунки унинг самараси корхонанинг жойлашган жойи, асосий инновацион лойиҳа бўйича ходимларнинг интеллектуал салоҳияти (бажаришга қодирлиги), асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳолати каби бир қатор объектив ва субъектив омилларга боғлиқ. Барча санаб ўтилган омиллар инновацион лойиҳа натижасига бевосита таъсир этади, лекин уларни доимо миқдор жиҳатдан баҳолаш қийин, айрим ҳолларда бунинг имконияти ҳам йўқ. Шу боисдан амалга ошириладиган инновацион лойиҳани уни танлаш босқичида ҳар бир аниқ олинган корхонада инновацион лойиҳага таъсир кўрсатувчи ўзининг омиллари мавжудлигини инобатга олиш

мақсадга мувофиқдир. Ҳозирда инновацион лойиҳани баҳоловчи универсал тизим мавжуд эмас, аммо айрим омиллар барча инновацион корхоналарга нисбатан умумий ҳарактерга ега. Шу боисдан ушбу омилларни айрим инновацион лойиҳаларни баҳолаш мезони сифатида қараш мумкин.

Қуйидаги жадвалда инновацион лойиҳаларни баҳолаш мезонлари таркиби келтирилган.

2-жадвал

Инновацион лойиҳалар мезонлари

1. Ижтимоий-иқтисодий тавсифнома
1.1. Ижтимоий (ҳаёт тарзи). 1.1.1. Ижтимоий қониқиши. 1.1.2. Саломатлиги. 1.1.3. Шахсий хавфсизлиги. 1.1.4. Маданиятлиги. 1.1.5. Маълумоти. 1.1.6. Турмуш тарзи. 1.1.7. Бандлик даражаси.
1.2. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси. 1.2.1. Аҳолини энергия ва иссиқлик манбалари билан таъминланиши. 1.2.2. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши. 1.2.3. Аҳолини транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланиши.
1.3. Иқтисодий. 1.3.1. Манбалардан фойдаланиш самарадорлигини ортиши: А) меҳнат манбалари; Б) материал манбалар; В) молия манбалари; Г) ахборот манбалари.

1.3.2. Юқори иқтисодий самара берувчи янги маҳсулотлар яратилиши.

1.3.3. Иқтисодиётдаги йирик ўзгаришларга қўшган ҳиссаси.

1.4. Бозор ўлчамлари.

1.4.1. Ички бозорда:

А) талаб;

Б) импортни ўрнини босиш;

В) маҳсулот рентабеллиги;

Г) инвестиция иқтисодий самараси;

Д) рақобат курашидаги ўрни;

Е) тижорат таваккалчилиги.

1.4.2. Ташқи бозорда маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги:

А) талаб;

Б) экспорт салоҳиятнинг ортиши;

В) инвестициянинг иқтисодий самараси;

Г) рақобат курашидаги ўрни;

Д) тижорат таваккалчилиги.

2. Миллий хавфсизлик таъминланиши

1.5. Ўзбекистоннинг мудофаа қудратига қўшган ҳиссаси

1.6. Экологик хавфсизликка қўшган ҳиссаси

1.2.1 Атроф-муҳитга зарарли моддаларни чиқишини камайтиришга қўшган ҳиссаси:

- атмосфера;

- сув ҳавзаларига;

- йер ва йер манбалари;

1.2.2 Табиатни қайта тиклашга қўшган ҳиссаси

3. Илмий - техник тавсифнома

3.1. Жаҳон андозаларига мослиги.

3.2. Йўлбошчилик ҳолатини қўллаб-қувватлашдаги ҳиссаси.

3.3. Бошқа илмий-техник йўналишларни юксалишига қўшган ҳиссаси.

3.4. Илмий-техник салоҳиятни юксалишига қўшган ҳиссаси.

3.5. Янгилик даражаси.

- 3.6. Йирик технологик ўзгаришларга қўшган ҳиссаси.
- 3.7. Олдинги дастур ва режаларга киритилганлиги.
- 3.8. Юзага чиқиш ҳолатининг даражаси.
- 3.9.1. Фундаментал ишларнинг мавжудлиги.
- 3.9.2. Тадқиқот учун юқори малакали кадрлар борлиги.
- 3.9.3. Ишлаб чиқариш ва тажриба базасининг мавжудлиги.
- 3.9.4. Лойиҳани муддатида амалга оширишдаги техник ва ташкилий таваккалчилик.

4. Иқтисодий тавсифнома

- 1.1. Лойиҳа сарфлари.
 - 1.1.1. Илмий текшириш ишларига.
 - 1.1.2. Тажриба конструкторлик ишларига.
 - 1.1.3. Намуна нусхасига.
 - 1.1.4. Ишлаб чиқаришни ташкил этишга.
 - 1.1.5. Ишлаб чиқариш жараёни капитал сарфлари.
 - 1.1.6. Ҳаражатларни қоплаш муддати.
- 1.2. Кутилаётган фойда.
 - 1.2.1. Умумий фойданинг имкониятли миқдори.
 - 1.2.2. Валута фойдасининг кутилган миқдори.
 - 1.2.3. Фойда олиш вақти бошланиши.
 - 1.2.4. Инвестиция рентабеллиги.

Инвестицион лойиҳаларнинг тўла баҳоси юқоридаги мезонларни ва лойиҳа асосий элементларини таҳлилини ўз ичига олади.

Инновацион лойиҳаларни баҳолаш мезонлари

Мезонлар	Баҳо				
	1	2	3	4	5
<p>Корхона қадри, сиёсати стратегияси ва моҳияти.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Илгариги стратегияларни ўрнини босувчанлиги. 2. Истеъмолчи таклифига лойиҳанинг мосланганлиги. 3. Лойиҳани корхона таваккалчилигига мослиги. 4. Таваккалчини вақт доираси. 					
<p>Маркетинг</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Лойиҳани бозорнинг маълум бир эҳтиёжига мослиги. 2. Бозорнинг умумий сифими баҳоси. 3. Бозордаги ҳисса (улуш баҳоси). 4. Тижорат ютуғи еҳтимоли. 5. Сотишнинг кутилган ҳажми. 6. Рақибларга баҳо. 7. Мавжуд сотиш каналлари билан келишишганлиги. 					
<p>ИТ ва ТК ишлари</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Лойиҳани корхона инновацион стратегиясига мослиги. 2. Техник қувват еҳтимоли. 3. Лойиҳани ишлаб чиқариш қиймати ва вақти. 4. Патент ҳуқуқи бузилишининг йўқлиги. 5. Келгусида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар имконияти. 6. Илмий - техник манбаларнинг мавжудлиги. 7. Маҳсулот ёки ишлаб чиқариш жараёнини атроф-муҳитга зарарли таъсири мавжудлиги. 8. Лойиҳани атроф-муҳит муҳофазаси жорий ва 					

истиқболли қонунчилигига мослиги.					
Молия 1. ИТ ва ТК ишлари қиймати. 2. Ишлаб чиқариш сарфлари. 3. Маркетинг тадқиқотлари қиймати. 4. Тегишли муддатга молиявий ресурслар мавжудлиги. 5. Корхонанинг бошқа лойиҳалари билан келишилганлиги (мослиги). 6. Кутилган фойда нормаси. 7. Лойиҳа бўйича молиявий маблағлар самарадорлиги критериясини ишлаб чиқиш.					
Ишлаб чиқариш					
Корхонанинг илмий-техник ходимлари сони ва малакасини лойиҳани амалга оширишга мос келиши					
Лойиҳанинг корхона ишлаб чиқариш қувватлари билан мослашганлиги					
Хомашё материал ва бутловчи қисмлар қиймати					
Ишлаб чиқариш ҳаражатлари					
Ишлаб чиқаришни хавфсизлиги даражаси					

Изоҳ:

5 – жуда юқори баҳо.

4 – юқори баҳо.

3 – қониқарли баҳо.

2 – паст баҳо.

1 – жуда паст баҳо.

Экспертлар лойиҳа тўғрисида тўла маълумотга ега бўлишлари учун барча масалаларни тўла ўрганиб чиқишлари шарт, сўнгра

умумлашган натижалардан келиб чиқиб лойиҳа самарасига баҳо беради.

Сифатли баҳолаш учун аниқ маълумотлар керак бўлади, уларни таркиби қуйидаги жадвалда берилган.

4-жадвал

Объектив маълумотларни миқдорий ўлчам ва инновацион лойиҳага ажратилган (берилган) тавсифнома

Кирувчи
<ol style="list-style-type: none">1. Иқтисодий самарадорлигининг ортиши;2. Асосий ижтимоий-иқтисодий муаммоларни йечишга қўшган ҳиссаси;3. Ички бозорда рақобатбардошлиги;4. Йирик структуравий силжишларга қўшган ҳиссаси;5. Экологик хавфсизликка қўшган ҳиссаси;6. Тўла ҳаражатлар (динамикаси);7. ИТ ва ТКИ тўла ҳаражатлари:<ul style="list-style-type: none">- технология бўйича;- йириклашган технология бўйича;- устувор йўналишлар бўйича;
Сифат
<ol style="list-style-type: none">1. Буюртмачиларнинг мавжудлиги;2. Ташқи бозорда рақобатбардошлиги;3. Ички бозорда рақобатбардошлиги;4. Бошқа устувор йўналишларни ривожланишига қўшган ҳиссаси;5. Янгиллиги ва истиқболи даражаси;6. Ҳалқаро даражада башорат қилаётган технологияга маҳсулотнинг мос келиши;7. Муаммода илмий-техник салоҳиятнинг мавжудлиги;8. Таваккалчилик, илмий-техник таваккалчилик, тижорат таваккалчилиги;9. Талаб етиладиган қўмак;

Усувор йўналиш дейилганда, асосан, давлатнинг ижтимоий – иқтисодий сиёсатини амалга оширилиши ва мамлакат тараққиёти олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсади тушунилади.

Усувор танлангандан сўнг инновацион фаолиятни ривожлантиришни стратегик йўналишлари ва тадбиркорликни Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш стратегияси аниқланади.

Стратегияни бошланғич босқичида телекоммуникация, озиқ-овқат, енгил саноат тармоқлари, қурилиш, кичик бизнесда инвестиция манбаларидан самарали фойдаланиш назарда тутилади.

Иккинчи босқични тармоқда амалга ошириш, қайсики Ўзбекистоннинг аниқ бир рақобат имкониятлари мавжуд бўлган (ёқилғи-энергетика комплекси) соҳаларни юксалтиришга ётибор қаратилади.

Учинчи босқичда стратегияни ҳаётга татбиқ этиш имкониятлари юзага келади.

Барча учала стратегия ҳам ички ва ташқи шароитни яратишда Давлатни тегишли ёрдамига муҳтож. Ташқи шароитларга инновацион фаолиятни рағбатлантириш ва рақобатбардошликни оширишга ёрдам берадиган солиқ сиёсати, божхона тўлови, тарифларни киритишимиз мумкин.

Инновацион фаолият самарадорлигини оширувчи ички шароитларга корхоналарни реструктуризация ва ислоҳ қилишни киритишимиз мумкин.

Юқоридагилардан ташқари ташқи шартларга, шунингдек, илмий муассасаларга қайтариб бермаслик шarti билан ажратилган муҳим аҳамият касб этадиган маҳаллий дастур ва грантларни ҳам киритишимиз мумкин.

Мамлакатимизда илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини янада юксалтириш ва уни ҳалқаро доирадаги мавқеини ошириш борасида бир қатор ижобий тадбирлар амалга оширилмоқда. Уни қуйидагиларда яққол кўришимиз мумкин:

- натижага қараб технологиядан фойдаланиш тамойилига ўтиш;

- фаол инновацион сиёсатга ўтиш;

- тажриба конструкторлик ишларини самарали ривожланишини таъминлайдиган “Ўйин қондаси”ни тасдиқлаш, ҳамда бунда баҳолар активлигини максималлаштириш;

- молиявий ресурсларни йўналишлар, дастурлар ва лойиҳа бўйича тақсимланишни режалаштиришда устуворлик ва ҳаражатлар таҳлилига кенг асосланиш;

- илмий-техник тадқиқотларни Давлат томонидан қўллаб - қувватлашнинг турли шаклларида фойдаланилади;

- лойиҳа натижаларини назорат қилиш ва бошқалар;

Ушбу ва бошқа талабларни амалга ошириш учун унинг барча бўғин ва даврларида умумлашган самарали методика ишлаб чиқиши лозим.

3. Инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш

Инвестицион лойиҳа самараси ҳақида олдинги бўлимларда атрофлича тўхталиб ўтилган. Енди инвестицион лойиҳани самарадорлигини асосий кўрсаткичларига тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий адабиётларда инвестицион лойиҳанинг самарадорлигини ҳарактерловчи учта кўрсаткич кўзга ташланади:

1. Инновациянинг ҳалқ хўжалиги самараси – бу лойиҳани бутун ҳалқ хўжалиги соҳасида ҳудуд ва тармоқлардаги самарасини ифодалайди.

2. Бюджет самарадорлиги кўрсаткичи лойиҳани амалга ошириш натижасини тегишли бюджетлар даромади ва ҳаражатиға таъсирини кўрсатади. Бу йерда самара лойиҳани татбиқ этиш евазига бюджет даромадаларини ҳаражатларидан ортиб кэтишида ифодаланади.

Бюджет самарадорлиги кўрсаткичи лойиҳани амалга ошириш натижасини тегишли бюджетлар даромади ва ҳаражатиға таъсири. Бу йерда самара лойиҳани татбиқ этиш евазига бюджет даромадаларини ҳаражатларидан ортиб кэтишида ифодаланади. Бюджет самарасида лойиҳанинг бюджетға таъсири ҳисобға олинади.

Ҳалқ хўжалиги самараси қуйидаги ҳолатлар билан ифодаланади:

- охирги ишлаб чиқариш натижалари;
- ижтимоий –иқтисодий натижалари;

- тўғри молиявий натижалар;

Чет ел банклари, фирмалари кредит ва заёмлари.

3. Тижорат самараси – бу лойиҳани истеъмолчилар учун молиявий таъсирини ифодалайди.

Лойиҳа тижорат самарадорлиги деб лойиҳада белгиланган самара даражасини таъминловчи ҳаражат ва молиявий натижалардаги қатнашчиларнинг улушига айтилади. Бу йерда самара даражаси сифатида маълум бир қадамда олинган аниқ пул оқими кўринади.

Инвестиция самарадорлиги дейилганда В. Г. Мединский бир қатор кўрсаткичларни тавсия этади. Улар жумласига инвестицияни қоплаш муддати, инвестиция самарадорлиги коэффициенти, пул оқимларининг дисконти, соф жорий қиймат, инвестиция рентабеллиги каби кўрсаткичларини киритиш мумкин.

Иқтисодий адабиётларда инвестиция самарадорлиги умумий соф фойданинг умумий капитал маблағлар сарфи суммасига нисбати билан аниқланади.

$$\mathbf{Жс = УСФ/УСКМ}$$

Бу йерда **Жс** – инвестиция самарадорлиги, коэффициентда

УСФ – умумий соф фойда, сўм

УСКМ – умумий сарфланган капитал маблағ ҳажми, сўм

Инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолашнинг яна бир усули бу ўртача йиллик фойданинг инвестиция ўртача миқдорига нисбатидир.

$$\mathbf{Жс = УЙФ/ИУМ}$$

Бу йерда **Жс** – инвестиция самарадорлиги, коэффициентда

УЙФ – ўртача йиллик фойда, сўм

ИУМ – инвестиция ўртача миқдори, сўм

Бу айрим манбаларда кўрсаткич инвестициянинг бухгалтерия рентабеллиги ҳам деб аталади.

Самарадорликни белгиловчи кенг тарқалган оддий усулларидан бири инвестиция қоплаш муддати ҳисобланади.

Қоплаш муддати, одатда, мазмун жиҳатдан инвестиция самарадорлиги кўрсаткичининг тескари кўриниши ҳисобланади.

$$T = \text{УСКМ/УСФ} \quad \text{ёки} \quad T = \text{ИУМ/УЙФ}$$

Аммо В.Г.Мединский инвестицияни қоплаш муддатини аниқлашда ўзига хос усулни тавсия етган. Бу тавсияга кўра қоплаш муддати инвестициянинг йиллик амортизация ажратмаси билан йиллик соф фойда йиғиндиси нисбати орқали аниқланади.

$$T = \text{И/ИА+ИСФ}$$

Бу йерда **И** – инвестиция умумий қиймати, сўм

ИА – амортизация ажратмаси, сўм

ИСФ – йиллик соф фойда

Юқоридаги кўрсаткичлардан фойдаланиш илмий муассасаларда ўзининг ижобий самарасини беради.

4. Инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишни бошқариш

Инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиши босқичма-босқич амалга оширилади.

Инновацион лойиҳалар бўйича устувор йўналишлар аниқланиб таклифларни шакллантириб, ўта зарур технологияларни аниқлаш жараёнида қуйидагиларга алоҳида ётибор қаратилади:

Биринчидан, мақсадга еришишнинг энг сезиларли мезонлари тартиби ётиборга олинади.

Иккинчидан, устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳага кўрсаткичларни яхшилаш даражасига қараб «Паст», «Ўртачадан паст» «Ўртача», «Ўртачадан юқори», «Юқори» баҳо берилади

Учинчидан, “Ўртачадан юқори”, “Юқори” баҳо ола олмаган технологиялар келажакда муҳокамадан чиқариб ташланади.

Бу йерда ҳисоб-китоблар аниқ бир давр ва баҳоларда амалга оширилиб баҳолар экспертлар томонидан қўйилади. Юқори баҳо ўлчамлари амалий қарор қабул қилиш жараёнида ҳам ўзгариши мумкин

Молиявий ресурсларни тақсимлаш лойиҳалар ўртасида “Ҳаражат-фойда” (самара) қондасига асосланган ҳолда амалга оширилиб, бу йерда устувор лойиҳаларга алоҳида ётибор қаратилади.

Амалиётда устуворлилик даражаси қуйидагича аниқланади:

1. Ҳар бир лойиҳа қуйи даражада икки хил кўрсаткич билан аниқланади:

- охирги натижа;
- режа бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотларга кетган ҳаражат;

2. Самарадорлик кўрсаткичлари лойиҳанинг аҳамияти бўйича ҳисобланади. Бу йерда еришилган натижа қилинган ҳаражатга таққосланади;

3. Барча лойиҳалар устуворлиги ва самара даражасига қараб тартибга келтирилади;

Шундан қилиб, бошланғич танлаб олиш босқичида лойиҳалар учта гуруҳга бўлинади:

- ўта муҳим устувор лойиҳа;
- устувор лойиҳа;
- фарқи бор лойиҳа;

Биринчи ва иккинчи гуруҳ лойиҳалари келгуси босқичда қайта ишлашга ўтказилади.

Ўта муҳим ва устувор йўналишларнинг лойиҳалари дастлабки танлови илмий – техник тараққиётни устувор йўналишларини танлаш ва баҳолашнинг умумий қоидалари асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Дастлабки, лойиҳани баҳолашни ўтказишнинг асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш, яъни асосий муаммоларни ҳал

этишда алоҳида аҳамият касб етувчи устувор йўналишларни ажратиб кўрсатиш.

2. Белгиланган йўналишлар бўйича лойиҳаларни танлаш.

3. Лойиҳаларни белгиланган йўналишлар бўйича кенгайтириш, қисмларга ажратиш.

4. Ўта муҳим муаммолар бўйича лойиҳалар танлови талабларини шакллантиришда технология ҳиссасини баҳолаш.

5. Лойиҳа танловига ҳужжатлар тайёрлаш.

6. Бозор учун лойиҳа намунаси ишлаб чиқиш.

7. Лойиҳа танлови низомини ишлаб чиқиш.

8. Лойиҳа иштирокчиларига танлов ҳақида маълумотларни йеткизиш.

9. Лойиҳа танловини ўтказиш.

10. Экспертиза ишчи қўлланмасини ишлаб чиқиш.

11. Эксперт гуруҳини ташкил этиш ва экспертиза ўтказиш.

12. Экспертиза ва ҳисоб–китоб натижалари бўйича лойиҳага баҳо бериш.

13. Истиқболсиз лойиҳаларни чиқариб танлаш.

14. Лойиҳани методик шакллантириш учун ҳужжатларни ишлаб чиқиш:

а) бюджет буюртмаси;

б) давлат томонидан қўллаб-қувватлашга ариза.

15. Лойиҳаларни амалиётга татбиқ этилишида Давлат томонидан қўллаб-қувватлашни танлашга дастлабки тавсиялар.

16. Давлат қўллаб-қувватлаш шакллари бўйича якуний бюджет аризасини тузиш.

Бу йерда лойиҳа мақсади шакллантирилади, бюджет буюртмаси тайёрланади, манбалар тасдиқланади, натижа назорат қилинади ва тегишли тузатмалар киритилади.

Назорат саволлари

1. Инновацион лойиҳага таъриф беринг ва унинг мазмунини ёритинг.

2. Инновацион лойиҳа қандай захиралардан ташкил топади.

3. Инновацион лойиҳалар қандай мезонлар бўйича баҳоланади.

4. Инновацион лойиҳа, технологияни устуворлик даражаси қай тартибда аниқланади.

5. Илмий-техника тараққиёти устувор йўналишлари шаклланиши ва амалиётга татбиқ этилиши умумий тузилиши фазаларини кўрсатиб беринг.

6. Инновацион лойиҳаларни эксперт баҳолаш учун зарур бўлган бошланғич маълумотлар мазмунини санаб ўтинг.


7. Инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш методикасини ўзига хос томонлари нимада?

8. Инновацион лойиҳа вариантларини танлаш учун фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлар ва усулларни санаб ўтинг.

9. Лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш механизмлари қандай?



ESDA QOLARLI VOQEALAR



- *XII–XIII asrda temirni maydalovchi tegirmon yaratildi. Undan qog‘oz ishlab chiqarishda, yog‘ochni maydalashda keng foydalanildi.*
- *XIV asrda yangi mashina va mexanizmlarnig sxemasi paydo bo‘ldi. Bu davrda Leanordo do Vinchi “qanotli uchuvchi” sxemasini yaratdi.*
- *XV asrning oxirlari XVI asrning boshlarida harbiy mashinalar takomillashuvi boshlandi. Artilleriya paydo bo‘ldi.*
- *1703-yil Saksoniyalik muhandis Yakob Leupold “Teatr mashina” kitobini yaratdi.*
- *1769-yil Fransuz N. Kune tomonidan par dvigatelli, uch g‘ildirakli yer ustida o‘zi harakatlanuvchi mashinani yaratdi.*

5-боб. ХОДИМЛАРНИ ИННОВАЦИОН БОШҚАРИШ

1. Илмий муассаса ходимлари ва уларнинг категориялари

Илмий муассасаларда фаолият юритувчи ходимлар таркибини 4 та категорияга бўлиш мумкин:

- илмий ходим;
- мутахассис;
- техник ходим;
- бошқа ходимлар.

Илмий муассасалар ходимларининг асосий қисмини илмий ходимлар ташкил этади.

Илмий ходим – бу илмий изланиш ва илмий тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи шахс. Унинг яратувчилик фаолияти тизимли асосда амалга оширилади. Илмий янгиликлар ҳажмини ошириш ва уларни қўллашнинг янги соҳаларини излаб топишга йўналтирилган бўлади. Илмий ходимлар ҳалқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият олиб боришлари мумкин.

Илмий муассаса мутахассиси – (инженер-техник ходим) олий маълумотга ега бўлган фуқаролардан иборат бўлади.

Техник ходим – илмий соҳага хизмат қилувчи ходимлар бўлиб, илмий ва илмий-техник фаолият учун зарурий шароитни яратиб бериш билан шуғулланувчи шахслардир.

Муассасанинг илмий ходимлари ўз фаолиятининг натижалари бўйича муайян мажбурият ва ҳуқуқларга ега бўлади. Бу ҳуқуқлар қуйидагилардан иборат:

- ўз илмий меҳнати маҳсули ҳисобланган янгилик, кашфиётларга муаллифликни даво қилиш;
- илмий меҳнати маҳсулидан тегишли тартибда манфаатдор бўлиш ёки даромад олиш;
- ўзининг илмий ва илмий-техник фаолиятини объектив баҳолаш;
- фан соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш;
- давлат гранти ва бошқа нодавлат ва жамоат фондлари ҳисобидан молиялаштирилувчи танловларда иштирок этиш;
- оммавий ахборот воситалари ва фаннинг махсус нашрларида илмий ишлари натижаларини чоп еттириш;
- инсон саломатлиги, атроф-муҳит муҳофазаси ва жамиятга зарар келтирувчи тадқиқотларда иштирок этишдан бош тортиш;
- илмий салоҳиятини доимо орттириб бориш.

Илмий ходимлар мажбуриятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- илмий ва илмий-техник изланишлар олиб боришда инсон ҳуқуқларини поймол етилиши ва атроф -муҳитни зарарланишига йўл қўймаслик;
- ўзига топширилган илмий-техник изланишлар, техник дастурлар, лойиҳалар ва тажриба ишланмаларга холис баҳо бериш.

Илмий фаолиятда бошқа соҳа ходимларидан фарқли ўларок муваффақият ходимнинг шахсий қобилиятига, унинг тайёргарлик даражасига, яъни салоҳиятига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Ходимлар салоҳияти уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш билан боғлиқ бўлиб, илмий муассасаларда бошқариш жараёнини нисбатан такомиллашувига олиб келади, ходимларни илмий фаолиятга ундаш орқали уларнинг яратувчанлик фаолияти ўз-ўзини тартибга солувчи тизимга айланади. Натижада ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқ ҳаражатлар ортади, ўқиш муддати узаяди, назорат функцияси мураккаблашади ва оқибатда ноанъанавий иш тартиби жорий этиш имконияти юзага келади.

Алоҳида талаб илмий муассасаларда кадрлар хизматига қўйилади. Кадрлар хизмати ходимларнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- ✓ янги фаолият бошлаган ходимлар ҳужжатларини расмийлаштириш ва сақлаш;

- ✓ уларни иш фаолиятини назорат қилиш;

- ✓ корxonанинг ходимларга бўлган эҳтиёжни режалаштириш;

- ✓ ходимларни танлаш ва ёллашни актив усулларини топиш ва фойдаланиш;

- ✓ ходимлар томонидан иш вақтини йўқотилишини бошқариш;

- ✓ ходимлар қўнимсизлигини таҳлил этиш, уни камайтириш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Корхонада ходимлар ҳисоби ва иш юритиш кадрлар хизмати ходимларининг иш вақти фондини 80 фоизидан ортиб кетмаслиги керак, шунга мос равишда кадрлар бўлими ходимлари таркиби ҳам ўзгаради.

Илгарилари кадрлар хизмати ходимлари кўпроқ идора ходимлари ҳисобланиб, уларни вазифаси ходимлар тўғрисида маълумот тўплаш, таҳлил қилиш ва сақлаш ҳисобланса, ҳозирда уларнинг таркибида руҳшунослар ва ходимлар мавқеини режалаштирувчи маслаҳатчи мутахассислар сони ортиб бормоқда.

Илмий муассасалар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан бири, яратилган ҳар қандай кашфиёт ходимнинг шахсий қобилияти маҳсули бўлади.

Унинг яна бир хусусиятли томони шундаки, илмий фаолият бугунги кунда жамоавий ҳарактер касб етиб бормоқда. Шундай экан кадрлар хизмати ходимларининг асосий вазифаси уларни бир мақсадга йўналтириш. Ташкилотчи, йўлбошчини танлаш ва раҳбарлик усулини аниқлашдан иборат.

Илмий текшириш участкалари ва тажриба базаларини ривожланиши техник ходимларга бўлган эҳтиёжни оширади. Бу категория ходимларини бошқариш илмий ходимларни бошқариш усулидан тубдан фарқ қилади. Уларни бошқаришда саноат ишлаб чиқариш ходимларини бошқариш усулларилан фойдаланиш қўл келади.

2. Ходимларни ундаш

Фан-техника тараққиёти қанчалик ривожланиб бориши билан ходимларни бошқариш жараёни мураккаблашиб бормоқда. Ходимнинг фаолият натижаси унинг хоҳиши ва имкониятига боғлиқ бўлиб, уларнинг малакаси билан белгиланади. Бу шароитда ҳар бир ходим ўзининг хатти-ҳаракатини тўғри баҳолаши ва тартибга солиши лозим.

Шахсларни самарали фаолиятга ундаш ва уларнинг малакаси ходимларни бошқаришнинг асосий ва марказий муаммоси бўлиб қолмоқда. Шу сабабли ходимларнинг ўз имкониятларини тўла ошқор этиш учун шароит яратиш фирманинг ҳаётийлигини таъминлашнинг бош омилидир.

Илмий фаолият олиб борувчи шахслар учун ундаш масаласи бошқа кишиларга нисбатан ўта муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли илмий фаолият билан шуғулланувчи ходимлар учун Америкалик муҳандис Ф.У.Тейлорнинг бошқарув тамойиллари, яъни “сиқиб сувини чиқариш” умуман тўғри келмайди.

Илмий фаолият билан банд бўлган ишчилар меҳнатини нормаллаштириш нисбатан қийин, уларни назорат қилиш жараёни ҳам мураккабдир. Бу ҳолда ходимнинг иш бошланган даври билан тугаллаган даври оралиғида кўриб кузатиш усули амалий жиҳатдан мазмунини йўқотади.

Ундаш бу – уйғониш, ходимни маълум бир мақсад сари ўзига хос йўналтириш, инсон хатти-ҳаракатини белгиловчи ҳолатидир.

Фредерик Герцберг томонидан XX аср 50-йилларнинг иккинчи ярмида яратилган ундаш назариясини белгиловчи омилларини икки гуруҳга бўлиб талқин этади.

Гигиеник (ишга нисбатан ташқи муносабатлар) қайсики ишдан қониқмасликни олдини олади. Буларга меҳнатга нормал шароитлар, йетарли иш ҳақи, раҳбарни ходимга яхши муносабати ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Ундовчи(ички) – бу ҳар бир ходимнинг мақсадни кўра олиши, унга этиш имконияти мавжудлиги ва ҳоказо.

Ўтган асрнинг 40-йилларида Америкалик рухшунос Абрахам Маслоу томонидан тавсия етилган инсон эҳтиёжлари назариясида ундаш омилларига алоҳида урғу берилган. Унинг таъкидлашича инсоннинг ҳар бир эҳтиёжини қондирилиши билан ундашнинг инсонга таъсири йўқолиб боради.


Инсонлар жамиятда ўз ўрнини топишга, ўзларининг ҳаётий эҳтиёжларини тўла қондирмасдан аввалроқ ҳаракат қила бошлайди. Шу сабабли инсонларнинг қайсидир эҳтиёжи муҳимроқ рол ўйнасада, уларнинг фаолияти доим ўша эҳтиёжни рағбатлантирмаслиги мумкин.

Инсонларнинг бирламчи эҳтиёжлари одатда пул воситасида қондирилади. Аммо пул 30-35 фоиз ходимларнигина ҳаракатга ундайди. Қолган тоифа ходимларни еса одатда илмга, мавқега бўлган эҳтиёжи ҳаракатга келтиради. Аммо инсонлар фаолиятида пулнинг аҳамиятини назардан қочириб бўлмайди. Чунки

ходимнинг иш ҳақи паст бўлиб, у яшаш учун йетарли бўлмаса, пул одамларни кўпроқ ҳаракатга ундай бошлайди.

Шу билан бир қаторда инсоннинг янада юқори эҳтиёжга бўлган қизиқишини ортиши учун, албатта, унинг ундан аввалги эҳтиёжини тўла қондирилиши шарт эмас.

Бошқарув санъати корхона фаолиятида асосий ролни ўйнайди. Ундаш омилларини ҳисобга олиниши, одатда меҳнат унумдорлиги ортишига олиб келади. Шу билан бир қаторда, меҳнат унумдорлиги доим ҳам ходимларнинг ишдан қониқиши билан белгиланмайди. Айрим ҳолларда ходимлар уларга кам иш юклатилиши ёки ишламаганликларидан қониққан бўлиши мумкин.



Ундашнинг ҳозирги замон назарияси одатда икки – мазмунли ва процессуал категорияларга бўлинади:

Мазмунли ва процессуал.

Мазмунли категорияда ходимнинг ички туйғуси ҳаракатга чорлайди.

Процессуал назарияда шахсларнинг ўзини тута билиши, уларнинг эҳтиёжлари билангина белгиланмайди. У, шунингдек, муайян вазиятни улар томонидан қандай қабул қилиши ва рўёбга

чиқариши, ҳамда унинг оқибатларини таҳлил қилиш орқали намоён бўлади. Процессуал назариялар ичида енг таниқлиси Портер-Лоулернинг назариясидир.

Бу йерда: *Еришилган натижа = Қобилият x Ундаш*

Кутиш назарияси инсонлар томонидан хатти-ҳаракатининг маълум йўналишини танлаб олинишини асослашни назарда тутди. Бу назарияда, одатда, инсонлар кўп ҳолларда онгли равишда ўз хатти-ҳаракатнинг алтернатив йўналишини танлаб олишга ҳаракат қилади. Чунки бу ҳаракат уларнинг фикрича кутилган натижага олиб боради.

Бу назария ўз ичига 3 та асосий ўзгаришни олади:

Кутиш (“меҳнат сарфи”-“натижа”) – бу ҳаракат билан натижа орасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, бу йерда ҳаракат деганда инсоннинг назорат қилинган онгли хатти-ҳаракат тушунилади.

Натижа деганда еса инсон назоратида бўлмайдиган келгуси ҳодиса тушунилиб, унинг юзага келиши тахминий ҳарактерга ега бўлади. Кутиш одатда 0 ва 1 орасида тебраниб туради. Агар ушбу ишни охирига йетказиш бўйича инсонда тасаввур бўлмаса кутиш 0 га яқин, ишонч бўлса 1 га яқин бўлади.

Валентност (“натижа”-“тақдирлаш”) – кишининг олинган натижага нисбатан иштиёқини белгилайди. Ҳар қандай еришилган натижа ўзида кишининг шу натижани кўлга киритишга бўлган хоҳишини ифодалайди.

Инструменталност (“бажариш”-“натижа”) – бу икки ходисанинг ўзаро боғлиқлигини ифодалаб, еришилган ижобий натижа орқали ходимлар маълум бир кўринишда тақдирланади.

3. Кадрларни режалаштириш

Илмий-техника тараққиёти даврида мутахассислар тайёрлаш муддатининг узоқлиги, унга кэтадиган ҳаражатларнинг юқорилиги, малакали кадрлар ҳиссасини ортиб бориши туфайли кадрларни режалаштиришга талаб янада ортади.

Илмий муассасаларда бошқа ташкилотларга нисбатан кадрларни режалаштиришнинг роли жуда юқори. Чунки бу йерда йўл кўйилган жамиятдаги ижтимоий ҳаражатларни ортишигагина олиб келмасдан, корхоналар учун зарур ходимларни йэтишмаслигига ҳам сабаб бўлади.

Кадрларни режалаштиришда қуйидагилар инобатга олиниши керак:

- қандай малакада неча ходим, қачон ва қайерда зарур?
- ижтимоий аҳволини ҳисобга олган ҳолда қайси тартибда зарурий ходимни жалб этиш ва ортиқчасини қисқартириш мумкин?
- Қай тартибда ходимларни қобилиятидан унумли фойдаланиш мумкин?
- қандай қилиб кадрлар малакаси ва сифатини яхшилаш, доимий, мақсадли кўмаклашиш мумкин?

- малакали мутахассислар тайёрлаш тадбирлари қанча ҳаражатни талаб этади?

Бу йерда, албатта, мавжуд бўлган ички ва ташқи меҳнат бозорининг роли каттадир. Корхоналарни, жумладан, илмий муассаларни малакали мутахассислар билан таъминлашда ички бозор, яъни муассасанинг ўзида мавжуд бўлган ходимлардан фойдаланиш анча қулай. Чунки бу нарса жамоа ўртасида ходимларни хизмат мавқеини юксалишига ишонч ҳосил қилади. Аммо ҳар бир ҳолатда ходимларни фаолиятга ундаш бўйича юқорида келтирилган усуллардан қай бирини танлашнинг ютуқ ва камчиликларини ҳисобга олиш зарур.

Корхоналарнинг иш фаолияти ходимларга бевосита боғлиқ бўлганлиги сабабли илмий муассасаларда ходимларни тўғри танлаш ва жойлаштиришга катта еътибор берилади. Чунки бу орқали муассасанинг келгусида малакали мутахассисларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ва уни қондириш имкониятлари яратилади.

Қуйида ходимларни жалб қилиш усуллари келтирилган.

5-жадвал

Корхона захираси ҳисобидан жалб этиш

Афзаллиги	Камчилиги
<ul style="list-style-type: none"> • Корхона ичидаги ўсишга имкониятнинг мавжудлиги; • Жалб этиш ҳаражатларининг юқори эмаслиги • Номзоднинг ушбу корхонани қай 	<ul style="list-style-type: none"> • Танлаш имкониятининг қисқариши • Аниқ бир шароитда малака ошириш ҳаражатларининг юқорилиги • Ҳамкасблар орасида юқори лавозимга тавсия етилмаслик туфайли

<p>даражада билиши</p> <ul style="list-style-type: none"> • Ходимнинг билими • Ушбу корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш даражасини қўллаб-қувватланиши • Бўш ўринларни тез тўлдириш имконияти • Ёш кадрларга лавозимларни бўшатиб берилиши • Кадрлар сиёсатининг ойдинлиги • Кадрларни режалаштириш орқали корхонани бошқарувини такомиллаштириш • Мақсадли малака оширишнинг мавжудлиги • Корхонада қўнимсизликнинг пасайиши 	<p>норозилик пайдо бўлиши</p> <ul style="list-style-type: none"> • Кескинлик юзага келиши ва ўзаро курашнинг кучайиши • Жамоада ички муҳитни бузилмаслик ва тинчликни сақлаш мақсадида лавозимга тайинлашнинг юзага келиши • Узоқ муддат ишлаётган ходимни лавозимдан бўшатиш муаммоси • Ходимларнинг белгиланган тартибда лавозимга кўтаришда активликнинг пасайиши;
--	---

6-жадвал

Корхона четдан ходимларни жалб қилиш

Афзаллиги	Камчилиги
<ul style="list-style-type: none"> • Танлаш имкониятининг юқорилиги • Корхонага янги имкониятларни кириб келиши • Инсонга ташқаридан осон тан олиниши • Ишга қабул қилиш орқали ходимга бўлган эҳтиёжни тўғридан тўғри қон- 	<ul style="list-style-type: none"> • Ходимни жалб этишда ҳаражатнинг ўта юқорилиги • Ходимларни ташқаридан кўплаб жалб этилиши туфайли корхонада қўнимсизликнинг юзага келиши • Синов муддатини таваккал қилишнинг юқори даражаси

дирилиши	<ul style="list-style-type: none"> • Ходимда фирма ҳақидаги маълумотнинг йўқлиги • Хизмат лавозимида қўтарилишнинг чеклаб қўйиш имконияти • Захирадаги ходимларга нисбатан жалб қилинган ходимлар иш ҳақининг юқорилиги
----------	--

Илмий муассасаларда, одатда, илмий ходимларга бўлган эҳтиёж 5-10 йил олдин муддатга режалаштирилади. Чунки ўша муддат ичида ходим тегишли малакага ега бўлади.

Илмий текшириш институтлари ва тажриба конструкторлик бюрolarида илмий муҳандис кадрларни захирасини яратишда ходимларни нафақага чиқиши, уларни қўнимсизлиги, ёллаш муддатининг тугаши муносабати баилан ишдан бўшатиш ташкилот фаолият доирасини кенгайтириш каби омиллар ҳисобга олиниши лозим. Захира 40-45 ёшдаги раҳбар ходимлар таркибидан шакллантирилиши мақсадга мувофиқ бўлиб, бу гуруҳ келгусида бўш раҳбар ходимлар ўрнини тўлдиришнинг асосий манбаи бўлади.

Захирани яратиш шакллари турлича бўлиши мумкин. Чунки бу шахслар асосан раҳбар саломатлиги ёмонлашган вақтда, таътил, хизмат сафарларида бўлган даврда унинг ўрнини босади.

Ташқаридан танлаб олиш воситаларига бу оммавий ахборот воситаларида берилган еълонлар, олий ўқув юртлари билан мутахассислар тайёрлаш юзасидан тузилган шартномалар,

талабалар билан ишлаб чиқариш амалиёти даврида олиб борилган тадбирлар киради.

Одатда, ёшон қилинган жойларга даъвогарлик қилувчи номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари шарт:

- ✓ Резюме;
- ✓ Белгиланган тартибда анкета;
- ✓ Тавсиянома;
- ✓ Илмий ишлар рўйхати.

Ходимни танлашда резюме катта ўрин тутди. Яхши тўлдирилган резюме ходимнинг иш тажрибаси, маълумоти ва бошқа ишбилармонлик сифатлари ҳақида тўла тасаввур беради. Илмий ходимларда чоп етилган илмий–методик ишлар рўйхати резюмеда асосий ётибор берувчи омил ҳисобланади. Америка Қўшма Штатларида резюме тўлдирувчи махсус ихтисослашган бюролар мавжуд.

Резюмеда қуйидагилар кўрсатилиши шарт:

- 1) номзоднинг исми, фамилияси ва отасининг исми, манзили, телефони, факс;
- 2) номзоди қўйилган лавозим;
- 3) иш тажрибаси;
- 4) маълумоти;
- 5) шахсий маълумотлари;
- 6) тавсиянома;
- 7) аҳамиятли илмий ишлари рўйхати.

Айрим ҳолларда қисқача еришган ютуқлари ҳақида маълумот берилиши фойдадан ҳоли эмас. Танлаш босқичида номзодлар ҳар томонлама муҳокама қилиниб энг имконияти юқориси танлаб олинади.

Объектив қарор қуйидагиларга асосланган ҳолда қабул қилинади:

- номзоднинг маълумоти;
- касб малака даражаси;
- олдинги иш тажрибаси;
- тиббий тавсиянома;
- ҳарактеристика ва шахсий фазилатлари.

Бу йерда номзодларнинг илмий даражаси, у егаллаши лозим бўлган ишга таққосланади. Қоида бўйича иш берувчи, одатда, юқори илмий салоҳиятга ега бўлган ходимларга асосий еътиборни қаратади. Иш тажрибаси еса меҳнат стажида тавсифланади.

Номзоднинг тиббий кўрик маълумотларига ҳам еътибор берилади. Чунки номзод бажариши лозим бўлган иш маълум бир жисмоний сифатларни талаб этади (кўз ўткирлиги, ешитиш қобилияти ва ҳоказо). Ходимни тавсифномасида, шунингдек, унинг оилавий ҳолати ҳақидаги маълумотлар батафсил ёритилиши керак.

Танлов учун зарурий маълумотларни олишнинг турли шакллари мавжуд бўлиб, унинг энг қулай кўриниши бу суҳбат ўтказишдир.

Номзод ўзи ҳақида маълумот берганда қуйидаги 3 та ҳолатга еътибор қаратмоғи лозим:

- 1) ўзининг ўтмиши (олдинги ишлари ва ютуқлари);
- 2) ҳозирги фаолияти(фикри, мулоҳазаси, турмуш тарзи ва ҳоказо);
- 3) келгусидаги фаолияти (вазифаси, кўзлаган мақсади ва режаси).

Синов – номзоднинг аниқ бир қўйилган вазифани қай даражада бажара олишини баҳолаш усулидир. Синовнинг биринчи турида номзоднинг таклиф етилаётган ишни бажариш қобилияти текширилса, иккинчи турида ходимнинг руҳий ҳолатига (илмий салоҳияти, ишга еътибори ва ҳоказо) баҳо берилади.

Синовда инсоннинг бирор бир томонларини белгиловчи турли тестлардан, масалан, қарор қабул қилиш вақтини баҳоловчи тестлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Тажрибада иккинчи жаҳон уруши даврида агентларни танлаб олиш учун баҳоловчи марказлар ташкил етилган. Ушбу марказларда моделлаштириш орқали номзодларни ишни бажариш қобилиятлари баҳоланган.

Ҳозирда бозор иқтисоди шаклланган мамлакатлардаги йирик фирмаларда ушбу турдаги марказлар фаолият олиб бормоқда. Бу марказларда ўрганиш юзасидан йиғилган маълумотлар, тавсифнома, суҳбат, синов натижалари билан таққосланади ва якуний қарор қабул қилиш учун фирма раҳбариятига тавсия етилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ортиши нуқтайи назаридан мутахассисларни аттестация қилиш катта аҳамият касб этади. Ходимларни аттестацияси дейилганда – уларнинг маълум малакаси, билим даражаси, ишбилармонлик ва бошқа сифат фазилатлари тушунилади.

Аттестация махсус тузилган ваколатли комиссия томонидан ўтказилади. Одатда, аттестация учун қуйидаги ҳужжатлар керак бўлади:

- ✓ аттестациядан ўтувчи шахсга тавсифнома;
- ✓ номзод томонидан чоп қилинган илмий ишлари рўйхати;
- ✓ унинг илмий ҳисоботи;
- ✓ олган патентлари;
- ✓ илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича далолатномаси;
- ✓ рағбатлантирилганлиги тўғрисида ходимлар бўлими томонидан берилган маълумот.

Юқоридаги маълумотлар комиссия томонидан атрофлича ўрганилиб сўнгра якуний қарор қабул қилинади. Қарор хулосаси ижобий ёки салбий бўлиши мумкин.

4. Илмий муассасаларда оптимал иш тартибини танлаш

Юқорида айтиб ўтганимиздагидай, илмий муассасалар ходимлар таркиби бир хил эмас. Бу йерда олимлар, муҳандислардан тортиб то техниклар ва лаборантлар хизмат қилади. Бундан ташқари олимларнинг ўзларини ишлари мазмунига

кўра бир хил эмас. Шундай экан уларнинг иш куни тартиби ҳам универсал бўлиши мумкин эмас, жумладан, бир хил тоифадаги мутахассисларнинг ҳам.

Шу боисдан ҳам илмий муассаларда иш куни тартибини белгилашда унинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Янги иш графикларини ишлаб чиқишда ходимлар томонидан бажарилаётган ишлари ҳарактери билан чекланиб қолмай балки уларнинг иқтисодий самарасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бундан ташқари, унда иш тартиби ва унинг натижалиликни рағбатлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам ифода этилиши керак.

Илмий муассасаларда ходимлар одатда беш иш куни ҳафтаси – 40 соат ҳажмда, ерталабки соат 9:00 дан кечки соат 18:00 гача ишлайдилар. Бу иш тартиби ўзининг афзалликлари билан бир қаторда маълум камчиликлардан (йўллардаги тирбандлик, лифт учун навбат кутиш) ҳам холис эмас. Оқибатда, ходим ўз вақтида ишга етиб келолмайди, натижада келишмовчилик юзага келади. Шу боисдан ҳам илмий муассасаларда қуйидаги самарали иш режимларини қўллаш мақсадга мувофиқдир:

- мосланувчан график;
- қисқартирилган иш ҳафтаси;
- қисман бандлик.

Илмий муассасаларда ходимларга мосланувчан иш тартиби жорий қилинганда ходим раҳбарият билан келишган ҳолда ишга келиш ва кэтиш вақтини ўзи танлаб олади.

Қисқартирилган иш ҳафтасида ходим ҳафтанинг 4 соат иш юкламасини 5 кунда эмас 4 кунда бажарилишига руҳсат етилади.

Қисман бандлик, одатда, ёлланма ходимларга қўлланилади. Бу йерда ёлланма ходим қисқа вақт ичида ўзига белгиланган мажбуриятни бажариши назарда тутилади.

Илмий муассасаларда энг кенг тарқалган иш куни тартиби мосланувчанлик графиги ҳисобланиб, у турли усуллар билан тузилади:

- кунлик иш вақтини бошланиши ва тугалланишини танлаш;
- иш кунини ўзгарувчанлиги;
- умумий вақтни белгилаб олиниши, яъни бу вақтни илмий

муассаса раҳбарияти томонидан ҳамма ходимларни иш ўрнида бўлишини белгиловчи иш графиги, мосланувчанлик даражасига қараб, иш кунининг ҳар хил тартибини ажратиш мумкин. Уларни барчаси амалиётда кенг қўлланилади.

Мосланувчанлик сиклда ходимлар иш вақти бошланиши ва тугатилишини ўзлари танлаб оладилар ва бу тартиб маълум бир даврда (масалан ҳафта) амал қилади.

Қалқиб турувчи график – бу йерда иш вақти бошланиши ва тугатилиши ўзгарувчан бўлсада ходимнинг кунлик тўлиқ 8 соат ишлаши таъминланади.

Ўзгарувчи кун – бу йерда айрим кунлари иш вақтини давомийлигини ўзгаришига рухсат етилади, аммо ходим бир ҳафта мобайнида 40 соат, бир ойда еса 160 соат ишлаши зарур бўлади.

Ўзгарувчан кун ва қалқиб турувчи график илмий муассасаларда самарали ҳисобланади. Чунки бу йерда нормаллашган иш куни мавжуд. Бу график хорижда кичик бизнес ва саноат фирмаларининг лабораторияларида қўлланилади.

Жуда мосланувчан график – ходимларни белгиланган вақтда ишда бўлишларини талаб этади (масалан ерталабки 10:00 дан куннинг 14:00 гача, душанба ва жума кунлари).

Мосланувчан жойлашув, бу йерда ходимнинг нафақат иш вақти, балки иш жойини ҳам ўзгаришига рухсат етилади. Бундай ҳолларда ходимлар уйда ёки корхона филиалларида ишлаши мумкин.

Жуда мосланувчан график ва мосланувчан жойлашув республика фанлар академияси тасарруфидаги илмий муассасаларига қўл келади.

5. Илмий жамоаларда мақсадли гуруҳлар ва улар фаолиятини ташкил этиш

Гуруҳ дейилганда маълум бир мақсад йўлида бирлашган бирига кўмаклашувчи икки ва ундан ортиқ ишчилар тушунилади.

Ходимларнинг гуруҳларга бирлашуви қуйидаги бир қатор вазифаларни ҳал этади:

- илмий салоҳиятдан максимал даражада фойдаланишни таъминлайди;

- ходимлар бошқарувга кенг жалб етилади;
- уларда жавобгарлик ҳиссини оширади;
- доимий равишда ўз устида ишлаш ва малакасини оширишга ундайди.

Тўғарак ва мақсадли гуруҳлар иш жараёнида интилувчан ва ташаббускор ходимларни, норасмий йетакчиларни қидириб топиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу йерда уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиб кўрсатиши мумкин:

- ✓ Раҳбарлар гуруҳи
- ✓ Мақсадли гуруҳлар
- ✓ Бўлимлар.

Раҳбарлар гуруҳи, одатда, раҳбарлар ва уларнинг қўл остидаги ходимларидан ташкил топади.

Мақсадли гуруҳ – бу бир топшириқ устида ишловчи шахслардан ташкил топади.

Бўлимлар – бу ташкилотнинг маълум бир комплекс ёки алоҳида топшириқ бажариш ваколати берилган бўлими.

Мақсадли гуруҳ ишчилари мутахассислардан, шунингдек, ишчилардан ҳам ташкил етилиши мумкин. Илмий ходим муҳандислардан ташкил топган мақсадли гуруҳ олдиндан белгилаб қўйилган топшириқ бўйича иш юритади. Уларнинг мақсадлари мураккаб ва вақти чегараланган бўлади. Улар турли муддатларга (2-3 ва ундан ортиқ йилларга) ташкил етилиши мумкин.

Амалиётда кенг тарқалган мақсадли гуруҳлар бу фирманинг турли илмий текшириш бўлимларида ишлаётган илмий ходимларидан ташкил топган гуруҳдир. Уларнинг иш самарасига гуруҳнинг иш ҳажми, таркиби, ходимлар мавқеи ва функционал роли каби омиллар таъсир этади.

Мақсадли гуруҳ вақтинчалик илмий жамоа шакллантиришдан олдин морфологик таҳлил ўтказилиши мақсадга мувофиқ. Унинг натижасида бош вазифа алоҳида топшириқларга ажратиб олиниб, уларни ҳал этишнинг алтернатив имкониятлари аниқланади. Ажратиб олинган ҳар бир топшириқ, одатда, бажарилишига маълум босқичларга ажратиб олинади.

Бажарувчилар жамоасини шакллантиришда бажарилиши лозим бўлган барча ишлар белгилаб олиниши, уларни бажарилиш муддатлари, бажарувчи шахслар ва иш натижалари аниқлаб олиниши лозим.

Мақсадли гуруҳни ўз ғоялари моҳиятини тўла англай оладиган ва янгиликни татбиқ этилишидан манфаатдор бўлган лойиҳа раҳбари бошқаради. У гуруҳ таркибини шакллантиради, унинг аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди, ишни боришини назорат қилади.

Айрим ҳолларда гуруҳ ходимларни малакасини ошириш бўйича юқори тажрибали мутахассислар ёрдамида қисқа муддатли машғулотлар, семинарлар ўтказиши мумкин.

Назорат саволлари

1. Илмий ходим ким?
2. Ходимларни ундашни қандай тушунасиз?
3. Нима учун ҳозирги вақтда ундашни роли ортиб бормоқда?
4. Кутиш назариясининг моҳияти нимада?
5. Кадрларни режалаштиришни асосий вазифаларни санаб ўтинг.
6. Резюме – қандай қисмлардан ташкил топади?
7. Номзодни танлаш қандай омилларга асосланади?
8. Илмий муасасаларда мосланувчан иш графиги истиқболи қандай?
9. Мақсадли гуруҳлар ҳақида нимани тушунасиз?

ESDA QOLARLI VOQEALAR



- XVIII asrning oxiri va XIX asrning 70 – yillari yirik mashina sanoatining tez rivojlanishi bilan xarakterlanadi.
- 1784-yil ilk bor bolg‘aning harakatlanuvchi qismida par energiyasidan foydalanishni mashxur fizik olim UATT taklif etdi.
- XVIII asrning 90 – yillarida rus kashfiyotchisi I.P.Kulibin o‘zi harakatlanuvchi aravachani yaratdi.
- 1800-yil mashinasozlik ishlab chiqarishni yalpi boshlanish davriga to‘g‘ri keldi. Angliyada birinchi bo‘lib bloklar ishlab chiqaruvchi qurilma yaratildi.
- 1801- yil Efim Artamonov birinchi rus velosipedini yaratdi.

6-боб. КАШФИЁТНИНГ АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ

§ - 1. Кашфиётнинг тижорат аҳамиятини баҳолаш

§ - 2. Кашфиётнинг илмий –техник аҳамиятини баҳолаш

§ - 3. Кашфиётнинг техник-иқтисодий аҳамиятини баҳолаш

1. Кашфиётнинг тижорат аҳамиятини баҳолаш

Одатда, ҳар қандай янгилик, кашфиёт инсонларнинг интеллектуал салоҳияти маҳсули ҳисобланиб, маълум бир турдаги масалаларни ижобий ҳал етилишига қаратилади. Шу боисдан уларнинг аҳамиятини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади. Кашфиётнинг аҳамиятини баҳолашни ўрганишда учта асосий гуруҳга бўлиб оламиз, яъни:

1. Кашфиётнинг тижорат аҳамияти.

2. Кашфиётнинг илмий-техник аҳамияти.

3. Кашфиётнинг техник-иқтисодий аҳамияти.

Кашфиётни товар сифатида баҳолашда, масалан лицензияни сотиб олиш ва сотиш ҳолатида, нафақат унинг техник-иқтисодий кўрсаткичларга, фойдага таъсир етибгина қолмасдан, кашфиётни фойдаланишга тайёрлаш даражасига ҳам боғлиқ бўлиб қолади.

Кашфиётни фойдаланишга тайёргарлик даражаси унинг тижорат муваффақияти еҳтимоллиги B_y базис кашфиётга

нисбатан сериялаб ишлаб чиқариш жараёни олдида ўзида имкониятларни сақланиб қолишидир.

Агар кашфиётнинг тижорат аҳамиятини баҳолаш даврида, унинг ютуқлари(афзалликлари) бошқаларга нисбатан белгиловчи маълумотлар бўлмасин, пировард натижада, ушбу кашфиётдан фойдаланиб сериялаб ишлаб чиқарилган маҳсулот евазига олинадиган фойда минимал(паст) бўлади. Кашфиётларнинг тижорат муваффақияти унинг барча босқичларида бир хил бўлмайди.

Унинг миқдорий тижорат муваффақияти еҳтимоллиги 0,25 – 1,0 орасида тебраниб туради. Енг паст даража унинг “Ғоя” босқичида бўлса, енг юқори даражаси, ундан фойдаланиш босқичида намоён бўлади.

Шундай қилиб, фойдаланишга тайёргарлик даражаси тебраниши қуйидаги жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Кашфиётдан фойдаланишга тайёргарлик даражаси тебраниши

№	Кашфиётнинг фойдаланишга тайёргарлик даражаси	Аҳамияти B_y
1	2	3
1.	“Ғоя” босқичида	0,25
2.	“ИТИ” босқичида	0,5
3.	“ТКИ” босқичида	0,75
4.	Сериялаб ишлаб чиқаришда фойдаланиш	1,0

“Ғоя” босқичи муаллифнинг чоп етилган ишларида ифода етилади, бу йерда экспериментал текширишлар мавжуд бўлмайди.

“ИТИ” босқичида ғоядан унинг тажриба нусхаси ёки макети юзага келади. Ўз навбатида, тижорат муваффақияти еҳтимоллиги кашфиётнинг “Ғоя” босқичидан юқори бўлади.

“ТКИ” босқичида кашфиёт синовдван ўтади, асосли маълумотга ега бўлади. Буни асоси сифатида патент хизмат қилиши мумкин.

Кашфиётнинг тижорат аҳамиятини қуйидаги кўринишда аниқлашимиз мумкин:

$$P_{КОМ} = \frac{(1 + e K_I) x \frac{B_y^{on}}{B_y^{bo}}}{\frac{3_{ol}}{3_{bo}}}$$

Агар кашфиётнинг фойдаланишга тайёргарлик даражаси базис объектга нисбатан таққослаганда, тижорат аҳамиятини баҳолаш, техник –иқтисодий аҳамияти билан якун қилинади.

$$B_y^{on} = B_y^{bo}, \text{ ёки } P_{КОМ} = P_{Т.Э.}$$

Агар, $B_y^{on} \geq B_y^{bo}$ сўзсиз тижорат аҳамияти базис кашфиётникига нисбатан юқори бўлади.

Агар кашфиётнинг тайёргарлик даражаси базис нусха даражасидан паст бўладиган бўлса, яъни:

$$B_y^{on} < B_y^{bo}$$

Ҳар қандай ҳолатда юқори техник иқтисодий шароитда тижорат таваккалчилиги даражасини баҳолаш зарурдир. Бу таваккалчилик, биринчи навбатда, кашфиётнинг энг юқори тайёргарлик даражасига олиб чиқилишига боғлиқ. Бу йерда камчиликлар ҳам юзага келиши мумкин, қайсики бу имкониятли авзалликларни ҳам ювиб кэтиши(пучга чиқариши) мумкин.

Юқорида айтилганлардан ҳулоса қиладиган бўлсак, тижорат аҳамиятини баҳолаш жараёни қуйидаги блок–схэмада берилади.

Бу йерда ҳар бир босқичда амалга оширилган ҳисоб–китоблар ўзининг мураккаблиги билан фарқ қилмайди. Ушбу ҳисобларни амалга ошириш учун баҳоланаётган кашфиёт ва базис нусхаси бўйича бошланғич маълумотлар керак бўлади.

Кашфиётнинг тижорат аҳамиятини баҳолаш юзасидан бошланғич маълумотлар:


1) Баҳоланаётган маҳсулот учун эҳтиёж.

№	Техник-иқтисодий кўрсаткичлар номи	Техник-иқтисодий кўрсаткичлар улуши коэффициенти
1	2	3
1	P_1	K_1
2	P_2	K_2
3	P_3	K_3
....
н	P_n	K_n
Жами:		$K=1,0$

2) Фойдаланишга тайёргарлик даражаси коэффициенти

№	Кашфётнинг фойдаланишга тайёргарлик даражаси	Тижорат муваффақияти еҳтимоллиги
1	2	3
1.	“Ғоя” босқичида	0,25
2.	“ИТИ” босқичида	0,5
3.	“ТКИ” босқичида	0,75
4.	“Ишлаб чиқаришга жорий этиш”	1,0

Кашфиётни тижорат аҳамиятини баҳолаш жараёни



3) Таққослама таҳлил.

№	Таққосланаётган кўрсаткичлар	Баҳоланаётган маҳсулот	Базис нусха	Таққослаш натижалари
1	2	3	4	5
1	P_1	$P_1^{оп}$	$P_1^{об}$	Яхши, ёмон
2	P_1	$P_2^{оп}$	$P_2^{об}$	Меъёр даражасида
3	Тайёргарлик босқичлари	$B_y^{оп}$	$B_y^{об}$	$\frac{B_y^{оп}}{B_y^{об}}$
4	Маҳсулот бирлиги ишлаб чиқриш харажатлари	$Z^{оп}$	$Z^{об}$	$\frac{Z^{оп}}{Z^{об}}$

Кашфиётнинг тижорат аҳамиятини баҳолаш схэмаси.

1. Таққосланаётган аналог(намуна) нусхага нисбатан техник самараси баҳоси.

2. $P_{эфф} = 1 + (\sum K_1)$, бу йерда K_1 – маҳсулот техник-иқтисодий кўрсаткичлари улуши коэффициенти, алмаштириш жараёнида ўзгаради.

3. Агар бўлса, базис нусхага нисбатан маҳсулот техник–иқтисодий кўрсаткичларни яхшилайд.

4. Таққосланаётган намунага нисбатан кашфиётнинг техник – иқтисодий самарасини баҳолаймиз.

$$P_{тз} = \frac{P_{эфф}}{Z_{оп}/Z_{об}}$$

Бу йерда, $Z^{оп}$ - кашфиётдан фояланиш евазига тайёрланган маҳсулот бирлигига ҳаражатлар;

$Z^{об}$ - базис кашфиётдан фойдаланиш евазига тайёрланган маҳсулот бирлигига ҳаражатлар.

Агар $P_{тз} \geq 1$ бўлса, кашфиётдан фойдаланиш жараёнида маҳсулот реализацияси(сотиш) фойда базис кашфиётга нисбатан ортади.

5. Кашфиётнинг базис нусхасига нисбатан тижорат аҳамияти баҳоси қуйидагича ҳисобланади:

$$P_{\text{комм}} = P_{\text{м}} \frac{V_y^{оп}}{V_y^{об}}$$

Бу йерда, $V_y^{оп}$ – кашфиётнинг тижорат муваффақияти(ютуғи) еҳтимоли.

$V_y^{об}$ – базис кашфиётнинг муваффақияти(ютуғи) еҳтимоли.

Агар $P_{\text{комм}} \leq 0,75$ бўлса, тижорат нуқтайи назаридан истиқболли.

$V_y = 0,25$ бўлса, кашфиёт ҳали “Ғоя” босқичида.

$V_y = 0,5$ бўлса, кашфиёт “ИТИ” босқичида

$V_y = 0,75$ бўлса, кашфиёт тажриба конструкторлик ишлари босқичида

$V_y = 1,0$ бўлса, кашфиёт саноат ишлаб чиқаришга жорий етилиши даврида.

2. Кашфиётнинг илмий –техник аҳамиятини баҳолаш

Кашфиётларнинг илмий–техник аҳамияти уларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар техник–иқтисодий кўрсаткичларга таъсири орқали аниқланади. Бу таъсир бошқа кашфиётга нисбатан таққосланганда ёки турдош маҳсулотда фойдаланганда кўринади. Бу йерда таққослаш учун асос қилиб олинган кашфиёт базис кашфиёт(намуна) деб аталади.

Базис(намуна) кашфиёти етиб бу бошқа бир қатор илғор ютуқларга еришган, баҳоланаётган кашфиёт ўрнига жорий етилиши кутилаётган, хохлаган кашфиётни олишимиз мумкин.

Бу йерда ушбу соҳада охирги ютуқларга еришилган илмий – техник янгиликларни базис етиб олиниши мақсадга мувофиқдир.

“Кашфиётнинг патент тадқиқотлари ўтказишдаги аҳамиятини қиёсий баҳолаш” ишида кашфиётдан фойдаланишнинг фойдали натижаси таклиф етилган. Қайсики, бу базис кашфиёт техник – иқтисодий кўрсаткичларини яхшилайдди(ёмонлаштиради).

Баҳолаш қуйидаги ҳисоб формуласи орқали амалга оширилади:

$$P_{эфф} = e K_i$$

Бу йерда, $P_{эфф}$ – базис кашфиётни алмаштирувчи баҳоланаётган кашфиётни фойдаланиш натижаси.

K_i – техник – иқтисодий кўрсаткичлар улуши коэффициенти.

Дэмак, фойдаланишимизда кутилаётган кашфиёт базис билан таққосланганда техник – иқтисодий кўрсаткичларни

яхшилайдиган(маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширади, меҳнат унумдорлигини ўсишига олиб келади, мавжуд манбалардан самарали фойдаланишни таъминлайди).

Таққослаш жараёнида базис(намуна) кашфиётнинг техник даражаси (ТУ) 1 га тенг деб олинади. ($K_m^{бп}$) Шунга кўра янги кашфиётнинг фойдаланишида техник даража куйидаги тартибда аниқланади:

$$K_{my} = 1 + e K_i$$

Бу йерда, K_{my} – янги баҳоланаётган кашфиёт техник даражаси.

K_i – коэффициентлар улуши йиғиндиси маҳсулот техник – иқтисодий кўрсаткичлари.

Бу кўрсаткич фойдаланиш жараёнида ижобий ва салбий томонга ўзгариши мумкин.

3. Кашфиётнинг техник-иқтисодий аҳамиятини баҳолаш

Энг яхши кашфиётни танлаб олишда таққосланаётган вариантлар орасидан техник – иқтисодий кўрсаткичларга таъсири йетарли эмас.

Бу йерда фойдали натижани баҳолашда улардан фойдаланишни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларига таъсирини ҳам инобатга олиш лозим.

Чунки, техник – иқтисодий кўрсаткичларга таъсири охириги ҳолатда баҳода ўз аксини топса, ҳаражатларга таъсири маҳсулот таннархида кўринади. Бу йерда ҳаражатларнинг ортиши сотиш баҳосини ошириш ҳисобига қопланишига олиб келади.

Кашфиётнинг техник – иқтисодий аҳамияти базис(намуна) кашфиётга нисбатан таққосланган қуйидаги нисбат билан баҳоланади.

$$P_{мэ} = \frac{1 + e K_i}{\frac{Z_{он}}{Z_{бо}}}$$

Бу йерда: $Z_{он}$ – Баҳоланаётган кашфиётдан фойдаланиш евазига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари.

$Z_{бо}$ – Базис (намуна) нусхасидан фойдаланиш евазига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари.

Ушбу $\frac{Z_{он}}{Z_{бо}}$ нисбат эксперт баҳолаш усули орқали аниқланади.

Бу йерда мутахассис технолог–экспертлар хизматига таянилади. Шундай қилиб кашфиётнинг техник – иқтисодий аҳамияти(базис объектга нисбатан таққосланган) ўзгаришлар, маҳсулот ишлаб чиқаришга нисбатан ҳаражатларнинг ортиши ёки камайиши орқали баҳоланади.

Маҳсулот техник даражаси сотиш баҳоси билан тўғридан тўғри боғлиқ.

Ишлаб чиқариш ҳаражатлари маҳсулот таннархини аниқлайди. Бу йерда кашфиётдан фойдаланишни фойдага таъсирини ҳам

баҳолашимиз мумкин. Ҳаммамизга маълум фойда сотиш баҳоси (Ц) билан таннарх (С) ўртасидаги фарқдир.

$$П=Ц-С$$

Тажриба нусхаси таннархи (C^{OH}) базис ($Ц^{OH}$) базис (намуна) объектдан фойдаланиш баҳосини маҳсулот техник даражасига таъсири орқали баҳоланади.

$$Ts^{on} = Ts^{ob} \times K_{my}^{on}$$

Тажриба нусхаси таннархи (C^{on}) базис кашфиёти фойдаланиш жараёнидаги маҳсулот таннархини ҳаражатларнинг нисбий муносабати орқали аниқланади.

$$C^{on} = C^{bo} \times \frac{3_{on}}{3_{bo}}$$

Юқоридаги ифодаларга асосланиб кашфиётдан фойдаланиш евазига олинган фойда нисбатан қуйидаги кўринишда бўлади:

$$P^{on} = Ts^{bo} \times K_{my} - C^{bo} \times \frac{3_{on}}{3_{bo}}$$

Юқоридаги формулалар асосида шуни кўрсатишимиз мумкинки, техник – иқтисодий коэффициентлар аҳамияти $П_{мэ}$ нисбат сифатида аниқланган 1,0 дан катта ёки тенг бўлса, бу йерда $П_{мэ} = 1$ бўлади.

Кашфиётдан фойдаланиш евазига олинган фойда, маҳсулот бирлигини реализацияси евазига олинган фойдага боғлиқ бўлади.

$$P^{on} = K_{my} \times P^{bo}$$

Шундай қилиб, нисбат кашфиётнинг техник – иқтисодий аҳамиятини баҳолаш мезони бўлиб хизмат қилади.

Кашфиётлар орасида энг яхшисини танлаб олиш

Кашфиётларнинг аҳамияти (самараси)ни аниқлаш борасида кўплаб ёндашувлар мавжуд. Улар орасидан тан олинган ёндашувлардан бири кашфиётдан фойдаланиши евазига олинadиган манфаатдорлик ҳисобланади.

Бу ёндашув “ҳақиқий баҳоси” номи билан юритилиб қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$XK = K_1 \times K_2 \times K_3 \times K_4$$

Бу йерда, XK – кашфиётнинг ҳақиқий қиймати,

K_1 – кашфиётдан фойдаланганликни техник – иқтисодий кўрсаткичларга таъсирини ҳисобга олиш коэффициенти.

K_2 – кашфиётдан фойдаланиш ҳажмини ифодаловчи коэффициент.

K_3 – ишлаётган топширикни мураккаблик даражасини ифодаловчи коэффициент.

K_4 – ўзгарувчанлик даражасини ҳисобга олувчи коэффициент.

Кашфиётни қийматини баҳолашнинг ушбу усулини камчилиги шундаки, барча коэффициентларни аниқлаш мунозаралари

ҳарактерга ега. Масалан: кашфиёт объектнинг алоҳидалик белгиларини, кашфиёт объектнинг барча белгиларига нисбати.

Кўп ҳолларда кашфиётларнинг қиёсий аҳамияти иложи борича самарали вариантани аниқлашдан иборат.

Енг самарали кашфиётни танлаш муаммоси, уларнинг алтернатив вариантларига боғлиқ. Бу масалада Черчмен ва Акофомларнинг қарашлари алоҳида аҳамият касб этади. У қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$\Pi = \frac{P_{эфф} \times B_y}{3}$$

Бу йерда Π – Лойиҳанинг таниқлиги

$P_{эфф}$ –Муваффақият шароитида лойиҳадан фойдаланиш.

B_y – Лойиҳа муваффақияти еҳтимоллиги.

3 –Лойиҳани амалга оширилиши учун зарур бўлган ҳаражатлар.

Лойиҳанинг фойдалилиги ($P_{эфф}$) унинг амалга ошириш жараёнида олинган ижобий натижаси орқали аниқланади. Бу натижа пул кўринишида ҳам ифодаланиши мумкин.

Лойиҳани муваффақият еҳтимоли амалга оширишга талаб етилаётган вақт билан аниқланади.

Бу ёндашувга асосан қиёсланаётган лойиҳалар орасида юқори самаралилиги қисқа вақт орасида кам ҳаражатлар билан юқори натижага еришишини ифодалайди.

Кашфиёт ўз мазмун ва моҳиятига кўра, аниқ муаммони йечишга қаратилган бўлса, у лойиҳа ҳам саналади. Бу сабабларга

кўра кашфиётнинг аҳамиятлилиги кашфиёт мезонлари орқали ҳам аниқланиши мумкин.

Баҳолаш фаолиятининг хорижий тажрибалари

Олдинги марказлашган режали бошқариш даврида давлат мулкнинг ягона ҳукмронлиги шароитида юқоридаги касбга, яъни мулкни баҳоловчи мутахассисга эҳтиёж бўлмаган. Бу йерда давлат ўзининг статистика бошқармаси, техник инвентаризация бюроси ва бошқа органлари орқали активлар қийматини ўзлари аниқлаб берганлар.

Маъмурий буйруқбозлик усулидан воз кечилиб, иқтисодий усуллар роли оширилган шароитда мулк шакллари такомиллаштирилади. Хусусий ва бошқа нодавлат мулк юзага келди. Бизнес корхона, кўчмас ва интеллектуал мулкларни баҳолашда мутахассисларни иштирок этиши, олди–сотди жараёнида аниқ қийматга таянишда тегишли малакага ега бўлган, мутахассис иштироки талаб етилади.

Халқаро тажрибалар шуни кўрсатадики, турли шаклдаги мулкларни баҳолашда мустақил(бўйсунмайдиган) баҳоловчи мутахассис иштирок етмаса, битимнинг бир томони қоида бўйича асоссиз бўлиб қолади. Бу ҳолатлар хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида барча давлатларда кузатилган.

Турли мамлакатларда баҳоловчи мутахассисни шакллантиришда турлича ёндашилган. Шунинг учун ҳар бир мамлакатда баҳоловчи мутахассисга иш тажрибасига алоҳида

еътибор қаратилган бўлса, иккинчи бир мамлакатда олий маълумотга ега еканлиги талаб етилган ёки бошқа бир мамлакатларда умуман унинг тескариси. Масалан: АҚШ баҳоловчи мутахассисга университет, коллеж даражасидаги маълумотнинг мавжудлиги талаб етилган.

Ўз касбини улуғловчи баҳоловчи мутахассис базис маълумотига ега бўлиши билан бир қаторда баҳоловчиларнинг жамоатчилик ташкилоти ва давлат тузилишида ўтказилган турли ўқув йиғин семинарлари ва курсларда доимий равишда фаол иштирок этади.

Шу билан бир қаторда, умумий талаблар ҳам мавжуд бўлиб, барча мамлакатларда баҳоловчи мутахассислардан талаб етилган, улар иштирокисиз мулк бозорида ҳаракат қилиши мумкин эмас.

Бундай талабларга:

- а) махсус билим;
- б) доимий равишда билим савиясини ошириб бориши ва бозор юзасидан зарурий билимни шаклланганлиги;
- с) иш тажрибаси(3–10 йил).

Баҳоловчи эксперт мутахассис юқори даражада умумий маълумотга ега бўлиши зарур(иқтисодиёт, ҳуқуқ, қонуншунослик, банк, молия, солиқ, бухгалтерия ҳисоби, қурилиш, йер тузилиши ва бошқ.). Ундан кўзланган мақсад ўз соҳаси бўйича ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларни яхши билиши зарур.

Назорат саволлари

1. Кашфиётнинг тижорат аҳамияти қандай баҳоланади?
2. Кашфиётнинг илмий –техник аҳамияти қандай баҳоланади?
3. Кашфиётнинг техник-иқтисодий аҳамияти қандай баҳоланади?
4. Баҳолаш фаолиятининг хорижий тажрибаларини айтиб беринг.
5. Кашфиётлар орасида энг яхшиси қай йўсинда танлаб олинади?



ESDA QOLARLI VOQEALAR



- 1814- yili Angliyalik muhandis Dj. Stefenson paravoz yaratdi va temir yo'l boshlanishiga asos soldi.
- 1831- yil rus olimi P.P.Anosov metallni tadqiq etishda birinchi bo'lib mikroskopdan foydalandi.
- 1834- yili ota – bola E.A.Cherepanov va M.E.Cherepanovlar Rossiyada birinchi paravozni yaratdilar. Ushbu paravoz 3,3 tonnagacha sostavni soatiga 16 km. tezlik bilan harakatlantira olgan.
- 1839-yili Djems Nesmit birinchi bug' bolg'asi konstruksiyasini yaratdi.
- 1992-yil noyabr—O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "O'zDEU avto" Qo'shma korxonasini tashkil etishi to'g'risidagi Qarori qabul qilindi.
- 1993-yil may "O'zDEU elektroniks" qoshma korxonasi tashkil etildi.
- 1994-yil mart—O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining Qaroriga asosan "O'zavtosanoat" O'zbek avtomobilsozlik korxonalari assotsiatsiyasi tashkil etildi.

7–боб. ИННОВАЦИОН КОРХОНАЛАРИДА ПАТЕНТ ВА ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1. Фирма фаолиятини патент – лицензиялашни бошқариш

Ҳалқаро даражада интеллектуал мулкни ҳуқуқий тартибга солиш иқтисодий – ижтимоий маданий ҳуқуқлар ҳақидаги ИИИ – Ҳалқаро пакетда белгилаб берилган. Саноат мулкни муҳофафза қилиш ва патентлардан фойдаланиш тўғрисидаги Париж конвенсияси кашфиётларни ҳуқуқий ҳимоясига асос солди. Собиқ Иттифоқ республикалари ушбу конвенсияга 1965 йилда қўшилган.

Алоҳида олинган ҳар бир аъзо давлатнинг кашфиётларини патентлаштиришда дастлабки ариза муддати алоҳида аҳамият касб этади. Бунда кашфиётнинг янгилиги ифода этилиб, унинг фойдаланиш ва тижорат имкониятларини аниқлаш имкони кўрсатилади.

Ўзбекистонда патентларни ҳимоя қилиш масалалари билан Ўзбекистон Республикасининг Давлат патент идораси шуғулланади. Идора “Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни асосида мулкни яратиш, уларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади ҳамда мулк объектларини муҳофаза қилиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга оширади.

Патент идораси мулк объектларига талабномаларни кўриб чиқиш учун қабул қилади, улар бўйича илмий – техник экспертиза ўтказди, уларни давлат рўйхатига олади, муҳофаза ҳужжатларини беради, расмий ахборотнома нашр этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Патент идораси тўғрисида»ги Низомга мувофиқ яна бир қатор бошқа вазифаларни ҳам бажаради.

Патент идорасининг фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг манбаи давлат бюджети маблағи ва патент божлари ҳисобланади.

Патент кашфиётнинг устуворлиги, моделнинг ёки саноат нусхасини ва фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлаб беради. Кашфиёт патенти 20 йил муддат мобайнида амал қилади, бу муддат Патент бошқармасига ариза тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Лойиҳанинг саноат нусхаси патенти 10 йил муддатда амал қилади. Мулкнинг яратилган модели ва саноат нусхаси муаллифлар изланишлари асосида вужудга келади.

Агар кашфиёт ёки саноат мулк объектини яратишда бир неча шахслар иштирок етган бўлса, уларнинг барчаси муаллиф деб тан олинади. Уларга тегишли бўлган ҳуқуқдан фойдаланиш тартиби, улар орасидаги келишув билан белгиланади.

Агар бир неча шахслар бир – биридан беҳабар мустақил равишда кашфиёт ёки саноат мулк объектини яратган бўлса патент, дастлабки патент ёки гувоҳномага бўлган ҳуқуқ патент

идорасига биринчи бўлиб талабнома топширган шахсга тегишли бўлади.

Объект муаллифлари, ўзининг объектига нисбатан ғайри – қонуний равишдаги ўзлаштиришни кўзлаб, бошқа шахслар томонидан талабнома топширилган, ёхуд патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома олинган бўлса, суд тартибида бунга норозилик билдириши мумкин.

Дастлабки патент ёки гувоҳнома экспертизадан ўтказилгандан сўнг, патент еса, объект моҳиятан экспертизадан ўтказилган сўнг тақдим етилади.

Яратилган кашфиёт ёки саноат мулк объектига патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома қуйидагиларга берилади:

- саноат мулки объектининг муаллифлари ёки уларнинг меросхўрларига;

- муаллиф ёки унинг ҳуқуқий вориси томонидан патент, дастлабки патент ёки гувоҳномага оид талабномада ёки саноат мулки объекти патент идорасида рўйхатдан ўтказилгунга қадар топширилган аризада кўрсатилган жисмоний ва юридик шахсларга;

- мазкур моддада назарда тўтилган ҳолларда иш берувчига;

Агар иш берувчи саноат мулки объекти яратилганлиги ҳақида муаллиф маълум қилган санадан еътиборан тўрт ой муддат ичида патент идорасига талабнома топширмаса, талабнома топшириш ҳуқуқини ўзга шахсга ўтказмаса, муаллиф талабнома топшириш ва патент, дастлабки патент ва гувоҳномани ўз номига олши ҳуқуқига

ега бўлади. Бунда иш берувчи яратилган кашфиётга келгусида фойдаланиши учун патент егасига товон тўлаши шарт бўлади.

Иш берувчи томонидан, яратилган кашфиёт объекти махфий сақланадиган бўлса, у лойиҳа муаллифга мутаносиб миқдорда ҳақ тўлаши шарт. Ҳақ миқдори лицензиянинг бозор нархидан мутлақо кам бўлмаслиги лозим.

Патент егаси кашфиёт объектидан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай жисмоний ва юридик шахсларга бериши мумкин.

Кашфиёт талабномаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- кашфиёт муаллифлари томонидан патент сўралганлиги ҳақида ариза;

- кашфиётнинг тўла ва сўралган даражада амалга оширилишини ифодаловчи таснифи;

- кашфиёт таснифини тўла ифодаловчи формуласи;

- чизма ва бошқа материаллар;

- реферат;

Фойдали модел талабномасида қуйидагилар келтирилган бўлади:

- авторлар томонидан гувоҳнома берилиши тўғрисидаги ариза;

- фойдали модел таснифи;

- чизма;

- реферат;

Саноат намунаси талабномаси мазмуни қуйидагиларни ёритиб беради:

- саноат намунасига патент берилиши ҳақида ариза;
- фото албом, макет ёки расм;
- маълумот тури, умумий чизмаси, эргонометрик схемаси;
- саноат намунаси таснифи;

Ушбу кашфиёт, фойдали модел ва саноат намунаси олиш ҳақидаги аризага белгиланган тартиб ва миқдорда товон пули тўланганликни тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилиши керак.

Патентлар ҳаракат муддати куйидаги ҳолларда тўхтатиш мумкин:

- муҳофазаланган саноат мулки объектлари патентга лаёқатлилиқ шартларига мос келмаган тақдирда;
- талабнома материалларида ихтиронинг моҳияти йетарли даражада очиб берилмаган бўлса;
- ихтиро формуласида ёки саноат намунасининг муҳим белгиларида, талабноманинг дастлабки материалларида бўлмаган белгилар мавжуд бўлса;
- патентда муаллифлар нотўғри кўрсатилган бўлса;

Патент, дастлабки патент ёки гувоҳномани амал қилиш муддатини қисман ёки тўлиқ тўхтатиш юзасидан қарор қабул қилинган ҳолатларда муаллифлар апелляция кенгашига мурожаат қилишлари мумкин. Ариза берувчи Апелляция кенгаши қароридан қониқмаган ҳолатларда Қарор қабул қилинган кундан бошлаб 6 ой муддат ичида Олий Судга мурожаат қилиши мумкин.

Патент егаси бўлмаган ҳар қандай шахслар кашфиётдан ёки саноат мулк объектидан (муаллифлик ҳуқуқи) патент, дастлабки патент ёки гувоҳнома билан муҳофазаланган саноат егасининг

рухсати билан лицензия шартномаси асосида фойдаланиш ҳуқуқига егадир.

Лицензия шартномаси патент идорасида рўйхатдан ўтказилиши мумкин.

Патент егаси саноат мулк объектдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳар қандай шахсга топширишга рози эканлиги тўғрисида патент идорасига ариза бериши мумкин. Бу иқтисодий адабиётларда очик лицензия деб талқин етилади. Бундай ҳолда патент идораси бу хил аризалар тўғрисидаги маълумотлар еълон қилинганидан кейинги йилдан бошлаб, патентнинг амал қилишини сақлаб туриш учун тўланадиган бож ҳақи 50 фоизга камайтиради.

Очик лицензия сотиб олиш истагини билдирган шахс патент егаси билан тўловлар ҳақида шартнома тузиши шарт. Шартнома талаблари бўйича низолар хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Патент егасининг очик лицензияга ҳуқуқ берилиши ҳақидаги аризаси қайтариб олинмайди.

Вазирлар Маҳкамаси мамлакатнинг айрим корхона ва ташкилотларга миллий хавфсизлик манфаатларини кўзлаб, патент егасининг рухсатсиз, унга мутаносиб миқдорда товон тўлаш шарти билан саноат мулки объектдан фойдаланишга рухсат бериши мумкин.

Товон пули миқдори тўғрисидаги низолар Олий хўжалик суди томонидан ҳал етилади.

Лицензия шартномаси асосида патент егаси (лицензиалар) саноат мулки объектга бўлган ҳуқуқини ёки ундан фойдаловчи

ҳуқуқни ўзга шахсга (лицензиага) бериши мумкин. Лицензиант еса шартномада кўрсатилган тўловларни лицензиарга тўласйди ва шартнома назарда тўтилган бошқа талабларни бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Мутлақ лицензия берилса, лицензентга шартномада қайд етиб ўтилган доирада саноат мулки объектдан фойдаланиш мутлақ ҳуқуқи берилади, бунда лицензиар мазкур объектдан лицензиатга берилмаган доирада фойдаланиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Оддий лицензия берилса, лицензиар саноат мулки объектдан фойдаланиш ҳуқуқини лицензиатга бериб, ихтиро саноат намунасига олган патент ва фойдали моделга олинган гувоҳномадан келиб чиқадиган барча ҳуқуқларни, шу жумладан, бошқа шахсларга лицензия бериш ҳуқуқини ҳам ўзида сақлаб қолади.

Лицензиялаш талаблари ва шартлари – бу далолатномада белгиланган ҳуқуқий талаблар ва шартлар йиғиндисидир.

Лицензиялашда қонун талаблари бўйича лицензиат амал қилиши мажбур бўлган шартлар қуйидагилар:

1. Ўзбекистон Республикаси қонунларига (екология, санитария – эпидемиология, гигиена қонун ва қоидаларга) амал қилиш;
2. Лицензия ва лицензиатга қўйилган малака талабларига;
3. Объектнинг кўрсатилган махсус талабларига;

Лицензиядан фойдаланиш унинг характери ва ҳажмига қараб қуйидаги турларга бўлинади:

Одий – патентдан фойдаланиш ҳуқуқи лицензиант ва лицензиарга тегишли бўлади.

Тўла – ҳуқуқдан фақат лицензиант фойдаланади.

Бепул – Ноу-Хау ва бошқа фаолиятдан фойдаланиш имконияти.

Лицензиант шартнома Патент идорасидан албатта рўйхатдан ўтиши шарт, акс ҳолда, у яроқсиз ҳисобланади.

2. Кашфиёт экспертизаси ва уни ўтказиш тартиби

Ҳар қандай кашфиёт(тадқиқот) натижасини амалиётга татбиқ этишдан аввал махсус шакллантирилган экспертлар ҳукмига ҳавола этилади ва уларнинг якуний қарорига асосан кейинги босқичга ўтказилади. Экспертизадан ўтказишдан кўзланган асосий вазифа кашфиётнинг илмий-техник даражасини унинг бажарилиши мумкин бўлган имкониятлар ва самарадорлигини баҳолашдан иборат. Экспертиза хулосалари асосида кашфиётнинг амалиётга татбиқ этилишини ва уни шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлиги аниқланади.

Бозор муносабатлари ривожланган барча мамлаатларда кашфиётни баҳолаш, келишув ва шартномаларни ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш ва уни бажарилишини назорат қилиш тартиби жорий этилган. Бу йерда экспертиза ўтказиш муддати, келишув ва ариза беришни молиялаштириш юзасидан юритиладиган тактикалар давомийлиги катта аҳамият касб этади.

Кашфиётларни амалиётга татбиқ этиш йўллари, кашфиётга мос келадиган мажбурий шартлар асосида доимий равишда такомиллаштирилиб борилади.

Ҳозирги вақтда давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилувчи кашфиётларни экспертизадан ўтказишнинг учта усули мавжуд:

- ёзув характери;
- “жорий етилгунча” ва “жорий етилгандан сўнг” ҳолатни таққослаш;
- солиштириш экспертизаси.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида, шу жумладан, мамлакатимизда ҳам ёзув характеридаги экспертиза оммавий тус олган. Бу йерда моҳият шундан иборатки, кашфиётни татбиқ этилиши натижалари маълум бир товарлар ва хизматларни бозордаги ҳолатига таъсири ўрганилади. Олинган натижалар умумлаштирилади, прогнозлар ишлаб чиқилади ва пировард таъсир ҳисобга олинади. У илмий-техник текшириш ва тажриба-конструкторлик ишларининг патент ҳуқуқи, солиқ қонунчилиги, таълим, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан боғлиқлигини ҳисобга олишни талаб этади.

“Жорий етилгунча” ва “жорий етилгандан сўнг” ҳолатни таққослаш тури кашфиётларни балки кафолат, миқдор, балки сифат кўрсаткичларни еътиборга олинишини ифода этади. Бу йерда еҳтимоллик даражаси юқоридир.

Солиштириш экспертизасида давлат томонидан молиялаштирилган ва молиялаштирилмаган ишлар ва ташкилотлар ҳолати солиштирилади. Бу иқтисодий жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади. Қисқа муддатли ва тез шаклланувчи объектларга алоҳида урғу берилади. Солиштирув экспертиза усули АҚШ ва бошқа илғор мамлакатларда кенг қўлланилади. Бу усулнинг камчилиги узок муддатли даврларни баҳолашда мақсадга мувофиқ эмаслигидир.

Шундай экан, экспертиза ўтказишда барча усулларни “ютуқ” ва “камчилик”ларини инобатга олган ҳолда умумлашган усулни танлаш бугунги даврда энг самарали ҳисобланади.

Экспертиза ўтказишда махсус комиссия қуйидаги тамойил (та-мойил) ларга таянади:

1 мустақил тадқиқотчилар гуруҳининг мавжудлиги, яъни экспертиза натижалари бўйича кадрлар ва назорат усулларини танлашда иштирок етувчи судьялар сифатида қараш;

2 кашфиёт ва янгилик қўшимча қийматини аниқлашда фаолиятни ишлаб чиқарувчи сифатида қараш;

3 ўрта муддатли режалаштириш ва бошланғич прогнозлаш ўтказиш билан боғлиқ ҳаражат, назорат вақти ва самарадорликни ҳисобга олиш;

4 назорат усуллари давлатни фан-техника тараққиёти сиёсати билан узвий боғлиқликда бўлиши.

Кашфиётларни экспертизадан ўтказишда ишлаши ва тадқиқот натижаларини ижтимоий, иқтисодий ва экологик муҳитга

потенциал таъсирини инобатга олмоқ лозим. Бу йерда кафолат нафақат миқдор, балки сифат жиҳатдан баҳо бериши лозим. Якуний қарор қабул қилиш жараёнида эксперт гуруҳининг барча аъзолари фикрлари ҳисобга олиниши шарт. Экспертлар кашфиётга алоқадор бўлган барча маълумотларни талаб қилишлари лозим. Ҳар бир экспертлар гуруҳи таркибига экспертиза талаб қилувчи томоннинг юқори малакали ходимлари киритилишига рухсат етилади.

Бугунги кунда экспертлар ишлари доираси нафақат кашфиётга баҳо бериш билан чекланиб қолмасликлари керак, балки улар ишни боришини назорат қилиб туришлари ҳам мумкин.

Мамлакатимизда илмий-тадқиқот ишлари, ишланмалар учун ҳаражатларни бюджет ҳисобидан қоплаб бориш механизми ишлаб чиқилган. Ҳар йили фундаментал ва амалий тадқиқотлар бўйича лойиҳалар танлови ўтказилади. Танлов натижаларига кўра буюртмачи ва бажарувчилар орасида корхоналар, тармоқлар ҳатто далаатлараро шартномалар расмийлаштирилиб, кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кашфиётга муаллифлар илмий аҳамияти таҳлили асосида эксперт баҳоси берилади.

Кашфиётнинг илмий аҳамиятини баҳолашда қуйидагилар инобатга олинади:

1. Кашфиёт моҳиятини аниқ ифода етилиши;
2. Тадқиқот усули ва мақсадининг аниқлиги;

3. Кашфиётга сифат жиҳатдан тавсифнома(кашфиёт:фундаментал ҳарактерга ега, амалий ҳарактерга ва ҳоказо);

4. Илмий ишланма (муаммони йечиш юзасидан илмий ва илмий – услубий материал, мавзу юзасидан чоп етилган ишлар, илмий – услубий ишланмаларнинг мавжудлиги);

5. Қўйилаётган муаммонинг янгилик даражаси (муаллиф илк бор тадқиқот муаммосини шакллантирганлиги ва илмий асослаб берганлиги, йечимда ўзига хос ёндашув, ўрганилганлик даражаси ва муаллифларнинг ўзига хос ёндашувларини тавсия етилганлиги).

3. Кичик инновацион корхоналарни ташкил этишни бошқариш

Инновацион фаолият билан шуғулланувчи кичик корхоналарни ташкил этиш, одатда, бир неча босқичларда амалга оширилади:

1. Ғоянинг юзага келиши;
2. Таъсисчиларни танлаш;
3. Илмий текшириш ва тажриба конструкторлик ишлари олиб берувчи корхонани ташкил этиш;
4. Корхона ишлаётган эҳтиёжни таъминлаш учун бозорни ўрганиш,;
5. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйилишини зарурий омилларини йетказиб берувчиларни танлаш;

6. Корхона устав жамғармасини шакллантириш учун зарур бўлган Молиявий манбааларни аниқлаш;

7. Таъсис ҳужжатларини тайёрлаш ва бизнес режа ишлаб чиқиш;

8. Корхонани Давлат рўйхатидан ўтказиш;

Мулк шаклига кўра корхона таъсисчилари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- давлат органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари;
- жисмоний шахслар, яқка тадбиркорлар;
- тижорат ташкилотлари;
- юридик шахслар;
- хорижий фуқаролар ва хорижий фирмалар;
- ўртоқлик уюшмалари;
- жамоатчилик фондлари;

Инновацион соҳадаги кичик корхоналарни ташкил этиш 2 усулда амалга оширилади:

- Янги ташкил этиш ва корхонани қайта ташкил этиш;

Инновацион фаолият билан шуғулланувчи кичик корхоналарни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Кичик инновацион корхоналар ҳам ўз фаолиятини тасдиқланган Низом асосида амалга оширади.

Корхона уставида қуйидагилар кўрсатилади:

- корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли;

- жойлашган ўрни;
- фаолият тури;
- таъсисчилар ва жамият жавобгарлиги;
- жамоанинг мақсади ва асосий вазифалари;
- жамғарма фонди;
- корхона ҳуқуқ ва бурчлари;
- корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти;
- корхона фаолиятининг тугатилиши;
- ҳужжатларни юргизиш, топшириш, сақлаш ва бошқалар;

Ташкил етилган кичик корхоналар томонидан кўзланган мақсад илмий-техник, ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятидан фойда олишдан иборатдир.

Кичик инновацион корхонанинг асосий фаолият тури:

1. Илмий техник маҳсулотлар ишлаб чиқариш;
2. Илмий изланишлар олиб бориш;
3. Мамлакатимиз ва хорижда ишлаб чиқарилган мураккаб техника, технологияларни таъмирлаш ва модернизация қилишга кўмаклашиш;
4. Патентлардан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш;
5. Саноат қурилмаларини йетказиб бериш, ўрнатиш, таъмирлаш ва ишга туширишни таъминлаш;
6. Ўқув машғулотлари ва маданий тадбирлар ташкил этиш;
7. Электрон ҳисоблаш воситаларини ишлаб чиқариш, яратиш, фойдаланиш ва реализация қилиш борасида комплекс ишларни бажариш ва бошқалар;

Зарур ҳолларда кичик инновацион корхоналар фаолияти қонунда белгиланган тартибда тугатилади.

Назорат саволлари

1. Инновацион фаолиятда патентларнинг роли қандай?
2. Лицензиялашни моҳиятини қандай тушунасиз?
3. Лицензия қандай турларга бўлинади?
4. Ўзбекистон Республикаси Қонунларида интеллектуал мулкни қайси объектлари ҳимояланган.
5. Муллияфик ҳуқуқини ёритиб беринг.
6. Интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг асосий турларини санаб ўтинг.
7. Инновацион соҳада кичик корхоналар ташкил этишнинг қандай усуллари мавжуд?

ESDA QOLARLI VOQEALAR



- 1842-yil Djeyms Nesmit bug‘ yordamida ishlovchi balg‘ani qurdi. Ushbu bolg‘a hozirga qadar o‘zing konstruktiv xususiyatini yo‘qotgani yo‘q.
- 1863- yil Londonda birinchi metropoliten ish boshladi.
- 1876- yil nemis muhandisi N. Otto birinchi bo‘lib 4 bosqichli ichki yonuv dvigatelini kashf etdi.
- 1881- yil gidravlik presslar yuzaga keldi.
- 1882- yil A.F. Mojayskiy par dvigatelli havo “iloni”ni yaratdi.
- 1995- yil may “O‘z—Koram Ko”, “O‘z Tong Xong Ko” qo‘shma korxonalarini tashkil etildi.
- 1996- yil may “O‘z Dong Ju Peint Ko” qo‘shma korxonasi tashkil etildi.
- 1996- yil may “SamKochavto” qo‘shma korxonasi tashkil etish to‘g‘risidagi kelishuv imzolandi.
- 1996- yil iyun “O‘z Dong Yang Ko” qo‘shma korxonalarini tashkil etildi.
- 1997-yil may Minskda o‘tkazilgan Xalqaro avtomobil ko‘rgazmasida ishtirok etildi.
- 1998- yil may Petrburgdagi avtotransport ishlab chiqaruvchilar halqaro tashkiloti bosh assambleyasida “O‘zavtosanoat” assotsiatsiyasi OICA ning teng xuquqli a‘zosi sifatida ishtirok etdi.
- 1999-yil mart “SamKochavto” qo‘shma korxonasi taqdimoti o‘tkazildi.
- 2004-yil avgust “O‘zavtosanoat” assotsiyatsiyasi aksionerlik kompaniyasiga aylantirildi.

8- боб. ЯНГИ ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯНИ ЯРАТИШ, ЎЗЛАШТИРИШ ВА СИФАТИНИ БОШҚАРИШ

1. Маҳсулот ҳаётийлик даври ишларини бошқариш

Маҳсулот ҳаётийлик даври – бу ғояни янги техникага айланиши, истеъмолчилар талабларини таъминланиши учун кэтадиган бир неча босқичлардан иборат бўлади. У ягона техник топшириқ асосида амалга ошириладиган илмий тадқиқот ишлари, ўз навбатида, бир неча босқичда амалга оширилади:

- техник топшириқни ишлаб чиқиш;
- изланиш йўналишларини белгилаш;
- назарий ва экспериментал изланиш;
- натижаларни ўзлаштириш ва баҳолаш.

Техник топшириқни ишлаб чиқиш илмий тадқиқот ишлари учун мажбурий ҳисобланиб, унда илмий текшириш ишларининг мақсади, унинг мазмуни, ишларни бажариш тартиби ва муддати, натижаларни реализация қилиш усуллари кўрсатилган. Техник топшириқ буюртмачи билан келишиб олинади. Тугалланган илмий тадқиқот ишлари илмий теник кенгашда муҳокама қилинади. Бу йерда хулосаларнинг асосланганлигига еътибор қаратилиб, таклифлар ешитилади, келгусида ишни давом еттириш учун қарорлар қабул қилинади.

Ҳаётийлик даврни иккинчи босқичи – тажриба конструкторлик ишларидир. Бу босқичда конструкторлик ҳужжатлари, техник таклифлар, техник лойиҳа эскизи, ишчи ҳужжатлар, тажриба конструкторлик ҳужжатлари, маҳсулотни намуна нусхаси ишлаб чиқилади ва технологик қурилмалар яратилади.

Махсус тузилган ваколатли комиссия томонидан кўрсатилган камчиликлар тугатилиб, маҳсулотнинг намуна нусхасини қабул қилиш далолатномаси тўлдирилганидан сўнг маҳсулот қабул комиссияси таркибига ишлаб чиқарувчи, маҳсулот яратувчи ва истеъмолчилар вакиллари киритилади.

Ҳаётийликни кейинги даврини ишлаб чиқаришни тайёрлаш ва кўзланган қувватга чиқиш ҳисобланиб, унга ишлар амалга оширилганидан сўнг қувватга чиқишга еришилади:

- қурилмани текшириш ва ишга тушириш;
- белгиланган маҳсулотни ишлаб чиқариш;
- маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан илмий синов ўтказиш;
- технологик ва бошқа ҳужжатларга тузатмалар киритиш ва тугаллаш.

Юқорида кўрсатилган илмий тадқиқот, тажриба конструкторлик ишлари, маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва белгиланган қувватга чиқиш ишлаб чиқаришни дастлабки фазаси ҳисобланади. Бу йерда маҳсулот шаклланади, сифати белгиланади, унинг янгилиги ва техник даражаси баҳоланади.

Ҳаётийликнинг кейинга босқичи – яратилган буюртма асосида янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

Ҳаётийлик даврининг якуний босқичи янгидан яратилган ишлаб чиқаришни истеъмолчи ва буюртмачилар томонидан йўлга қўйиш ҳисобланади. Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчилар орасидаги ўзаро муносабатлар маҳсулот йетказиб бериш шартномасида ўз аксини топади.

Янгиликни яратилиш жараёнида илмий таъминот даражаси ҳал қилувчи рол ўйнайди. Асосан шу босқичда лойиҳа конструкторлик ишлари асосида янгилик киритиш имкониятлари юзага келади ва ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу ёерда илмий тадқиқот ва лойиҳалаштириш ишларини автоматлашган тизимини йўлга қўйиш муҳимдир.

У қуйидаги имкониятларга шароит яратиб беради:

- илғор лойиҳаларни тўла қўллаш;
- иш вақтини қисқартириш;
- лойиҳа маълумотларини бир қисмини оралиқ расшифровкаси экспериментал ишлаб чиқаришга бевосита узатиш;
- маҳсулот конструкцияси ва технологияси вариантларини компютер ёрдамида ишлаб чиқиш;
- маҳсулот ва унинг бўлақларини синовини ўтказиш.

Барча босқичлар бир бири билан узвий боғлиқ. Шу боисдан ҳаётийлик даврини бошқаришда комплекс ёндашиш зарурдир.

2. Функционал қиймат таҳлили

Ҳар қандай объектнинг барча ҳаётийлик босқичларини тугалланганлигини назорат қилишнинг усулларида бири – функционал қиймат таҳлили ҳисобланади.

Функционал қиймат таҳлили – объектнинг фойдали функцияларини ривожлантириш мақсадида ундан фойдаланиш ва уни амалга ошириш ҳаражатларини оптимал муносабатлари доирасида олиб борилган комплекс техник иқтисодий тадқиқот ҳисобланади.

Ҳозирда у усул АҚШ, Англия, Франция ва бошқа бир қатор иқтисодиётга бозор механизмлари орқали ривожланаётган давлатларнинг саноат компанияларида кенг қўлланилмоқда.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришни, одатда, уларнинг истеъмол хусусиятлари, техник функцияларини таҳлил қилишдан бошламоқ керак. Бу усул илк бор 1947-йилда “Дженерал електроникс” компаниясида қўлланилган бўлиб, унинг диққат марказида яратилган янги маҳсулот қай даражада ҳаражатларни қоплайди, унинг хусусиятлари истеъмолчи талабини қондирадими? – деган савол туради. Товар ишлаб чиқариш учун маълум бир даражада ҳаражат талаб қилинади, шунинг учун ҳам товарнинг фойдалилик хусусияти уни яратишга қилинган ҳаражат орасида зарур нисбат бўлиши муҳимдир.

Шуни есда тутиш лозимки, товарнинг барча хусусиятлари ҳам доимо фойдали бўлавермайди. Шу туфайли Ейзенхауер томонидан

яратилган тамойил асосида таҳлил ўтказиш мақсадга мувофиқдир. У вазифаларни, унинг аҳамияти ва бажарилиш заруриятига қараб қуйидагича ажратиб олиш даркор деб таъкидлайди:

- А – жуда муҳим ва тез бажариладиган топшириқ;
- В – муҳим, маълум муддатда бажарилиши лозим бўлган топшириқ;
- С – аҳамияти камроқ бўлган, аммо тез бажарилиши керак бўлган топшириқ.

Юқаридагилардан келиб чиқиб, “А” – асосий бош функция, “В” – иккинчи даражали функция, “С” – ортиқча керак бўлмайдиган функцияларни фарқлаб олиш ҳам муҳимдир.

Шундай экан барча ҳаракатлар асосий функцияни, шунингдек, иккинчи даражали функцияларни бажарилишига қаратишимиз лозим. “С” ортиқча функцияни еса бартараф этиш керак. Бу, ўз навбатида, ҳаражатни камайишига олиб келади.

Функционал қиймат таҳлилининг объекти маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари ёки уларнинг айрим қисмлари ҳисобланади.

Маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларини, уларни ташкил етувчи қисмлари техник функцияси ва у билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилишни бир мутахассиснинг ўзи амалга ошира олмайди. Шу туфайли функционал қиймат таҳлили ўтказилганда турли соҳа мутахассисларини жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Бу мутахассислар маҳсулотни яратувчилар, уни ишлаб чиқарувчилар, маркетинг, сотиш ҳамда конструкторлик бюроси ходимлари ва

бошқалардан ташкил топиши мумкин. Улар бозор талабларини ҳисобга олган ҳолда истиқболли янгиликларни таклиф этадилар, яратилган янги маҳсулотнинг ташқи кўринишини ишлаб чиқадиладар, бўлғуси маҳсулотнинг естетик ва ергонометрик талабларини ўрганадилар. Иқтисодчилар мутахассислар еса маҳсулот таннархини аниқлайди, маркетинг ва сотиш бўлими мутахассислари маҳсулотнинг истеъмол хусусиятлари, рақиб фирмалар ҳолати каби маълумотларни таҳлил этадилар

Маҳсулот сифатини ортиши ва унинг таннархини пасайтириш бўйича муаммолар фақатгина жамоа ўртасида ҳар томонлама пухта таҳлил етилиши орқали ҳал етилиши мумкин.

Функционал қиймат таҳлили билан шуғулланувчи аналитик гуруҳга корхона раҳбарларидан бири бошчилик қилиши мумкин. Гуруҳнинг асосий вазифаси функционал қиймат таҳлили объекти ҳисобланган маҳсулотни ўрганишдир. Гуруҳни шакллантириш ўта маъсулиятли иш ҳисобланиб, ундаги ходимлар сони корхонанинг катта кичиклиги, иш ҳажми ва даврийлигига бевосита боғлиқ. Гуруҳ ҳафтада бир ёки икки маротаба йиғилиб, ҳолатни таҳлил этади, келгуси режаларни белгилаб олади.

Функционал қиймат таҳлили билан юқори малакали мутахассислардан ташкил топган маҳсус гуруҳ шуғулланади. Бу, ўз навбатида, муаммони ҳар томонлама чуқур ва тўғри баҳолаш имкониятини янада орттиради.

Тадқиқотчи гуруҳ қатнашчилари сони одатда 5– 8 кишини ташкил этади.

Гуруҳ раҳбари аниқ мақсадни белгилаб, унинг ҳар бир аъзоси учун аниқ вазифа қўйиш керак.

Қатнашувчилар биринчи йиғилишда гуруҳ олдида турган ишнинг мазмуни, моҳияти ва аҳамияти билан танишадилар, келгуси режаларни белгилаб оладилар.

Йиғилишлар самараси гуруҳ раҳбарининг хатти – ҳаракатига бевосита боғлиқ, уни ўтказишга яхши тайёргарлик кўрилиши ва уни ишбилармонлик руҳида ўтказилиши муҳим аҳамиятга ега.

Функционал қиймат таҳлили ўтказилишида маслаҳатчилар ҳам таклиф етилиши мумкин. Уларга илмий ходимлар, олий ўқув юртлари профессор ўқитувчилари киритилиши мумкин.

Функционал қиймат таҳлилининг асосий мақсади – бажарилаётган иш сифатини яхшилаган ҳолда ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтиришдан иборатдир.

Функционал қиймат таҳлили бошланғич, ахборот, аналитик, тадқиқот, тавсия ва татбиқ этиш кабилардан иборат бўлган бир неча босқичда амалга оширилади.

Бошланғич босқичда таҳлил объекти аниқлаб олинади.

Ахборот босқичда ўрганилаётган объект юзасидан кўзланган мақсад, техник имкониятлар, сифат ва таннарх бўйича зарурий маълумотлар тўпланади.

Аналитик босқичда маҳсулот функцияси ва уни таъминлаш ҳаражатлари атрофида ўрганилади.

Ўрганиш жараёнида қуйидаги саволлар мазмунан кўриб чиқилади:

- қандай маҳсулот;
- унинг функцияси қандай;
- қайси функция фойдали ёки қайси бири ортиқча;
- маҳсулотнинг ҳозирги қиймати қандай;
- маҳсулот қандай бўлиши керак;
- унинг янги қиймати қандай бўлгани маъқул ва шу тариқа ўрганилади.


Тадқиқот босқичида ғояга баҳо берилади ва йечим вариантлари аниқланади.

Тавсия босқичида енг қулай вариант ажратиб олинади.

Жорий этиш босқичи ҳал қилувчи босқич ҳисобланади, тавсия етилган вариант амалиётга татбиқ етилади.

3. Янги техника ва технологияни ишлаб чиқариш жараёнини тайёрлашни бошқариш

Янги техникани ишга туширишга тайёрлаш комплекс характерга ега бўлиб, ушбу жараённи схэма тарзида қуйидагича ифодалаш мумкин. (расмга қаранг)



6 - расм. Янги техникани ишга туширишга тайёрлаш бу ерда:

ИКТ, ИТТ – ишлаб чиқаришни конструкторлик ва техник тайёрлаш;

ТИ – тажриба ишлаб чиқариши;

Т, И, СИТ – ташкилий, иқтисодий ва социал ишлаб чиқаришга тайёрлаш;

СИЖЕ – саноат ишлаб чиқаришга жорий этиш;

Д – дастурлаш, Т – таъминот, И – ишлаб чиқариш, М – маҳсулот;

ДТИМ – ишлаб чиқаришни дастурлаш таъминоти.

Ишлаб чиқаришга тайёрлашни бошқариш функционал менеджер томонидан бошқарилиб, у ички ва ташқи жараёнга бўлинади.

Ташқи тайёргарлик жараёнини илмий текшириш институтлари, конструкторлик бюролари ва бошқа ташкилотлар амалга оширади. Ички тайёргарлик еса бевосита корхонанинг ўзида амалга оширилади. Янги конструкция янги техникага бўлган талабдан келиб чиқиб шаклланади.

Янги ишланмаларни вужудга келтириш, янги яратиладиган техникага истеъмолчилар томонидан қўйиладиган барча талабларни ҳисобга олган таҳлил натижаларига асосланади.

Маҳсулот конструкциясини ишлаб чиқиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

- зарурий ҳисоб – китобларни бажариш;
- тажриба – синов ишлари;
- лойиҳалаш ва конструкциялаш;

- синов нусхасини тайёрлаш;
- лойиҳа – конструкторлик ҳужжатларига ўзгартириш ва тузатмалар киритиш.

Шундан сўнг қуйидагиларни ичига олган ишлаб чиқариш технологияси тайёрланади:

- технологик жараён ҳужжатларини тузиш;
- Махсус технологик қурилмани лойиҳалаш ва тайёрлаш.

Кейинги босқич янги техника ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдан иборат бўлиб, у қуйидаги жараёнларни ўз ичига олади:

- йетказиб бериш;
- ўрнатиш;
- техник ёриткичларни созлаш;
- ялпи ва серияли ишлаб чиқаришни синаш ва қабул қилиш.

Бу жараёнларни, одатда, корхона менежерлари назорат қилади.

Янги техникани ишлаб чиқаришга жорий этишнинг ҳар бир босқичида маълум тадбирлар амалга оширилади.

Конструкторлик тайёргарликнинг мазмуни ва ҳажми яратилаётган маҳсулот янгилиги ва мураккаблигига боғлиқ бўлади.

Ишлаб чиқаришни конструкторлик тайёргарлиги ҳар бир объект бўйича комплекс муҳандислик – техник қарорлар ишлаб чиқаришни янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уни доимий йўлга қўйишни таъминловчи тадбирларни ўз ичига олади.

У муҳандислик башорати, объект ўлчамларининг оптималлиги, функционал қиймат таҳлилидан фойдаланган ҳолда бажарилган

тажриба конструкторлик ишлари, маҳсулотни ишлаб чиқариш технологиясини қамраб олади.

Муҳандислик башорати инновацион менежер билан ҳамкорликда башорат қилинган даврда қандай янгиликлар юзага келиши ҳақида маълумот олиш мақсадида амалга оширилади. Бу босқичда янги маҳсулотни саноат ишлаб чиқаришга жорий этиш ва янги техник қарорларни, материалларни, технологияни янгиланиш ва тарқалиш суръати ҳамда кўлами аниқланади.

Объектни ривожлантириш бўйича зарурий чекланишлар белгиланади. Ўлчамларни оптималлаштириш – бу ишлаб чиқариладиган маҳсулотни ўлчамларни оптималлаштириш билан боғлиқ жараён бўлиб, бу босқичда маҳсулот ишлаб чиқишнинг оптимал ҳажми аниқланади.

Конструкцияни технологик жиҳатдан таъминлаш – бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни кўзланган сифатга еришилишидаги талаблардир.

Уни баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади:

1. Тайёрланаётган маҳсулотни меҳнат сиғими норма/соатда ифодаланади. Бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган меҳнат ҳаражатларини сарфланган вақтга нисбати билан аниқланади.

2. Маҳсулотнинг материал сиғими – бу маҳсулот ишлаб чиқариш учун материал сарфларни, ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига нисбатан аниқланади.

Бу кўрсаткичлар стандарт(андоза)да белгиланган даражага нисбатан таққослаш йўли орқали топилади. Янги маҳсулот яратиш ва уни сифатини назорат қилиш қуйидаги схэмада келтирилган.

Ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан таъминлаш – технологик жараёнларни тайёрлаш билан боғлиқ барча тадбирларни ўз ичига олади. Бу йерда менеджер конструктор билан технолог фаолиятини узвийлигини таъминлаши шарт.

Технологик жараён икки турга бўлинади: намунавий ва истиқболли.


Намунавий технологик жараённинг ҳарактерли томони шундаки бунда кўпчилик операциялар мазмунан ўхшаш ва уларнинг бажарилиш кетма – кетлиги бир – бирига яқин бўлади.

Истиқболли технологик жараён ишлаб чиқаришни ҳалқаро даражадан ўзиб кэтишини англатади.

Технологик жараёнларни лойиҳалашни бошқариш маъмурий ва операцион технологик жараёнлар билан амалга оширилади.

Маъмурий технологик жараён маршрут картаси орқали расмийлаштирилиб, бунда ўтказиладиган тадбир тури унинг кетма - кетлиги кўрсатилган бўлади.

Операцион технологик жараён – бу ишлаб чиқаришдаги алоҳида олинган тадбирлар, масалан: қайта ишлаш, йиғиш ва бошқа шу кабиларни англатади.



7-*расм.* Корxonани сифат борасидаги сиёсати

Технологик жараёнларни бошқаришни ташкилий тузилиши қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- технологик жараёнларни тайёрлаш хизматлари орасида вазифаларни оқилона тақсимлаш;
- ҳужжат айланишини тўғри йўлга қўйиш;
- янги вазифаларни ҳал этишни тез англай олиш имконияти;
- функцияларни такрорланишини олди олиниши;

- режа асосида ишлаб чиқаришни техник тайёрлаш қуйидаги маълумотларни ўз ичига олувчи режа асосида ташкил этиш;

- иш ҳажми, таркиби ва муддати;

- ишлаб чиқариш бўлимлари орасида вазифаларни тақсимланиши;

- ишни оқилона ташкил этиш, муддатни қисқартириш имкониятларини ҳисобга олинганлиги ва ҳоказолар.

Янги техникани ишлаб чиқишнинг барча тизими янги маҳсулотни рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилиши лозимдир.

4. Янги маҳсулотнинг техник даражаси ва сифатини бошқариш

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотни ишлаб чиқарувчи билан уни истеъмол қилувчининг ҳуқуқлари тенг. Улар бозорда ўз ўринларини ўзлари топадилар. Уларнинг фаолиятидаги асосий кўрсаткич талабнинг иўла қондирилиши ва еришилган молиявий натижа орқали намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда, ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчининг ўзаро муносабати бозор белгилаб берувчи молиявий ва баҳо критериялари орқали амалга оширилади. Аммо унутмаслик керакки, истеъмолчи янгиликни танлашда устунликка ега бўлади. Фақат истеъмолчигина маҳсулотнинг истеъмолнинг қондиришдаги хусусиятини танлаб олади.

Шу сабабли ишлаб чиқарилган маҳсулот сифатига истеъмолчининг талабини қондириш бош омил сифатида қаралади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати инновацион менежментнинг асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Чунки маҳсулот сифатининг ортиши, илмий-техника тараққиёти юксалиши, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши, барча турдаги манбаларни иқтисод қилинишини англариб, фирмаларни муваффақиятли фаолият олиб боришини белгиловчи кўрсаткичдир.

Сифатни бошқариш – маҳсулотни яратиш, истеъмол қилиш ва ундан фойдаланишни тартибга солишга қаратилган.

Сифат фалсафий атама бўлиб, объектнинг ички ҳолатини ифода этади. Сифатнинг иқтисодий таърифи – бу бизнинг маҳсулотга эҳтиёжларимизни таъминловчи хусусиятлар мажмуидир.

Сифат тушунчаси, маҳсулотнинг техник даражаси, товарни рақобатбардошлиги ва унинг сифат кўрсаткичлари билан узвий боғлиқ.

Маҳсулот сифати кўрсаткичларини унинг қуйидаги белгилари бўйича турлашимиз мумкин:

- ифода етувчи хусусиятлари бўйича (ягона, комплект);
- Маҳсулотнинг турли чидамлилиги, технологик, йергономик ва бошқа хусусиятларига нисбатан муносабати бўйича;
- сифатни аниқлаш босқичлари (лойиха, ишлаб чиқариш ва фойдаланиш) бўйича;

- сифат даражасини бера олиш хусусияти бўйича;
- сифатни ифода этиш усули(балл, фоиз ва микдор) бўйича.

Маҳсулот сифатининг нисбий тавсифномаси – бу унинг такомиллашган маҳсулотнинг мавжуд кўрсаткичларини базис кўрсаткичларига нисбатидир.

Маҳсулот сифатини алоҳида битта кўрсаткич орқали ифода этиб бўлмаслиги туфайли, бу хусусиятларни ҳам гуруҳларга бўлиб ўрганиш зарур. Маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари амалдаги умум қабул қиоинган қоидаларга мувофиқ унинг хусусиятга мос равишда гуруҳларга бўлинади. Булар маҳсулот сифати ва техник даражасини белгиловчи қуйидаги гуруҳ кўрсаткичлардан иборат:

1. Доимий ишлаши, таъмирлашга қулайлиги ва ҳоказоларни ифодаловчи – Ишончлилик ва узоқ чидамлилик кўрсаткичлари.

2. Маҳсулот сифатини ифода етувчи кўрсаткичлар – бу маҳсулотни фойдалилик даражасини белгиловчи кўрсаткичлардир.

3. Маҳсулотдан фойдаланиш мобайнида истеъмолчиларга намоён бўлувчи – ишончлилик ва узоққа чидамлилик кўрсаткичлари.

4. Технологик кўрсаткичлари – технологик ва конструкторлик қарорларининг самарадорлиги, маҳсулот тайёрлаш ва таъмирлашда меҳнат унумдорлиги даражаси.

5. Стандартлаш ва унификациялаш кўрсаткичлари бу стандарт маҳсулотларни фойдаланиш даражаси ва унинг айрим қисмларини унификациялаш.

6. Ергономик кўрсаткичлари бу – маҳсулотнинг «инсон – маҳсулот – муҳит» тизимини ифода етувчи ва инсоннинг гигиеник, рухий, физиологик хусусиятларини ҳисобга олувчи кўрсаткичлар.

7. Естетик кўрсаткичлар – бу маҳсулотларни ўзига жалб етувчанлиги, ноёблиги, бутлиги услуби кабиларни ифодаловчи кўрсаткичлар.

8. Патент – ҳуқуқ кўрсаткичлари – маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорда патент ҳимояланганлик даражаси, патент сифатини ифодаловчи кўрсаткичлар.

9. Иқтисодий кўрсаткичлари – бу яратиш, фикрлаш ва фойдаланиш ҳаражатлари, шу жумладан, фойдаланишнинг иқтисодий самарасини кўрсаткичлардан иборат бўлиб, бу кўрсаткичлар ички ва ташқи кўрсаткичларга бўлинади.

Ҳозирги кунда маҳсулот сифати ва техник даражасини аниқлашда юқорида санаб ўтилган анъанавий кўрсаткичларидан ташқари екологик кўрсаткичлар хавфсизлик ва ташишга қулайлигини белгиловчи кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Бошқарув обекти деганда маҳсулот сифатини таснифи, кўрсаткичлари, унинг даражасига таъсир етувчи омил ва шартлар, шу жумладан ҳар хил босқичлари ва маҳсулот сифатини шакллантирувчи жараёнлар тушунилади.

Иқтисодий кўрсаткичлар

Ички кўрсаткичларга	Ташқи кўрсаткичларга
<p>Маҳсулот сифати ва уни рентабеллигини белгиловчи ўлчамлар калкуляцияси, иқтисодий самара қоплаш муддати, иқтисодий самара даражаси кабилар киради.</p>	<p>Ташқи кўрсаткичлар еса фирма фаолиятига нисбатан ташқи ҳисобланиб, уларга:</p> <ul style="list-style-type: none"> - истеъмол нархи таркибига кировчи ўлчамларни аниқлаш; - йетказиш қиймати; - ўрнатиш қиймати; - жиҳозлаш қиймати; - енергия таъминоти ҳаражатлари; - ходимларнинг иш ҳақи ; - техник хизмат кўрсатиш ҳаражатлари; - еҳтиёт қисмлар қиймати; - суғурта тўлови; - солиқ тўловлари ва ҳоказолар.

Бошқарув субъектлари – бу маҳсулот сифатини умум қабул қилинган тамоил ва усуллари бўйича бошқарувчи органлар ёки алоҳида олинган шахслар ҳисобланади.

Маҳсулот сифатини бошқаришнинг асосий функцияларига қуйидагилар киради:

- бозор эҳтиёжлари, техник даража ва маҳсулот сифатини прогнозлаш;

- маҳсулот сифати яратишини режалаштириш;

- маҳсулотни стандартлаш ва сифати талабларини шакллантириш;

- маҳсулотни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;

- товар ҳаётийлигини, ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида маҳсулот сифатини режалаштирилган даражасини таъминлаш;

- маҳсулот сифати ва синови;

- иш ўрни ва технологик жараён ва маҳсулотни ички аттестацияси;

- маҳсулот, хизмат ва ишларни сертификатлаш;

- еришилган сифат даражасини рағбатлантириш;

- маҳсулот сифатини ички ҳисоби ва ҳисоботи;

- маҳсулот сифати ўзгаришини техник – иқтисодий асослаш;


- маҳсулот сифатини бошқаришни таъминлаш;

- ходимлар малакасини ошириш ва уларни махсус тайёргарликдан ўтказиш.

Маҳсулот сифатини самарали бошқариш бу – маҳсулотни яратиш, ишлаб чиқариш ва фойдаланишда барча иқтисодий ва ташкилий дастакларидан фаол фойдаланишдир.

Корхонанинг сифатини бошқариш борасидаги сиёсати қуйидаги расмда келтирилган. (8 - расм)

Маҳсулот сифатини назорат қилишнинг асосий мақсади иложи борича кам сарф – ҳаражат қилиш евазига маҳсулот сифатининг юқори даражасига еришишдир.



8-расм. Корхонани сифат борасидаги сиёсати

Сифатни назорат қилиш тизими қуйидагиларн ўз ичига олади:

1 маҳсулот сифатини назорат қилувчи субъектлар;

2 техник назорат турлари;

3 маҳсулот ҳаётийлиги даврининг назорат қилинаётган босқичлари;

4. маҳсулот сифатини назоратини даражаси;

5. маҳсулот сифати тизими элементлари;

Самарали назорат тизими кўп ҳолларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати даражасига бевосита ва мақсадли таъсир ўтказди, ишдаги узилиш ва камчиликлардан хабардор этади, уларни оператив аниқлаш имконини беради ва уларни кам маблағ сарфи евазига бартараф этишлишини таъминлайди.

Техник назорат ишлари шартли равишда рақамлар билан белгиланган 1 дан – 12 гача, шундан:

1. Стандарт мазмуни ва яратиш усули, техник шартлар, конструкторлик, технологик ва бошқа норматив техник ҳужжатлар;

2. Кооперация асосида олинаётган хом ашё, материал, ярим фабрикат бутловчи қисмлар сифати;

3. Ўзи ишлаб чиқарган хом ашё, материал ярим фабрикат ва бутловчи қисмлар сифати;

4. Фойдаланаётган техник ва инструкторлик ҳолати ва техник даража, технологияни илғорлиги;

5. Бошқарув аппарати ходимлари ва технологик жараёнларни бошқарувчиларнинг малака даражаси

6. Ишчилар меҳнати сифати ва ишлаб чиқаришни технологик интизоми;

7. Тайёрланаётган деталлар, унинг қисмлари ва тайёр маҳсулотлар сифати;

8. Идиш ва қадоклаш сифати, маҳсулотларни сақлаш ва ташиш қоидалари.

9. Истеъмолчиларга маҳсулотларга диагностика, техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланиш қоидалари;

10. Ескирган деталларни тиклаш ва таъмирлаш, еҳтиёт қисмлари сифати;

11. Назорат ваколатига ега бўлган органлар фаолиятини бошқариш.


Ҳар бир санаб ўтилган объектлар назорати текширишнинг бирор бир турига мос келади, бошқаларидан қуйидаги белгилари билан фарқ қилади.

Назорат қилинаётган объект ҳолатини баҳолаш воситаси ва аниқ усуллар таркиби билан:

- олинаётган ва қайта ишланаётган маълумотларни даврийлиги, ҳаракетига кўра;

- таъсир кўрсатувчи воситалар хусусияти ва таркиби;

- назорат турлари.



**9-расм. Техник назорат объектларини назорат қилинаётган товарнинг
хаётийлик босқичлари боғлиқлиги**

Техник назоратни илғор турларини ривожлантириш – бу бракни олдини олиш юзасидан профилактика ишларини амалга оширишдир:

А) яратиш жараёнида маҳсулот сифатини назорат қилиш;

Б) конструкторлик, технологик ва бошқа янги жорий этилаётган ва модернизация қилинаётган маҳсулотлар ҳужжатларини нормалашган назоратини қўллаш;

В) хом ашё материал, ярим фабрикатни бутловчи қисм ва категорияси асосида олинаётган бошқа маҳсулотларнинг бошланғич назорати;

Г) техник тартиб назорати;


Д) асосий ишчи ходимларни ўз – ўзини назорат қилиш.

Агар юқорида санаб ўтилган назорат турларидан самарали фойдаланилса бракнинг олди олинади, сифати, рақобатбардошлиги ортади.

Назорат саволлари

1. Маҳсулотнинг ҳаётийлик босқичи тушунчасига таъриф беринг.
2. Функционал қиймат таҳлили қандай вазифаларни ҳал этади?
3. Функционал қиймат таҳлилининг мақсади нима?
4. Янги техникани ишлаб чиқаришга тайёрлаш жараёнига тавсифнома беринг.
5. Ишлаб чиқаришни конструкторлик ва технологик тайёрлаш мазмунини ёритинг.
6. Янги маҳсулот сифати ва техник даражасини бошқариш қандай аҳамиятга эга?

ESDA QOLARLI VOQEALAR



- 1885–1886-yillarda G. Deymler, keyinchalik K. Benklar tomonidan benzin dvigatelli o'zi harakatlanuvchi ekipaj ishlab chiqarildi.
- 1890-yillarni o'rtalarida AQShda doimiy tok bilan ishlashga asoslangan birinchi elektrovoz yaratildi.
- 1896-yil Peterburglik muhandislar B.A. Yakovlev va P.A. Frezlyerlar tomonidan birinchi rus avtomobili qurildi. Avtomobilning quvvati 1 ot kuchiga teng bo'lib soatiga 21 km tezlikda harakatlana olgan.
- 1902-yil Avtomobilda ilk bor xavsizlik kamari foydalanila boshladi.
- 1903- yil Volga daryosida birinchi marta ichki yonuv dvigateliga asoslangan dizel teplovoz–tanker “Vandal” harakatlana boshladi.

9-боб. ИННОВАЦИОН ФИРМАЛАРНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШ

1. Инновацион стратегиянинг моҳияти ва вазифаси

Инновацияларни стратегик бошқариш инновацион менежментнинг ажралмас қисми ҳисобланиб, у бошқариш, режалаштириш ва инновацион лойиҳаларни реализация қилиш масалаларини ҳал этади. У иқтисодий аҳволни ўзгаришини олдиндан кўра билиш, йирик масштабдаги қарорларни қидириб топиш, амалиётга татбиқ этиш, юқори самарага еришишнинг келгусидаги омилларини аниқлаш ҳисобига иқтисодиётнинг қатъий ўсишига хизмат қилади.

Инновацияни стратегик бошқариш – янгиликларни истиқболли режасини ишлаб чиқишга нисбатан кенг қамровли тушунчадир.

У ўз таркибига: ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик омиллари бўйича ҳолатни таҳлил этиш ва башорат қилиш, шу жумладан, ички ва ташқи салоҳиятни тадқиқ этиш, бошқарув тизими, уни ташкилий ҳуқуқий шакллари, тадбиркорлик маданияти каби масалаларни қамраб олади.

Фирма томонидан қабул қилинган инновацион ҳарактерга ега стратегик тадбирлар иқтисодий, ишлаб чиқариш, сотиш, салоҳиятидаги янгиликга асосланган. Шу боисдан ҳам барча

корхонанинг ривожланиш стратегияси фан-техника ютуқларидан, илҳор технологиялардан фойдаланишни назарда тутди.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқаришга янгиликлар киритиш фирма ривожланишининг асосий йўналишларини белгилаганлиги сабабли инновацион стратегиянинг роли кескин ортиб бормоқда.

Янгилик киритиш стратегияси – бу янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш, янги техника ва технологияни жорий этиш мақсадида техник ва капитал маблағлар сиёсатининг бирлашувини англатади ва у маълум бир тадқиқот объектни танлаш, унинг ёрдамида янги технологик имкониятларни қидириб топишга кўмаклашади.

Бир сўз билан айтганда, инновацияни бошқариш, инновацион жараёнлар орқали ижобий натижаларга еришишдир.

Одатда, умумий менежмент стратегик тараққиётнинг бош йўналишини аниқлайди. У норматив, стратегик ва оператив менежментни ўз ичига олади.

Норматив менежмент – тадбиркорлик сиёсати фалсафасини яратиш, маълум бир бозорда корхонани тутган ўрни(позицияси)ни аниқлаш ва умумий кўзланган мақсадларни шакллантириш ҳисобланади.


Стратегик менежмент – стратегик тўпламларни танлаш, уни ўз вақтида амалиётга татбиқ этиш, стратегияни қайта номлаш, стратегик контрол ва бутун стратегик қарорларни бошқаришни ўз ичига олади.

Оператив менежмент – оператив тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш билан ҳарактерланади.

Инновацияни стратегик бошқаришда корхонадан ўзининг келгусидаги тараққиётини таъминлаш мақсадида реал (аниқ) маълумотлар ва кучли имкониятларни ҳисобга олиши талаб этилади.

Инновацияларни стратегик бошқариш барча корхоналар учун бир хил эмас, чунки ҳар бир корхона ўзининг ўзига хос томони билан бир - биридан ажралиб туради. Шу боисдан инновацион стратегияни танлашда кўп омилларни ҳисобга олиш лозим. Бу омиллар қуйидагиларни ўз ичига олади: фирманинг бозордаги позицияси, уни ўзгариши динамикаси, корхонанинг ишлаб чиқариш ва технологик салоҳияти, фирмада ишлаб чиқарилаётган товар турлари ва ҳоказо.

Инновацион стратегия ишлаб чиқишнинг асосий тамойилларига асосланган бўлиб, у қуйидаги расмда келтирилган (10 - расмга қаранг).



10-расм. Инновацион стратегияни ишлаб чиқишнинг асосий тамайиллари

Стратегик бошқариш – бу инновацион фирмаларни шундай бошқаришки, у илмий салоҳиятга таянади, инновацион фаолиятни истеъмолчи сўровига қаратади, авзалликка еришиш ва рақобат талабларига жавоб берадиган ҳозирги давр тадқиқотларни олиб боради ва охири-оқибатда бозорда узоқ давр ўз ўрнини сақлаб қолади.

Таниқли америкалик, стратегик менежмент бўйича йирик мутахассис И.Ансофф қарор қабул қилишнинг асоси стратегия эканлигини аниқлаб, у маълум қоидалар мажмуига асосланишини

кўрсатиб берган. Бу қоидалар билан ташкилотлар фаолияти бошқариб борилади.

У бу қоидаларини тўрт гуруҳга ажратиб кўрсатади.

1 – стратегияни фирма фаолиятини натижаларини баҳолашда қўлланиши;

2 – стратегияни ташқи муҳитга нисбатан тартибга солувчи ва йўналтирувчи муносабат сифатида қаралиши;

3 – стратегияни корхона ичидаги муносабатларни белгилаши;

4 – стратегия асосида фирма кунлик фаолиятини бошқарилиши.

Инновацион жараёнларни бошқаришнинг асосий вазифаси хўжалик юритишда инновацион стратегияни ишлаб чиқишдир.

Амалиётда стратегик бошқариш қуйидаги вазифаларни ҳал этади:

– муаммо билан танишиш;

– бошқарув инструменти (воситаси)ни ишлаб чиқиш;

– қарор қабул қилиш учун маълумотларни баҳолаш мезонларини аниқлаш;

– қарор қабул қилишда келишмовчиликларни олдини олиш, мувофиқлаштириш;

– келгусида назоратни амалга оширишни таъминлаш;

Мақсадлар турлари бўйича фарқ қилади: қуйидаги расмга қаранг.

Инновацияларни стратегик бошқаришда мақсадлар турлари бўйича қуйидагича фарқланади (11 - расмга қаранг).


Фирманинг стратегик мақсадлари кутилаётган натижанинг миқдор ва сифат томонларини атрофлича ифодалайди.

Мазкур натижаларга: бозор (оборот, ўсиш, бозор улуши), сифат натижаларга маҳсулот сифати андозаси, фирма мустақиллиги, мижозларга кўрсатилаётган сервис хизмати, фирмани бошқариш даражаси, ижтимоий сиёсат таъсири ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Pulda ifodalanishi bo'yicha: - pullik - pulsiz		Maqsadni o'zgaruvchanligi bo'yicha: - bitta o'zgarish - ko'p o'zgarish
Qamrov doirasi bo'yicha: - umumiy - qisman	Maqsad turlari	Ahamiyati bo'yicha: - bosh - ikkinchi darajali
Maqsadni mavzusi bo'yicha: - umumiy natija - ishlab chiqarish natijasi	Maqsadni bog'- liqligi bo'yicha: -komplimentar -raqobatlashuv- chi	Maqsad joyi va ierarxiya: - oliy - oraliq - past

11 - расм. Стратегик мақсадлар қўлланиши

Умумий кўринишда фирма стратегияси ишлаб чиқиш технологияси куйидаги схэмада келтирилган:



12 - расм: **Фирма стартегиясини ишлаб чиқиш тартиби**

- Стратегик ташхис (диагноз) – бу бошланғич бошқичда ҳолатни англашни билдиради

- Стратегик таҳлил – бу стратегик зонани аниқлаш, атроф-муҳитни таҳлил этишдан иборатдир.

- Стратегияни шаклланиши – бу стратегияни танлаш, дастурлар ишлаб чиқишни ифода этади.

- Дастурни баҳолаш – бу ҳар бир дастур корxonанинг умумий сиёсатига муносабатини англатади.

Стратегияни амалиётга тадбиғи – бу функционал, лойиҳавий маҳсулдор менежментдан иборат бўлиб, у стратегиядан амалиётда фойдаланишни англатади.

Стратегик назорат – стратегияни амалга ошируви натижасини тўла баҳолаш.

Корхона ривожланиши стратегияси ўзининг ташкил топишига кўра базис ва функционал бўлади.

Базис бу стратегик бошқаришни асоси ҳисобланиб, аниқ бозор ҳолатида корхонанинг ўзини тутиш моделидир. Масалан: бозорни танлаш стратегияси, танланган бозорда рақобат стратегияси.

Функционал стратегия – бу танланган базис стратегияни асосий йўналишлари бўйича аниқлаштириб ифода этишидир.

Б. Санто ўзининг “Инновация как средства экономического развития” асарида стратегияни қуйидагича бўлиб тарифлайди:

1. “Иқтисодчилар” ва “сотувчилар” қарашида инновация институтесионал (корхона даражасида) ва марказий (ҳалқ хўжалиги даражасида) бўлади.

2. Корхона даражасида *стратегия* мазмуни ва моҳияти бўйича қуйидагиларга бўлинади:

- тадқиқот ва яратувчанлик стратегияси;
- маҳсулот тузилиши стратегияси;
- бозор стратегияси;
- молия стратегияси;
- ташкил этиш стратегияси ва ҳоказо.

3. Менежер хатти – ҳаракати бўйича: К.Фридман корхона иновацион *стратегия*сини қуйидагича турлайди:

- анъанавий – бу йерда корхона фақат мавжуд маҳсулотни сифатини яхшилашга ҳаракат қилади;

- оппортунистик – бу йерда корхона шундай маҳсулотни яратиш бўйича ҳаракат қиладики, уни яратиш ўта катта миқдордаги ҳаражатни талаб етмайди, аммо маълум бир давр ўтгандан сўнг

корхонани маълум бир маҳсулот тури бўйича бозорда якка ишлаб чиқарувчига айланишини таъминлайди;

Имитацион стратегия – кучли бозор ва технологик позицияга ега бўлган фирма имкониятидан унинг лицензиясини сотиб олиш орқали фойдаланишини англатади.

Мудофаа стратегияси корхона илғор позицияда туърган фирмаларнинг еътирозисиз тадқиқод ва яратувчанлик ишларини олиб боради.

Бўйсунувчи стратегия – йирик корхоналар томонидан янги маҳсулотни ёки ишлаб чиқариш усулини кичик корхоналарга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзгартирилишида намоён бўлади.

- Ёриб кировчи стратегия – юқори таваккалчилик, рақобат шароитида фирма учун юқори фойда олиши учун қулайлиги билан ажралиб туради.

- Қамраб олувчи – янги бозорда ва юқори фойда берувчи ўта илғор маҳсулот лицензиясини сотиб олиш стратегиясини англатади.

Стратегик бошқариш қарорлари тўғри қабул қилинишлари фирманинг бошқариш тамойилларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бу тамойилларнинг кенг тарқалган кўринишлари: назорат; екстрополяция; ўта янги стратегияни яратиш; оператив қарор қабул қилиш ва бошқалар ҳисобланади.

Инновацион жараёнини бошқаришда маълум бир келишмовчилик ҳолатларини ҳам юзага келиши мумкин. Ушбу келишмовчилик ҳолатлари муваффақиятли ҳал этишда

бошқарувчининг қуйидаги усулларга таяниши мақсадга мувофиқдир:

- рақобатлашув (қатъийлик, кучга таяниш);
- ўзини бартараф этиш (паст қатъийлик);
- келишувчан (компромис);
- мослашиш.

Бу усулларнинг қай биридан корхона ва фирмалар фаолиятида фойдаланиш муайян бир ҳолатга бевосита боғлиқ бўлиб, унинг тўғри татбиқ этилиши ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни таъминлайди.

2. Бозор шароитида фирмалар стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари

Корхонанинг умумий стратегияси инновацион стратегияни шаклланишига тўғридан тўғри таъсир этади. Инновацион стратегияни белгилашда корхона инновацион фаолиятини турли вариантлари ва унга таъсир етувчи омилларни ҳисобга олиниши шарт. Бунга қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

- илмий-техник салоҳият;
- тажриба экспериментал базани ривожланиш даражаси;
- номоддий активлар ҳолати ва илмий текширишлар, тажриба конструкторлик ишларини бажариш учун тайёргарликнинг мавжудлиги;

- товарнинг ҳаётийлик даври ва бозордаги талабни ҳиссасини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тузилиши;

- Технологик ва функционал чигалликларни келиб чиқиш хавфи.

Я.Кудиковнинг фикрича, корхона инновацион стратегиясини иккита асосий гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Илмий текшириш ва тажриба конструкторлик ишлари олиб бориш стратегияси.

2. Янгиликларни кўнктириш (адаптация) стратегияси.

Илмий текшириш ва тажриба конструкторлик ишларни ўтказиш стратегияси бевосита илмий тадқиқот олиб бориш ва янгиликлар яратиш билан боғлиқ.

Янгиликни адаптацияси ишлаб чиқаришни янгиланиш тизими, бозорга янги маҳсулотни олиб кириш, технологик имкониятлардан фойдаланишни аниқлатади. Одатда, корxonанинг инновацион стратегиясини қуйидагича гуруҳлаш мумкин(схэмага қаранг):

Лицензион стратегияда – корхона ўзининг илмий текшириш ва тажриба конструкторлик фаолиятини сотиб олинган тадқиқот лицензияси асосида ташкил этади. У тугалланган ёки тугалланмаган тадқиқот иши бўлиши мумкин. Корхона уни келгусида кам сарф билан ривожлантира бориб қисқа вақт ичида ижобий натижага еришади.


Тадқиқот йетакчилиги стратегиясида корхона илмий текшириш ва тажриба конструкторлик ишларида узок давр илғорлар қаторида бўлишни мақсад қилиб олади.

Ҳаётийлик даврини кузатиш стратегияси шуни англатадики, илмий текшириш ва тажриба конструкторлик ишлари ишлаб чиқарилаётган товар ҳаётийлик даври ва қўлланилаётган жараёнлар билан узвий боғлиқ бўлиб, бу жараёнлар маълум усуллар ёрдамида кузатиб борилади.

Параллел яратувчанлик стратегияси – тайёр маҳсулот ёки жараёнга технологик лицензия сотиб олинишига асосланади.

Илм сиғимидан ўзиб кетиш стратегияси – бу йерда корхона ўртача тармоқ даражасида илм ҳаражатларини орттириб юборади. Бу кескин рақобат шароитида қўлланиши мумкин.

Маҳсулдор қаторни қўллаб-қувватлаш стратегияси – бу йерда корхона манавий ескирмаган анъанавий товарларни истеъмол хусусиятини оширишга интилади.



13-расм. Бирлашмаларнинг инновацион стратегияси

Ретро янгилик киритиш стратегиясида бир оз ескирган, аммо талабга ега бўлган маҳсулотлардан фойдаланиш тушунилади.

Технологик позицияни сақлаб қолиш стратегияси корxonанинг рақобатда муҳим ўрин тутган технологиядан фойдаланишини билдиради. Аммо бу узоқ давр яхши самара бермаслиги ҳам мумкин.

Самарали стратегия ва жараёнли ёндашув – корхона четдан технологияни ёқлайди, аммо сотиб олмайди. Бу стратегия корхона рақиблардан илмий-техник салоҳиятда ортда қолиб келаётган шароитда самарали ҳисобланади.

Босқичма - босқич ўтиб бориш стратегияси бу паст технологияни четлаб юқори босқичдаги технологияга ўтишдир.

Технологик трансферт стратегиясида бош корхона ўз тасарруфидаги кичик корхоналарга фойдаланилган технологиясини беради.

Фойдаланилган технологияларни қабул қилиб олувчи корхоналар вертикал ёллаш стратегияси деб аталади.

Бозорни кузатиб бориш стратегиясида корхона ўша даврда юқори самарали ва бозорда катта талабга ега бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришга интилади.

Радикал ўзиб кэтиш стратегиясида корхона янги маҳсулот билан биринчи бўлиб бозорга кириб боришга ҳаракат қилади.

- Йетакчини кутиб туриш стратегияси бу йирик фирмаларда қўлланилиб, фирманинг ҳали бозорда талаб тўла аниқланмаган маҳсулотларни бозорга олиб киришини англатади.

Йирик корхона ва бирлашмалар фаолиятида юқоридаги стратегияларнинг қўлланилишини ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларни амалиётда қўллаш ҳар бир муайян шароитдан келиб чиқади.

3. Фирмаларни ривожлантиришнинг стратегик аҳамияти

Стратегик бошқариш – бу корхона (фирма) лар фаолияти асосий тамойилларини, маҳсулот турларини аниқлаш сиёсатини, кескин кураш стратегиясини, техник сиёсатини, ходимларни

танлаш ва молиявий аҳволни яхшилаш стратегияси ва тактикани ўз ичига олади.

Стратегик бошқаришнинг асосий тамойилларига ички ва ташқи муҳит ривожланишини стратегиясини бошқариш қоидалари киради.

Ички муҳит ривожланиши стратегиясини бошқариш деганда корxonанинг кўзланган мақсадига еришиш йўлида ички имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш ва аста-секин кучсиз томонларни бартараф этиш тушунилади.

Ташқи муҳит ривожланиши стратегиясини бошқаришнинг тамойили – бу корxonанинг рақиблар олдида имконият берувчи кучли томонлардан максимал даражада фойдаланишни аниқлатади.

Бугунги кунда барча инновацион корxonалар рақобатбардошлигининг асосий омили – мавжуд ресурслардан самарали фойдаланишдир.

Барча ташкилий тизимда мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ортиши ҳисобига ишлаб чиқаришни ривожлантириш қуйидаги учта омилни ўз ичига олади:

1. Ходимларни мавжуд имкониятларни аниқлаш ва улардан тўла фойдаланиш.

2. Паст рентабелли маҳсулот турлари ва паст самарали технологиянинг ҳиссасини камайтириш ҳисобига инновацион тизимда ўзгаришларга еришиш. Бу мақсадга еришишнинг асосий йўли корxонада ишлаб чиқаришни техник қайта қуроллантириш ва реконструкцияни амалга оширишдир.

3. Инновацион жараёнларни жадаллаштириш ҳисобига янги турдаги маҳсулот (хизмат)лар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва улардан оқилона фойдаланиш. Бу йерда асосий омил илмий текшириш ва тажриба конструкторлик ишларини ўтказиш янги маҳсулотлар ишлаб чиқиш ва янги бошқарув усулларидан фойдаланиш ҳисобланади.

4. Венчур фирмани бошқариш

Венчур фирма – бу инновацион фаолиятидаги вақтинчалик ташкилий тизим бўлиб асосан кашфиётчилик активлиги ўсиши ва тўлишида фаолият олиб борсада у илмий изланишлар активлиги пасайиб бораётганда ҳам сақланиб қолади.

Одатда, венчур корхоналар самарасиз, маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан шуғулланмайди, аммо ўзининг ишланмаларини бошқа эксплерент, пациент ва коммутант корхоналарга берилиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

Венчур фирмалар йирик фирмаларнинг шўъба корхонаси шаклида ҳам ташкил этилиши мумкин.

Венчур фирма ташкил этиш учун қуйидаги компонентлар мавжуд бўлиши талаб этилади:

- янги маҳсулот ва янги технология яратиш юзасидан инновацион ғоя;
- таклиф этилган ғоя асосида янги фирма ташкил этишга эҳтиёж ва уни ташкил етувчи тадбиркорлар;

- молиялаштириш учун сарфланиши лозим бўлган капитал мавжудлиги;

Венчур фирмалар фаолиятини молиялаштириш икки асосий шаклда амалда оширилади:

- янги фирма акцияларни сотиб олиш;
- кредит маблағларини жалб этиш;

Амалиётда венчур корхоналарнинг асосан икки ташкилий ҳуқуқий шакли кўзга ташланади:

1. мустақил венчур корхоналар.
2. йирик корхоналар тасарруфидаги венчур корхоналар.

Бозорнинг ески сегментлари асосида мутлақо янги радикал маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган фирма – эксплерент деб юритилади.

Улар бозорга янгиликни олиб кириш билан шуғулланади. Эксплерент фирмалар ҳажми жиҳатидан венчур фирмалар сингаринга катта бўлмайди.

Бу ҳозирги кунда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Республикаларида кичик илмий-техник тадбиркорлик субъектлари шаклида кенг тарқалган.

Уларнинг асосий кўриниши Олий Таълим муассасалари тасарруфидаги технопарк ва бизнес инкубаторлардир.

Фирма пациент – бу тор доирадаги бозор сегменти асосида ишлайдиган, мода, реклама ва бошқа сотишни рағбатлантириш воситалари орқали юзага келган эҳтиёжни таъминлайдиган фирмалардир.

Фирма - виолент – бу катта миқдордаги капитал ва юқори технология даражасига ега бўлган “кучли” стратегияга асосланган фирма кенг истеъмолчилар учун мўлжалланган катта ҳажмдаги маҳсулот ишлаб чиқаради.

Фирма - коммутант - асосан маҳсулот ишлаб чиқаришни пасайиши жараёнида ҳаракат қилади ва уларнинг илмий-техник сиёсати маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз вақтида йўлга қўйишдир.

5. Консорсиумни бошқариш

Консорсиумнинг асосий вазифаси инновацион фаолиятни ривожланиши билан боғлиқ бўлган йирик дастур ва лойиҳаларни қидириб топиш ва амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Консорсиумни бошқариш тузилиши қуйидаги расмда берилган (14- расмга қаранг).

Консорсиум бошқарув тузилиши қуйидагиларни таъминлаши лозим:

- юқори натижага еришишга қаратилган мақсадли фаолиятни кучайтириш;


- инновацион фаолиятда молия, иқтисодий ва тижорат бўлимларининг функционал ролини ошириш;

- ички ва ташқи бозорда консорсиум рақобатбардошлигини ошириш.

- консорсиум фаолиятида самарали стратегияни қўллаш;

- консорсиум иштирокчилари орасида самарали инновацион сиёсат олиб бориш;

- консорсиум фаолиятини бошқаришда аксиядорлар иштирокини кенгайтириш.



14-расм. Консорсиум бошқарув тузилиши

Консорсиум таркибига турли ташкилий – ҳуқуқий шаклдаги корхоналар киради. Консорсиум фаолиятининг ҳуқуқий асоси қатнашчилар орасида кўп томонлама шартнома асосида иш олиб боришдир.

Консорсиум бошқариш механизми қуйидаги ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олишни тақозо этади:

- молия – кредит, тижорат, банк, товар фонд биржаси каби муассасалар фаолиятида бозор муносабатларининг тараққий етмаганлиги;

- корхоналар орасида марказдан қочиш тенденциясини кучайиши, хўжалик мустақиллигига интилиш ва бозор шароитида яшаб қолиш учун янги шаклларни ахтарилиши;

- ташқи иқтисодий фаолият ва истиқболли инновацион сиёсатни олиб боришнинг қийинлиги;

- турли мулк шакллари ривожланмаганлиги.

Консорсиумнинг реал бошқарув аппаратини шакллантириш молиявий-иқтисодий аҳволдан келиб чиқади ва мустақил шакллантиради.

Консорсиум бошқарув функцияси кўпроқ мувофиқлаштириш тамойилларига асосланади ва у ўз фаолиятида асосан аналитик назорат ва кузатув функцияларига таянади.

Консорсиумнинг мулкӣ – ҳуқуқӣ муносабатлари қуйидаги тамойиллар асосида амал қилади:

- консорсиум юридик шахс мақомига ега бўлиб, унинг қатнашчиларини шартнома асосида берилган мулкига егалик ҳуқуқига ега;

- сотиб олинган мулкга улуш асосида егалик қилади;

- бошқарув ҳуқуқи қатнашчиларнинг қўшган ҳиссасига мос равишда тақсимланади;

- консорсиум мақоми ва бошқарув органлари вазифаси унинг асосий фаолият туридан келиб чиқади;

- консорсиумнинг илмий текшириш ташкилотлари, лойиҳаловчилар, пудратчилар, мол йетказиб берувчилар, инновацион фаолиятни молиялаштирувчилар, инновацион лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашувчилар билан бўладиган муносабатлар шартнома асосида амалга оширилади. Шартнома консорсиум ёки унинг ҳар бир қатнашчиси билан мустақил тузилиши мумкин;

- консорсиум тугатилгандан сўнг, унинг мулки консорсиум таркибига кирувчи ташкилотлар орасида бўлиб олинади.

Инжиринг фирмалар

Инжиринг фирмалар – бу илмий тадқиқот билан яратувчанлик ва янгиликни киритиш билан ишлаб чиқариш орасидаги ўзига хос бўғин бўлиб, унинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Кашфиёт, фойдали модел тижорат салоҳиятини тахминан баҳолаш.

2. Келгусида яратиладиган илмий-техник маҳсулот бўйича инновацион ғояни башорат қилиш.

3. Янгиликни маҳсулот ишлаб чиқариш фаолиятига татбиқ этилгунга қадар тузатиш.

4. Ишланмаларни татбиқ этиш жараёнига хизмат кўрсатиш.

5. Ишга тушириш ишлари инжиниринг фирмалар ассосациясига бирлашиб, мижозларга нисбатан мувофиқлаштириш ишларини бажаради, керакли мутахассислар ва манбаларни ноаниқлик технологияларини ишлаб чиқишига бириктиради ва бу мақсадда венчур корхона ташкил етилади.

Татбиқ етувчи фирма

Татбиқ етувчи фирма – бу технология егасининг фойдаланилмаётган патентлари, лицензияларни бозорга олиб кириш, кашфиётни саноат эҳтиёжи даражасига олиб чиқиш, келгусида лицензиясини сотиш шарти билан кичик партиядо товар ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона.

Профит марказ

Профит марказ – янгиланишни жадаллаштирувчи бир шакл.

Бу вақтинча, маълум бир мақсадда турли тармоқга таалуқли илмий ходимларни бирикиши, шу жумладан, менежерларни аниқ илмий – техник ёки ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этиш учун тузилади.

Масалан: Ишлаб чиқаришга янги маҳсулот турини татбиқ этиш учун.

Барча кичик инновацион корхоналар юридик шахс мақомига ега бўлган, мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Инновацион стратегияни гуруҳлаш мумкин бўлган асосий тамойилларни айтинг.

2. Рақиблар хатти-ҳаракатини прогнозлаш ва ҳисобга олиниши зарур бўлган омиллар қайсилар?

3. Рақиблар стратегиясини ўрганишда ёрдам берувчи зарурий масалаларни санаб беринг.

4. Инновацион стратегия типларини айтинг.

5. Инновацион стратегияни танлаш йўналишларини ёритинг.

6. Илмий текшириш ва тажриба конструкторлик ишлари асосий стратегиясини айтинг ва моҳиятини ёритиб беринг.

7. Фирмани стратегиясини шакллантиришнинг йўналишлари қандай?

8. Инновацион муассасалар стратегияси қайси омилларга боғлиқ?

9. Фаолияти сизга маълум фирмага қайси инновацион стратегияни тавсия етар едингиз?

ESDA QOLARLI VOQEALAR



- 1903-yil jahonda birinchi bo'lib Genri Ford tomonidan yalpi hajmda avtomobillar ishlab chiqaruvchi zavod ish boshladi.
- 1908-yil avtomobillar ilk bor yoritkichlar bilan jihozlandi.
- 1924-yil Sobiq ittifoqda avtomobil sanoati tashkil etildi. Ittifoq o'zining birinchi avtomobillarini ishlab chiqarilishini yo'lga qo'ydi.
- 1927-yil birinchi sovet suv osti kemasi qurilishi boshlandi. Mualliflar E.P. Nikonov (1924 y), K.K. Shilder (1934 y), I.F. Aleksandrovekiy (1866 y), S.K. Djevetskiy (XIX asrning 70–80 yillari), I.G. Bubnov (1910–1915 y).
- 1996-yil mart – “Damas” rusumli avtomobil ishlab chiqarildi..
- 1996-yil iyul oyida Asaka avtomobil zavodining barcha liniyalari tantanali tarzda ishga tushirildi. “Neksiya”, “Damas”, “Tiko” avtomobillari ishlab chiqarila boshladi.
- 2001-yil may – 250 minginchi avtomobil ishlab chiqarildi.
- 2001- yil avgust – “Matiz” avtomobili taqdimoti va uni ommaviy ishlab chiqarish boshlandi.
- 2002- yil sentyabr – “Neksiya Dons” avtomobili ommaviy ishlab chiqarila boshlandi.

10 - боб. ИННОВАЦИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

1. Инновациядан фойдаланиш самарадорлиги

Инновацион лойиҳа танлаб олингандан сўнг навбатдаги инновациядан фойдаланиш босқичи бошланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳалқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш ҳаётини заруриятга айланиши натижасида инновациядан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг роли янада ортади. Бу, айниқса, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида янада яққолроқ намоён бўлади.

Кўзланган натижалар ва ҳаражатларни ҳисобга олишнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, самара қуйидаги турларга бўлинади:

жадвал

Инновациянинг амалга татбиқ этиш самараси турлари

Самара тури	Омиллар, кўрсаткичлар
Иқтисодий	Инновацияни татбиқ этишга доир барча турдаги натижа ва ҳаражатлар қиймат кўринишида ифода этилади.
Илмий – техник	Янгилик, соддалик, фойдалилик, компакт, эстетик.
Молиявий	Кўрсаткичлар ҳисоб – китоби молиявий натижаларга асосланади.
Манба жиҳатидан	Кўрсаткичлар инновацияни у ёки бу турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва истеъмолчининг

	таъсирини ифода этади.
Ижтимоий	Инновацияни татбиқ этишининг ижтимоий натижаларини ҳисобга олувчи кўрсаткичлар
Екологик	Шовқин, магнит майдони, ёритилганлик, силкиниш. Кўрсаткичлар инновацияни атроф – муҳит муҳофазасига таъсирини ифода этади.

Қилинган ҳаражатлар ва олинган натижаларни ҳисобга олиниш даврига қараб, инновацияни амалиётга татбиқ этилиши самараси ажратиб олинган маълум бир давр самараси ва йиллик самарага бўлинади.

Олинган вақт давомийлиги қуйидаги омилларга боғлиқ:

- Инновацион давр давомийлиги.
- Инновацион объект хизмат муддати.
- Бошланғич маълумотларни ишончлилиқ даражаси.
- Инвесторлар талаби.

Самарани баҳолашнинг умумий тамойили-бу олинган натижани қилинган ҳаражатга таққослаш ҳисобланади.

Олинган натижа ва қилинган ҳаражат нисбати ҳам натура, ҳам қиймат шаклида ҳолатдан келиб чиқиб ифодаланиши ва бу ҳолда доимо бир хил бўлмаслиги мумкин, шуни унутмаслик керакки, ишлаб чиқариш самарадорлиги бу доимо нисбийдир.

Умуман олганда, инновацияни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш муаммоси ва инновацияни амалиётга татбиқ этишининг энг қулай йўлларини танлаш, бир томондан инновацион фойдаланиш ҳисобига еришиладиган самарани ортишини, иккинчи томондан

олинган натижаларни олдинги еришилган натижаларга таққослашни талаб этади. Бу, айниқса, жадаллашган амортизация ҳисоблаш усулидан фойдаланувчи фирмаларда муҳим аҳамият касб этади. Чунки бундай ҳолатда ишлаб турган машина ва механизмларни янгисига алмаштириш муддати кескин камаяди.

2. Инновацияни умумий иқтисодий самараси

Инновацияни умумий иқтисодий самарадорлигини баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади:

1. Интеграл самара.
2. Рентабеллик индекси.
3. Рентабеллик нормаси.
4. Қоплаш муддати.

1. Интеграл самара бу, одатда, дисконт натижаларни ва ҳаражатларни ҳисобга олган ҳолда ҳисобот давридаги олинган натижани қилинган инновацияни (ҳаражатлардан фарқини ифода этади.

$$S_{\text{int}} = \sum_{t=0}^{T_p} (Y_t - X_t) \cdot \alpha_t$$

Бу йерда:

$S_{\text{инт}}$ – интеграл самара;

T_p - ҳисобот йили;

α_t - 1 - йилдаги натижа;

X_T - 1-йилдаги инновацион ҳаражат;

α_T - дисконт ставкаси.

Айрим манбаларда интеграл самара дисконтлашган даромад, соф келтирилган ёки соф ҳақиқий қиймат, соф келтирилган самара ҳам деб юритилади.

1. Инновациянинг рентабеллик индекси (J_R)

Юқорида келтирилган дисконтланган самара усули инновацияга сарф қилинадиган маблағлар чегараланган ҳолларда самарали бўлиб, бу усул юқори ташкилотга бўйсинувчи ва юқори ташкилотдан молиявий ёрдам олувчи корхоналарда кенг қўлланилади.

Рентабеллик кўрсаткичи сифатида рентабеллик индексидан фойдаланиш мумкин. У бошқа ном билан ҳам аталиши мумкин: даромадлилик индекси, фойдалилик индекси.

Индекс рентабеллик келтирилган даромадларни келтирилган ҳаражатларга нисбати билан ифодаланади. У қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$J_R = \frac{\sum_{t=0}^{T_p} D_j * \alpha}{\sum_{t=0}^{T_p} K_t * \alpha_t}$$

Бу йерда:

D_j – давр даромади.

K_T – T -инновацион даврда қилинган инновация ҳажми.

Суратида инновацияни амалиётга татбиқ этиш даври бошида келтирилган даромад миқдори ифода этилган.

Махражида – инвестициялаш жараёни бошланган вақтига дисконтлашган инвестиция миқдори.

Бошқача айтганда бу йерда тўловлар икки оқими даромадли ва инвестицион оқимлари таққосланади.

Рентабеллик индекси интеграл самара билан узвий боғлиқ. Агар интеграл самара ижобий бўлса, рентабеллик индекси 1 дан катта бўлиб, инновацион лойиҳа иқтисодий жиҳатдан ҳисобланади. Агар интеграл самара салбий бўлса, рентабеллик индекси 1 дан кичик бўлиб, инновацион лойиҳа иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлади.

Маблағлар тақчиллиги ёки йэтишмаслиги шароитида, рентабеллик индекси юқори бўлган лойиҳалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

3. Рентабеллик нормаси (ϵ_{π}) – бу шундай дисконт нормасини ифода этадики, маълум бир йиллардан сўнг дисконтлашган даромад миқдори инновация учун қўйилган маблағга тенг бўлади. Бу кўрсаткич инновацион лойиҳа даромади ва ҳаражатини маълум бир ҳисоб даврига келтириш орқали аниқланади.

$$D = \sum_{t=1}^T \frac{D_t}{(1 + E_p)^t}$$

$$K = \sum_{t=1}^T \frac{K_t}{(1 + E_p)^t}$$

Бошқача қилиб айтганда ушбу кўрсаткич аниқ бир инновацион қарорни дисконт ставкада ҳисобланган ҳолдаги даромадлиликни ифода этади. Бу ҳолатда инновация ҳисобидаги пул оқимининг келгуси қиймати, инновацион маблағнинг ҳозирги қийматига айланади.

Рентабеллик нормаси кўрсаткичи ички даромадлилик нормаси, ички фойда нормаси, инвестицияни қайтариш нормаси бошқа номлар билан ҳам аталиши мумкин.

Хорижда рентабеллик нормасини ҳисоблашга инвестицияни дастлабки таҳлилида биринчи қадам сифатида қаралади. Келгуси таҳлилларда даромаднинг ички нормаси 15 – 20 фоиздан кам бўлмаган инновацион лойиҳалар танлаб олинади.

Олинган рентабеллик нормаси инвестор талаб етган рентабеллик нормаси билан таққосланилади. Агар у инвестор талаби даражасидан паст бўлмаса, инновацион лойиҳани қабул қилиш бўйича қарор қабул қилинади.

Агар инновацион лойиҳа тўлиғича банк кредити ҳисобига молиялаштириладиган бўлса, рентабеллик нормаси даромадидан, банк фоиз ставкасининг юқори чегараси даражасидан кам бўлмаслиги керак. Чунки банк ставкасининг рентабеллик даражасидан ортиб кэтиши инновацион лойиҳанинг иқтисодий самарасизлигини билдиради.

Агар инновацион лойиҳа бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилган бўлса, рентабеллик даражасининг қуйи чегараси аванслашган капитал балансига мос келиши шарт.

4. Қоплаш муддати – бу инвестиция самарадорлигини баҳолашнинг енг кенг тарқалган муҳим кўрсаткичларидан биридир. Бунинг амалиётда “Капитал маблағларнинг қоплаш муддати” кўрсаткичидан фарқи шундаки бу кўрсаткични ҳисоблаш олинadиган фойдага эмас, балки инновация орқали киритилadиган маблағларни ҳақиқий қиймат бўйича ифодаланган пул оқими суммасига асосланади.

Бозор шароитида инвестиция киритиш жараёни маълум даражада таваккалчилик билан боғлиқ бўлиб, бу йерда таваккалчилик қанча юқори бўлса, киритилган маблағларни қоплаш муддати узоқ бўлади.

Киритилган инновацияни қоплаш муддати қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$T_0 = \frac{K}{D}$$

Бу йерда: K - инновация учун киритилган бошланғич инвестиция D - йиллик пул даромадлари

Бу кўрсаткичлардан амалиётда фойдаланилиши кутилган самарани бериши муқаррардир.

Назорат саволлари

1. Самаранинг асосий турларини кўрсатиб беринг.
2. Келтирилган даромад усулини моҳияти нимада?
3. Қоплаш муддати тушунчасини моҳиятини айтиб беринг.
4. Абсолют ва таққослама самара билан абсолют ва таққослама самарадорлик орасида қандай фарқ бор?
5. Инновацияни умумий иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлар тизимини айтинг?
6. Рентабеллик индексини аниқлиги нимада?
7. Интеграл самарани аниқлашни асоси нимада?



ESDA QOLARLI VOQEALAR



- 1940-yilning ikkinchi yarmi MiG-9, YaK-15, MiG-15 qiruvchi samolyotlari yaratildi.
- 1959-yil 12-sentabr “Luna-2” kosmik apparat oy sathiga uchirildi.
- 1960-yil TU-104 passajir va AN-22 (Antonov) yirik transport samolyotlari parvoz eta boshladi.
- 1970-yil TU-144 tovushdan tez uchuvchi samoliotini birinchi parvozi amalga oshirildi. Uning harakat tezligi 2400 km/s to'g'ri kelgan.
- 1998-yil “Alfa” er atrofida harakatlanuvchi kosmik stantsiya uchirildi.
- 2003-yil avgust – avtomatik uzatish korobkali “Lacetti” va “Matiz” avtomobillari ishlab chiqarila boshladi.
- 2005-yil yanvar – 1,0 l. dvigatel xajmli “Matiz” avtomobili ishlab chiqarila boshladi.
- 2006-yil fevral “Damas” avtomobilining yangilangan modelini ishlab chiqarish yo'lga qo'yildi.



Инновацион менежмент фанидан тестлар

1. “Инновация” тушунчаси қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) инновацияни яратиш, татбиқ этиш ва тарқатиш билан боғлиқ фаолият;
- б) кашфиёт, янги тартиб ва янги усул;
- в) янгиликдан фойдаланганликни ифодаловчи жараён;
- г) инновацион фаолиятни бош функцияси ўзгаришидир.

2. “Янгилик” тушунчаси қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) инновацияни яратиш, татбиқ этиш ва тарқатиш билан боғлиқ фаолият;
- б) кашфиёт, янги тартиб ва янги усул;
- в) янгиликдан фойдаланганликни ифодаловчи жараён;
- г) инновацион фаолиятни бош функцияси ўзгаришидир.

3. “Инновацион жараён” қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) инновацияни яратиш, татбиқ этиш ва тарқатиш билан боғлиқ фаолият;
- б) кашфиёт, янги тартиб ва янги усул;
- в) янгиликдан фойдаланганликни ифодаловчи жараён;

г) инновацион фаолиятни бош функцияси ўзгаришидир.

4. “Янгиланиш” тушунчаси қайси жавобда тўғри келтирилган?

а) инновацияни яратиш, татбиқ этиш ва тарқатиш билан боғлиқ фаолият;

б) кашфиёт, янги тартиб ва янги усул;

в) янгиликдан фойдаланганликни ифодаловчи жараён;

г) инновацион фаолиятни бош функцияси ўзгаришидир.

5. Инновацион жараённи мантиқий шакллари қайси жавобда тўғри келтирилган?

а) табиий;

б) товар;

в) кенгайтирилган;

г) барча жавоб тўғри.

6. Инновацион жараён субъектлари қайси жавобда тўғри келтирилган?

а) новаторлар;

б) олдинги реципидентлар;

в) олдинги кўплик ва қолоқлар;

г) барча жавоб тўғри.

7. Инновациялар бозорда янгилигига қараб қандай турларга бўлинади?

а) жаҳонда тармоқ учун янги, мамлакатда тармоқ учун янги аниқ корхона учун янги;

- б) инновация корхонага кириб келиши даврида, корхонадан чиқиб кэтиши даврида ва корхонанинг тизими таркибида;
- в) радикал, яхлитланган ва модификацияланган;
- г) технолигик, ишлаб чиқариш, иқтисодий тижорат, ижтимоий ва ташкилий бошқариш;

8. Инновацияларни тизимдаги бўйича ўрнига қараб қандай турларга бўлинади?

- а) жаҳонда тармоқ учун янги, мамлакатда тармоқ учун янги аниқ корхона учун янги;
- б) инновация корхонага кириб келиши даврида, корхонадан чиқиб кэтиши даврида ва корхонанинг тизими таркибида;
- в) радикал, яхлитланган ва модификацияланган;
- г) технолигик, ишлаб чиқариш, иқтисодий тижорат, ижтимоий ва ташкилий бошқариш.

9. Киритилаётган ўзгаришларни мураккаблигига қараб инновация қандай турларга бўлинади?

- а) жаҳонда тармоқ учун янги, мамлакатда тармоқ учун янги аниқ корхона учун янги;
- б) инновация корхонага кириб келиши даврида, корхонадан чиқиб кэтиши даврида ва корхонанинг тизими таркибида;
- в) радикал, яхлитланган ва модификацияланган;
- г) технологик, ишлаб чиқариш, иқтисодий тижорат, ижтимоий ва ташкилий бошқариш;

10. А. Н. Пригожин инновацияларни қайси белгилари бўйича турларга бўлган?

- а) тарқалувчанлиги бўйича, сингдирилиши бўйича, ишлаб чиқаришдаги ўрни бўйича;
- б) ворислиги, бозордаги улушини кутилган даражаси, имконият ёки янгилик даражаси;
- в) барқарорлиги, ишлаб чиқаришдаги ўрни, бозордаги улушини янгилик даражаси;
- г) а ва б жавоблар тўғри.

11. Венчур фирмалар ташкил этишда нималарга ега бўлиши керак?

- а) инновацион ғоя ва таваккал қилувчи капиталга?
- б) инновацион ғоя, таваккал қилувчи капитал ва янги фирма ташкил этиш хавфини билган тадбирлар;
- в) инновацион ғоя, инвесторларни ҳисса қўшиши ва иштироки;
- г) барча жавоб тўғри.

12. Республикамиз илмий-техника тараққиёти комплекс концепсияси мазмуни қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватланиши ИТТ йўналиши тартибга солиниши, молни ишлаб чиқаришни ҳимоялаш. ИТТ йўналишлари тартибга солиниши рақобатбардошликни ошириш рағбатлантириш тизими такомиллашуви, лицензия ва патент ҳуқуқи ва тартибга солишни қўллаб- қувватлаш, боришининг мавжудлиги;

б) ИТТ бошқариш методлари доимий такомиллаштирилиб борилиши ва илмий-техник тараққиётни таъминланиши ва мустаҳкамланиши;

в) иқтисодиётда кескин бўлинишни таъминлаш, йирик тармоқ илмий-техник лойиҳалари устида иш олиб бориш, иқтисодий мақсадларни; амалга ошириш, ташқи иқтисодий сиёсат ва ҳалқаро меҳнат тақсимоти маҳсулдорлардаги илмий-техник ишларга қарата;

г) а ва б жавоблар тўғри.

13. Тадбиркорликни инновацион муҳити қайси жавобда тўғри келтирилган?

а) сиёсий, демографик, ижтимоий, маданий, илмий – техник, табиий ва ҳалқаро;

б) инновацион фаолиятни юксалишини таъминловчи ёки бузувчи ижтимоий – иқтисодий, ташкилий ҳуқуқий ва сиёсий муҳит мажмуи;

в) а ва б жавоблар тўғри;

г) макро ва микро муҳитлар мажмуи.

14. Тадбиркорликни инновацион муҳити таркиби қайси жавобда тўғри келтирилган?

а) сиёсий, демографик, ижтимоий, маданий, илмий – техник, табиий ва ҳалқаро;

б) инновацион фаолиятни юксалишини таъминловчи ёки бузувчи ижтимоий – иқтисодий, ташкилий ҳуқуқий ва сиёсий муҳит мажмуи;

в) а ва б жавоблар тўғри;

г) макро ва микро муҳитлар мажмуи.

15. Корханалар инновацион фаолиятини шаклланиши босқичлари қайси жавобда келтирилган?

а) маълумот йетказиб берувчилар, воситачилар, рақиблар, истеъмолчилар, бозор;

б) ишлаб чиқаришнинг, бошқарув ва фаолиятининг иқтисодий натижалари;

в) сиёсий, демографик, илмий, ижтимоий, табиий ва ҳалқаро аҳвол;

г) барча жавоблар тўғри;

16. Лойиҳа тушунчаси қайси жавобда тўғри келтирилган?

а) машина қурилма қувватини меҳнат унумдорлигини ошириш евазига янги техник иқтисодий тафсифхонага ега бўлиш;

б) янги техник ва ижтимоий иқтисодий тизимни ташкил этиш ва ўзгаришга қаратилган мақсадли жараён;

в) янги конструкцияси ўз элементлари бўйича аввалгилардан фарқ қилиши;

г) илгари мавжуд бўлмаган материал конструкция ва технологияни юзага келиши.

17. Модернизация тушунчаси қайси жавобда тўғри келтирилган?

а) машина қурилма қувватини меҳнат унумдорлигини ошириш еавзига янги техник иқтисодий тафсифхонага ега бўлиш;

б) Янги техник ва ижтимоий иқтисодий тизимни ташкил этиш ва ўзгаришга қаратилган мақсадли жараён;

- в) янги конструкцияси ўз элементлари бўйича аввалгилардан фарқ қилиши;
- г) илгари мавжуд бўлмаган материал конструкция ва технологияни юзага келиши.

18. Новаторлик тушунчаси қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) машина қурилма қувватини меҳнат унумдорлигини ошириш евазига янги техник иқтисодий тавсифномага ега бўлиш;
- б) Янги техник ва ижтимоий иқтисодий тизимни ташкил этиш ва ўзгаришга қаратилган мақсадли жараён;
- в) янги конструкцияси ўз элементлари бўйича аввалгилардан фарқ қилиши;
- г) илгари мавжуд бўлмаган материал конструкция ва технологияни юзага келиши.

19. Мулт – лойиҳа тушунчаси қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) мулт-лойиҳанинг муқобил варианты;
- б) умумий мақсад сари бирлаштирилган зарур манбалар ва уни бажариш учун вақтга ега бўлган, ўзаро боғлиқ бир неча лойиҳалардан ташкил топган мақсадли дастур;
- в) кўлами бўйича катта бўлмаган, содда ишлам билан чекланган лойиҳа;
- г) қисқа муддатли лойиҳа.

20. “Мега лойиҳа “ тушунчаси қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) мулт-лойиҳанинг муқобил варианты;
- б) умумий мақсад сари бирлаштирилган зарур манбалар ва уни бажариш учун вақтга ега бўлган, ўзаро боғлиқ бир неча лойиҳалардан ташкил топган мақсадли дастур;
- в) кўлами бўйича катта бўлмаган, содда ишлам билан чекланган лойиҳа;
- г) қисқа муддатли лойиҳа.

21. “Моно лойиҳа “ тушунчаси қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) мулт-лойиҳанинг муқобил варианты;
- б) умумий мақсад сари бирлаштирилган зарур манбалар ва уни бажариш учун вақтга ега бўлган, ўзаро боғлиқ бир неча лойиҳалардан ташкил топган мақсадли дастур;
- в) кўлами бўйича катта бўлмаган, содда ишлам билан чекланган лойиҳа;
- г) қисқа муддатли лойиҳа.

22. Лойиҳалар бажарилашган ишлар ҳажми ва давомийлигига кўра неча хил бўлади?

- а) 3;
- б) 4;
- в) 5;
- г) 6.

23. “Инновацион лойиҳаларни баҳолаш“ мезонлари қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) ижтимоий, иқтисодий, миллий хавфсизлик таъминланиши илмий-техник иқтисодий;
- б) корхона мавқеи, маркетинг, ИТ ва ТКИ, молия ва ишлаб чиқариш;
- в) паст баҳо, ўта паст баҳо, қониқарли, юқори, жуда юқори;
- г) барча жавоблар тўғри.

24. “Инвестицияни лойиҳа мезонлари“ қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) ижтимоий, иқтисодий, миллий хавфсизлик таъминланиши илмий-техник иқтисодий;
- б) корхона мавқеи, маркетинг, ИТ ва ТКИ, молия ва ишлаб чиқариш;
- в) паст баҳо, ўта паст баҳо, қониқарли, юқори, жуда юқори;
- г) барча жавоблар тўғри.

25. Илмий муассаларда ходимлар қандай категорияга бўлинади?

- а) инженер-техник ходим, хизматчи, ишчи, майда хизматчи ходими ва ўқувчи;
- б) илмий ходим, мутахассис техник ходим ва бошқа ходимлар;
- в) академик, фан доктори, фан номзоди;
- г) академик, профессор, доцент, катта ўқитувчи ва ассистент.

26. Аттестация учун қандай ҳужжатлар керак бўлади?

- а) номзоднинг маълумоти, иш малака даражаси, олдинги иш тажрибаси, тиббий тавсиянома ва илмий ҳисобот;

б) тавсифнома, чоп етилган илмий ишлари рўйхати, илмий ҳисобот, патент, амалиётга татбиқ натижалари, рағбатлантирилганлиги тўғрисида маълумот;

в) ўтмишдаги еришган ютуқлари, ҳозирги салоҳияти ва келгуси режалари;

г) барча жавоблар тўғри.

27. Илмий муассаларда қандай иш режалари ҳаракат қилади?

а) умумий вақтни белгилаб олиш, иш вақтини бошланиши ва тугалланишини танлаш, қисқартирилган иш ҳафтаси;

б) мосланувчан график, қисқартирилган иш ҳафтаси ва қисман бандлик;

в) қалқиб турувчи график, ўзгарувчан кун ва жуда мосланувчан график;

г) б ва в жавоблар тўғри.

28. Кашфиёт “ талабномасининг мазмуни қандай?

а) муалиф аризаси, сўралган даражани ифодаловчи тавсифнома, иш формуласи чизма, реферат ва бошқа материаллар;

б) авторлар томонидан гувоҳнома берилиши тўғрисидаги ариза, иш таснифи, реферат ва чизма;

в) ариза, фото албом, макет расм, маълумот тури, умумий кўриниш, ергонометрик схэмаси ва иш таснифи;

г) барча жавоблар тўғри.

29 «Фойдали модел» талабномаси мазмуни қайси жавобда тўғри келтирилган?

а) муаллиф аризаси, сўралган даражани ифодаловчи тавсифнома, иш формуласи чизма, реферат ва бошқа материаллар;

б) муаллифлар томонидан гувоҳнома берилиши тўғрисидаги ариза, иш таснифи, реферат ва чизма;

в) ариза, фотоалбом, макет расм, маълумот тури, умумий кўриниш, ергонометрик схэмаси ва иш таснифи;

г) барча жавоблар тўғри.

30. “Саноат намунаси” талабномаси мазмуни қайси жавобда тўғри келтирилган?

а) муаллиф аризаси, сўралган даражани ифодаловчи тавсифнома, иш формуласи чизма, реферат ва бошқа материаллар;

б) муаллифлар томонидан гувоҳнома берилиши тўғрисидаги ариза, иш таснифи, реферат ва чизма;

в) ариза, фотоалбом, макет расм, маълумот тури, умумий кўриниш, ергонометрик схэмаси ва иш таснифи;

г) барча жавоблар тўғри.

31. Лицензиядан фойдаланиш характери ва ҳажмига қараб қандай турларга бўлинади?

а) оддий ва мураккаб;

б) тўла ва қисман;

в) пуллик ва бепул;

г) оддий, тўла ва бепул.

32. Кичик инновацион корхоналар хизматида нималар кўрсатилади?

- а) ғояни юзага келиши, таъсис ғоялар танлаш, бозорни ўрганиш, таъсис хужжатлари, рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақида маълумот;
- б) ташкилий ҳуқуқни шакли, жамланган ўрни, фаолият тури, қатнашчилар, жамият мақсади ва вазифаси, низом жамғармаси, ҳуқуқ ва бурчлар ташқи иқтисодий фаолият, фаолият тугатилиши, хужжатларни юритиб сақлаш ва бошқа;
- в) илмий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқариш, илмий изланишлар олиб бориш, мамлакатимизда ва хорижда ишлаб чиқарилган мураккаб техникаларни таъмирлаш ва модернизация қилишга кўмаклашиш, патентдан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш, ўқув машғулотлари ва маънавий тадбирларни ташкил этиш;
- г) б ва в жавоб тўғри.

33. Функцион қиймат таҳлилнинг объекти қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) бозор, талаб ва таклифни ўрганиш;
- б) маҳсулот истеъмол хусусиятлари ва уларнинг айрим қисмлари;
- в) корхонанинг илмий-техник салоҳияти;
- г) барча жавоблар тўғри.

34. Функционал қиймат таҳлилини ўтказиш босқичлари қайси жавобда тўғри келтирилган ?

- а) инвестиция олди босқичи, инвестиция фаза босқичи;
- б) бошлангич ахборот аналитик тадқиқот, тавсия;
- в) а ва б жавоблар тўғри;

г) тўғри жавоб йўқ.

35. Сифатни бошқариш тушунчаси қайси жавобда тўғри келтирилган?

а) эҳтиёжларимизни таъминловчи хусусиятлар мажмуи;

б) маҳсулотнинг техник даражаси, товарни рақобатбардошлиги;

в) маҳсулотни истеъмол қилиш, фойдаланиш ва амалга ошириш ҳаракати;

г) барча жавоблар тўғри.

36. Сифатни назорат тизими таркиби қайси жавобда тўғри келтирилган?

а) маҳсулот сифати назорат субъектлари, техник назорат, маҳсулотни ҳаётийлик даврини назорат қилиш босқичлари, маҳсулот сифатини назорат даражаси, тизим элементлари;

б) маҳсулотнинг техник даражаси, товар рақобатбардошлиги, лойиҳа ва меърий ҳужжатлар мажмуи;

в) сифатни бошқариш усуллари бошқарув органлари, ҳуқуқий ва меърий ҳужжатлар, бошқаришни ташкил этиш;

г) а ва б жавоблари тўғри.

37. Стратегик бошқариш тушунчаси қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) ташхис, таҳлил, шакллантириш дастурни баҳолаш, стратегияни амалиётга татбиқ этиш ва стратегик назорат;

б) жами салоҳиятга таяниш, фаолиятни истеъмолчи сўровига қаратиш, рақобат талабига жавоб бера оладиган тадқиқот олиб

бориш, устунликка еришиш орқали бозорда узок давр ўрнини сақлаб қолиши;

в) тадқиқот ва яратувчанлик, стратегияни, маҳсулот тузилиши стратегияси, бозор стратегияси, молия стратегияси, ташкил этиш стратегияси;

г) б ва в жавоблар тўғри.

38. Стратегияни ишлаб чиқиш тартиби қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) ташхиз, таҳлил, шакллантириш дастурни баҳолаш, стратегияни амалиётга татбиқ этиш ва стратегик назорат;

б) жами салоҳиятга таяниш, фаолиятни истеъмолчи сўровига қаратиш, рақобат талабига жавоб бера оладиган тадқиқот олиб бориш, устунликка еришиш орқали бозорда узок давр ўрнини сақлаб қолиши;

в) тадқиқот ва яратувчанлик, стратегияни, маҳсулот тузилиши стратегияси, бозор стратегияси, молия стратегияси, ташкил этиш стратегияси;

г) б ва в жавоблар тўғри.

39. Умумий иқтисодий самарани баҳолашда фойдаланиладиган кўрсаткичлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) интеграл самара, рентабеллик индекси, рентабеллик нормаси ва қоплаш муддати;

- б) иқтисодий, илмий-техник, молиявий ижтимоий ва экологик манба;
- в) олинган даромадни ҳаражатга нисбати;
- г) а ва б жавоблар тўғри.

40. Инновацияни амалда татбиқ қилиш турлари қайси жавобда тўғри келтирилган?

- а) интеграл самара, рентабеллик индекси, рентабеллик нормаси ва қоплаш муддати;
- б) иқтисодий, илмий-техник, молиявий ижтимоий ва экологик манба;
- в) олинган даромадни ҳаражатга нисбати;
- г) а ва б жавоблар тўғри.



ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

- Бизнес -** Соҳибкорлик, тижорат ишлари билан шуғулланиш, пул топиш мақсадида бирор иш билан банд бўлиш.
- Бож –** Божхона назорати томонидан четдан олиб келинадиган товарлардан Давлат томонидан чегарагада ундириладиган пул тизими.
- Давлат бюджети –** Умумжамият мақсадида марказлашган ва Давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурслар.
- Инвестиция –** Ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадида мамлакат чет ел иқтисодиётини турли тармоқларига узоқ муддатли капитал кириши.
- Корхона –** Юридик шахс мақомига ега бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжалик тўла юритишни ҳуқуқий бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган айирбошлайдиган ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлиги шароитда амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект.

- Менежмент** – Бошқариш санъати ва маҳорати.
- Рақобат** – Ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектлари ўртасида ва қулайроқ ишлаб чиқариш ресурслари ва ишчи кучига ега бўлиш, унумлироқ технология, миждози янги бозорни қўлга киритиш, умуман юқори фойда олиш учун олиб бориладиган кураш.
- Илмий ходим** - Бу изланиш ва илмий тадқиқот ишлари олиб борувчи шахс.
- Техник ходим** - Илмий ва илмий-техник фаолиятга зарурий шароит яратиб бериш билан шуғулланувчи шахс.
- Лизинг** – Машина, асбоб-ускуна транспорт воситалврени ишлаб чиқариш технологияларини ижарага олиш.
- Талаб** – Енг аввало, бирон бир товарёки хизматларга бўлган эҳтиёжнинг бозорда намоён бўлиши.
- Лицензия** – Техникавий иқтисодий, илмий янгиликларни егасини, уларни ишлатиш учун берадиган рухсати.
- Маркетинг** – Бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш билан товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш, ҳамда шу ёсинда катта фойда топишини ташкил этиш.
- Менеджер** – Ёлланма профессионал бошқарувчи.
- Патент** – Хусусий тарзда соҳибкорлик фаолияти билан шуғулланишига рухсат берувчи гувоҳнома.
- Товарнинг ҳаётлик даври** – Товарнинг бозорда сотилиб, сотувчига фойда келтириб турли даври.
- Холдинг компания** – Бошқа банклар, фирмаларнинг назорат қилиш ва ҳаракатини кузатиб бориш учун уларни аксияларини назорат қилиш пакетиға егалик қилувчи компания.
- Молия** – Ҳалқ хўжалигидаги пул ресурсларини ҳосил этиш,

	уларни тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги муносабатларининг мазмуни.
Эксплерент -	Бозорнинг ески сегментлари асосида янги радикал маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган фирма.
Фирма – виолент	Кучли стратегияга асосланган фирма
Молиявий ресурс –	Маҳсулот ишлаб чиқариш учун тақсимланадиган пул шаклидаги молиявий фонд.
Дисконтлаш –	Бу пулнинг келгуси қийматини ҳозирги қийматига ўтказиш усули.
Дисконт ставкаси –	Фоиз ставка, пулнинг келгуси қиймати, дисконтлаштириш жараёни ва ҳозирги пул қийматига айлантирилади.
Кашфиёт –	Янги техник қарор (йечим) тадқиқотчилик даражаси ва саноатда қўлланишига ега бўлган.
Интеллектуал инвестиция –	Ходимларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш “Ноу-Хау” лицензияси сони ва ҳамкорликдаги илмий ишламалар учун ажратилган маълумот.
Инвестор –	Шахс, инвестицион фаолият субъекти.
Инновацион рентабеллиги индекси –	Келтирилган даромадларни, ўша муддатда қилинган инновацион ҳаражатларга нисбати.
Инжиниринг –	Маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш жараёнига техник хизмат кўрсатишни тайёрлаш ва таъминлаш. Бу консултация, лойиҳа экспертизаси, техник ўқитиш, техник маълумотларни узатиш.
Фирма пациент -	бу тор доирадаги бозор сегменти асосида ишловчи корхона. Мода, реклама ва бошқа сотишни рағбатлантириш воситалари орқали юзага келган

	эҳтиёжни таъминлайди
Фирма	маҳсулот ишлаб чиқаришни пасайиши жараёнида
коммутант-	ҳаракат қилувчи фирма.
Инновацион	Бу илмий-техник ғоя, кашфиётларни амалиётда
фаолият –	қўллашгача йетказувчи фаолият.
Инновацион	Инвестициялашнинг бир шакли, инновацияни ишлаб
инвестиция –	чиқаришга татбиқ этиш мақсадида амалга оширилади.
Инновация –	Инновацион фаолиятнинг охирги натижаси янги ёки
	такомиллашган бозорга олиб кирилган маҳсулот, янги
	ёки такомиллашган технологик жараён.
Соф	Инновацион самарадорлигини баҳоловчи асосий
келтирилган	кўрсаткичларни бири.
самара –	
Интеллектуал	Муаллифнинг илмий меҳнати маҳсули.
мулк –	
Капитал	Асосий фондларни такрор ишлаб чиқариш учун
мақсад –	сарфланган сармоя.
Сифат	Маҳсулот сифатини ошириш муаммоларини ҳал этиш
тўғараги –	учун жалб қилинган ходимлар кўриниши
Маркетинг –	бу маҳсулот назорати, турли бозорларга кўникиш,
	реклама компанияси.
Инжиниринг	бу илмий тадқиқот билан яратувчанлик ва янгиликни
фирмалар –	киритиш билан ишлаб чиқариш орасидаги
	бирлаштирувчи бўғин.
Профит марказ	янгилинишни жадаллаштирувчи бир шакл.
-	
Илмий техник	Илмий текшириш ва тажриба конструкторлик
маҳсулот –	ишларини шартнома бўйича тугалланган ва буюртмачи
	қабул қилинган иш натижаси.

“Ноу-Хау” –	Ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун зарур бўлган техник - технологик, тижорат ташкилий билимлар йиғиндиси.
Инвестиция копланиши –	Тўла ҳажмда қилинган инвестицион маблағнинг қайтиш жараёни.
Самара –	Натижа билан ҳаражат орасидаги фарқ.
Самарадорлик –	Натижани ҳаражатга нисбати.
Лойиҳалаш –	Зарурий концепсия яратиш учун режа, чизмалар, техник хусусиятлар ва операцион жараён.
Қобилият –	Имкониятлардан иборат бўлиб, бирор бир ишдаги зарурий маҳорат даражасининг ўлчови
Қарор –	Бу режа, топширик, буйруқ. Раҳбар томонидан белгила-надиган бошқарув маҳсули.
Товар –	Пулга тенг эквивалиент тарзда алмашувчи ҳар қандай ўлчам
Товарнинг ҳаётийлик даври –	Товарни биринчи партиясининг бозорга кириб келишидан то охириги партиядо сотилгунга қадар бўлган давр.
Татбиқ етувчи фирма –	бу технология егасининг фойдаланмаётган патентлари, лицензияларини бозорга олиб кириш, кашфиётни саноат эҳтиёжи даражасига олиб чиқиш, келгусида лицензия асосида сотиш шарти билан кичик партиядо товар ишлаб чиқаришга асосланган корхона.
Кузатув –	Доимий равишда социологик жараёнларни қайд қилиш ва расмийлаштириш.
Лидер –	Жамоа орасидаги нисбатан ташаббускор, ҳаракатчан, янгиликлардан хабардор, янгиликка интилувчи ходим.
Назорат –	Ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий манзараси ифодаси.
Конфликт –	Ходимларнинг манфаатлари, қадриятлари ва ахлоқ

	нормаларини қарама-қаршилиги ҳаракати.
Бозор улуши –	Маълум бир товарларни бозорда сотишдаги фирманинг умумий маҳсулотга нисбатан улуши.
Сертификат –	Товарнинг аниқ андозалари ва техник шартларга мос келишини ифодаловчи ҳужжат бўлиб, у техник Давлат органлари томонидан берилади.
Сертификатлаш –	Тегишли ҳужжатларни берилганлиги ва маҳсулотни андозаси, техник шартларга мос келишини тасдиқловчи ҳаракат.
Тактика –	Стратегияни амалга оширишдаги барча шакл ва усуллар.
Стратегия –	Фирманинг умумий сиёсати, бош мақсади.
Ҳужжат –	Маълумотларни узатиш ва сақлаш учун махсус тузилган предмет.
Прикладной тадқиқот –	Корхонани билим олиш учун олиб борган оригинал тадқиқоди.
Фундаментал тадқиқот –	Экспериментал ёки назарий иши.

Ходимларнинг сифат бошқарувида фаол иштирок этиши асосий тамойилларидан бири ҳисобланади

Барча даражадаги ходимлар корхонанинг асосини ташкил этади ва уларнинг корхона фаолиятида фаол иштирок этиши, ўз қобилиятларини ишга солиб жонбозлик кўрсатиши равнақи учун асосий замин бўла олади.

«ГМ – Ўзбекистон» компаниясининг Сифат Сиёсати барча ходимларни компания фаолиятининг барча жабҳаларида доимий такомиллаштиришга йўналтирилган бўлиб, унинг мақсади барча манфаатдор томонларни – маҳсулотларимиз истеъмолчилари, компания ишчи-ходимлари, ҳиссадорлар ва умуман жамиятимиз талабларини қондиришдан иборатдир.

Бунинг учун «ГМ - Ўзбекистон» компаниясида ходимларнинг ижодий изланишлари, ташаббуслари, ўз билимларини ошириш ва узлуксиз такомиллаштиришга бўлган интилишларни қўллаб-қувватлаш мақсадида моддий ва маънавий рағбатлантириш тизими яратилган.

Еврика! – юнонча сўз бўлиб **«Мен топдим!»** деган маънони англатади.

Буюк юнон олими Архимед: «Еврика! Еврика!» - деб кичқирган еди, чунки унга шу пайтда беҳосдан бир фикр гидростатистиканинг асосий қонуни (Архимед қонуни)ни очишга асос бўлган фикр келган еди.

Ана шундан буён «Еврика!» ибораси кўчма маънода бирон бир мураккаб масалани йечганда ёки ажойиб бир фикр пайдо бўлганда хурсандчиликни ифода этиш мазмунини англатади.

Рационализаторларнинг еътиборига рационализаторлик фикрни фаоллаштириш учун, изланишни мақсадли ўтказиш учун ва муаммонинг енг яхши оптимал йечим йўллари топиш учун ёрдам берадиган техник ижоднинг оддий усуллари келтирилган.

Бу усулларни ўз иш жойингизда ва фаолиятингизда қўллаб кўринг ва яна нимани яхшиласа бўлади?, қайерда ҳаражатларни камайтириб таннархни пасайтириш мумкин?, қандай янги усуллар сифатни яхшилаш мумкин?, қандай қилиб материал, энергоресурсларни тежаб маҳсулдорликни ошириш мумкин?, деган саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинг!

Рационализаторлик таклифи нима?

Рационализаторлик таклифи деб конструкция, технология ёки маҳсулотлар таркибини тузиш ёки ўзгартиришни назарда тутган техник йечим ва меҳнат, хомашё, ёқилғи-энергия ва бошқа моддий ва молиявий ресурсларни тежашга олиб келадиган компания учун янги бўлган ташкилий йечимга айтилади.

«Рационализаторлик фаолияти ҳақидаги Низом»га мувофиқ рационализаторлик таклифлари муаллуфлари ва татбиқ етувчилар мукофотланадилар.

Муаммони йечиш босқичлари

1. Бошланғич босқич:

- муаммони қидириш ва топиш, мавзу танлаш.

2. Ўрганиб чиқиш босқичи:

- ҳолатни ўрганиш;

- муаммони барча еҳтимолли факторлари бўйича маълумотларни йиғиш;

- муаммо бўйича маълумотларни таҳлил қилиш ва муаммони келтириб чиқараётган сабабларни аниқлаш.

3. Йечимнинг пайдо бўлиш босқичи:

-фикрларни жамлаш, сабабларни ва уларни муаммога таъсирини таҳлил қилиш ва оптимал йечимни топиш.

4. Конкретлаштириш босқичи:

-қарор қабул қилиш ва таклифлар тузиш;

-такомиллаштиришни амалга ошириш;

-таклиф самарадорлигини текшириш.

5. Такомиллаштиришни амалда қўллаш босқичи.

6. Таклиф татбиқ етилгандан сўнг бошқариш босқичи:

- техник ҳужжатларни ўзгартириш ва стандартлаштириш ишлари.

Рационализаторлик фикрларни фаоллаштиришнинг оддий усуллари

Кўзингни оч, қара ва ўзинга савол бер!

- 1) Шу ишни қилишни тўхтатиш керак эмасмикан?
- 2) Шу нарсани оддийроқ қилса бўлмасмикин?
- 3) Шуни сал кўпайтирса ёки озайтирса бўлмасмикин?
- 4) Ниманидир қисқартирса бўлмасмикин?
- 5) Бундан ҳам яхшироқ усул йўқмикин?
- 6) Бошқаси билан алмаштира бўлармикин?
- 7) Теркарасини қилса нима бўларкин?
- 8) Бирон янги нарсани ишлаб чиқса бўлармикин?

Техник ижодкорлик усуллари

1. Мия штурми («Мия ҳужуми» усули)

Мия ҳужуми – бу маълум бир муаммони ҳал қилиш учун турли бўлган ғояларни умумлаштириш усулидир.

Ижодий тафаккур қилишнинг жиддий тўсиқларидан бири кўп ҳолларда берилаётган ғояни танқид қилиш ва ғояни беришдан ҳадиксираш ҳисобланади. Мана шу тўсиқни бартараф этиш мақсадида Америка психологи А.Ф.Осборн йер юзасида кенг тарқалган «Мия ҳужуми усули» («Браинсторминг»)ни ишлаб чиқди. Бу усулнинг моҳияти энг аввало танқидни таъкидлайди.

Берилаётган ҳар қандай ғоя албатта маълум даражада назарда тутилиши керак, (шу билан бирга энг фантастик, хатолиги аниқ бўлган, ҳаттоки ҳазил ғоялар ҳам), чунки улар энг реал ва қимматли ғояларни пайдо бўлишига замин яратади.

А.Ф Осборн шу нарсани фахмладики, баъзи одамларда ғояни илгари суриш қобилияти юқори бўлса, бошқаларида еса уни таҳлил қилиш учун қобилият юқори бўлади. Биргаликда иш олиб бориш уларга бир-бирига ҳалақит беришига олиб келади. Шунинг учун автор техник вазифани йечиш йўллари ажратувчиларни 2 гуруҳга: «Фантазёрлар» ва «Танқид қилувчилар»га ажратди.

«Мия ҳужуми» иштирокчилари вазифасига яъни «фантазёрлар»га фақат ғояларни бериш киради. Ҳолат барча ғояларни еркин беришга мўлжалланган бўлиши керак. Бунда танқид қилишга эмас, балки ҳар қилиқ қилиш, қиқирлаб кулиш ва шу кабилар ҳам қатъиян ман қилинади.

«Фантазёрлар» гуруҳида (5-10 киши) маълумоти, мутахассислиги турли бўлган одамлар бўлиб, улар қисқа вақт давомида (5 дақиқадан 1 соатга қадар) бир неча, ҳаттоки ўнлаб фикрларни бера олиши керак. Янги фикрлар бериш билан бирга, берилган фикрларга ўзгартириш киритиш ҳам аҳамиятга лойиқдир. Берилган барча ғоялар ва таклифлар инобатга олиниши шарт. Мия ҳужуми усули натижалари кўп ҳолларда гуруҳ бошлиғига боғлиқ. Шу йўл орқали йиғилган ғоялар экспертлар гуруҳига берилади. Улар, биринчи навбатда, амалга ошириш мумкин ва мумкин бўлмаганларига ажратишади, сўнгра энг яхшиларини танлаб

олишади. Шу билан бирга ҳар, бир ғояни синчиклаб текшириб «рационал мағизи»ни топишга ҳаракат қилишади.

«МИЯ ХУЖУМИ»НИ ОЛИБ БОРИШНИНГ **АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ**

1. Муаммони аниқ кўрсатинг.

2. Алоҳида мия хужумини олиб боринг (бунда ҳар бир одам ўз ғоясини ёзиб боради).

3. Гуруҳли мия хужумини олиб боринг:

- Берилаётган барча ғояларни аниқ ёзиб олинг.
- Фикрларни навбатма-навбат берилишига риоя қилинг.
- Берилаётган ғояларни танқидий мулоҳаза қилинг.
- Ҳар бир ғоя муҳокама қилиниши шарт.
- Ўзгалар ғояларга қулоқ тутинг.
- Ғояларни ижобий қабул қилинг.

4. Ҳар бир ғояни таҳлил қилинг:

- Аниқлаш ва яхши тушуниш учун;
- Бирлаштириш ва асосийини ажратиш учун.

3. Синектика

Мия хужумини ривожлантириб ва мукаммаллаштириб Америка тадқиқотчиси В.Д.Горлон *синектика* ни таклиф етди.

Синектик ижодий гуруҳлари (5-7 киши) ҳар хил касб ёки фан егалари, турли ёшдаги ва маҳорати ҳам турлича бўлган кишилардан тузилади. Синектиканинг асосида мия ҳужуми ётади, фақат у доимий гуруҳлар томонидан ўтказилади, чунки ушбу гуруҳлар махсус усулларни ўзлаштирган ва тажриба орттирган ҳолда тасодифий йиғилган одамлардан унумлироқ ишлайдилар.

Ихтирочилик вазифаларини йечиш, нотаниш нарсани таниш нарсага, одатдаги нарсани одатдан ташқари нарсага айлантиришга асосланади, яъни мазкур муаммо юзасидан янги нуқтайи назар излаган ҳолда психологик инерцияни камайтиришдир. Нотаниш нарсани танишга айлантириш – бу муаммони ўрганиш ва унга кўникишдир. Қарама- қарши жараён яъни одатий нарсани одатдан ташқари нарсага айлантириш қуйидаги 4 ўхшашликлар ёрдамида амалга оширилади.

Тўғри ўхшашлик (аналогия)да

- вазифани бажариш учун ўхшаш объектлар, вазиятлар, техника ва жонли табиат тамойиллари ишлатилади. Қадимдан одамлар кўприк қуриш учун дарё тубига ўрнатиладиган тиргакдан фойдаланишган. Агар дарё жуда чуқур бўлса ёки кўприкни жарлик устидан олиб ўтишга тўғри келса нима қилиш керак? Ихтирочилар ушбу муаммо устида жуда кўп меҳнат қилдилар. Кунлардан бир кун инглиз инженери Самуел Броун Твид дарёси устига қурилаётган кўприк лойиҳаси устида ишлаётган боғ томонга чиқади ва у ёрда дарахтларга тортилган ўргимчак уясини кўриб қолади. Ушбу манзара уни осма кўприклар қуриш ғоясига олиб

келади. Ҳозирги кунда кўприк қуришнинг бундай усули ниҳоятда кенг тарқалган.

Шахсий ўхшашлик(аналогия)

- бунда ихтирочи ўзини қандайдир муаммоли вазиятнинг бир қисми, ўрганилаётган объект ёки унинг бир қисми, масалан машина қисмлари, механизмнинг ҳаракатланувчи қисми билан тенглаштириш, бир хил деб ҳисоблашдир. Бунда вазифани ечаётган киши ўрганилаётган предмет ичига кириб боради ва уни аниқлашга, кўз олдига келтиришга, тушунишга, хис қилишга ҳаракат қилади. Айтайлик у ўзини турбина парраги, соат тебрангичи ёки поезд ўтаётган кўприкнинг темир конструкцияси вазифасини бажарётгандай хис қилиш керак бўлади. Консерва идишини очиш йўлларини излашда, масалан, у ўзини идиш ичида беркитилган ҳолатда кўз олдига келтириш мумкин.

Рамзий ўхшашлик (аналогия)

- бу умумлаштирилган ва мавҳум ўхшашликдир. Бу елда кўпроқ шоирлик қиёфаси, киноя ва солиштириш, яъни маълум бир жисм ёки жараённинг хусусиятларини бошқа жисм ёки жараён хусусиятлари билан тенглаштириш учун ишлатилади. Ушбу ўхшашлик одатда техник жиҳатдан ноаниқ ҳолатда намоён бўлади.

Хаёлий ўхшашлик (аналогия)

- бу ўхшашлик муаммоларни хаёлан йечишга имкон беради, яъни «ертакдаги каби» мумкин бўлмаган ғайри табиий жараёнлар (масалан йерни тортириш кучини ўчириб қўйиш, ёруғлик тезлигин

ўзгартириш) ёки ғаройиб мавжудотлар(жин, шайтон, дев)ни хохлаган иш моделига айлантириш ва ҳоказо.

Хаёлпарастлик(фантазия) барча ижодий йўналишларда муҳим аҳамиятга эга, шунингдек техник соҳаларда ҳам. Шунинг учун унинг ривожланишига ҳисса қўшаётган йертаклар, илмий хаёлий адабиётлар рационализаторлар, айниқса бошловчи рационализаторлар учун яхши ёрдам воситасини ўташи мумкин.

Сифат назоратининг 7 та оддий усули

Турли мамлакатлар мутахассисларининг кўп йиллик изланишлари натижасида шундай бир усул ва услубларни ўйлаб топишдики, улар ишлаб чиқаришда пайдо бўладиган кўплаб муаммоларни йечишда жуда қўл келади.

Натижада оммавий равишда фойдаланиладиган тажрибавий услублар тизими ишлаб чиқилди. Бу еса сифат назоратининг 7 оддий усули деб аталади:

1. Парето диаграммаси;
2. Сабаб-натижавий диаграмми (балиқ скелети ёки Исикава диаграммаси);
3. Графиклар;
4. Назорат варақалари;
5. Гистограммалар;
6. Тарқоқ диаграмма;
7. Назорат карталари.

Тест калитлари

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
Г	б	а	в	г	г	а	б	в	г
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
б	а	б	а	г	б	а	в	в	б
21	22	23	24	25	26	27	28	29	30
а	а	б	а	б	б	б	а	б	в
31	32	33	34	35	36	37	38	39	40
г	б	б	б	в	а	б	а	а	б

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланган. 1995 - йил 21 - декабр № 163-1 ва 1996-йил 29-август №256-1 [кўчирма] –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 1999- йил.

2. Ўзбекистон Республикаси «Ихтиролар моделлар ва саноат намуналари ҳақида»ги Қонуни 1994-йил 6- май, – Тошкент.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 1999 йил.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Маъсулиятлар ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида»ги Қонуни 1993-йил 28-декабр №1006-хи,- Тошкент.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 1999-йил.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида»ги Қонуни 1993-йил 28-декабр №1002-хи,-Тошкент.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» 1999-йил.

5. И.А.Каримов. Истиклол имкониятлари ва ислоҳотлар самаралари. Халқ сўзи. 2009-йил.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши “Баркамол авлод йили” давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора тадбирлар тўғрисида. Тошкент 2009-йил 9-декабр.

7. А.Абдуллаев, Қ.Муфтайдинов, Х.Айбешов “Кичик бизнесни бошқариш” дарслик. Тошкент Молия 2003й.

8. А. Абдуллаев, Х. Айбешов “Бизнес режа” Тошкент Молия 2003й.

9. А. Абдуллаев, Х. Айбешов “Бизнесни бошқариш сирлари” Андижон 2002.

10. Ансорф.И. «Стратегическое управление» –М.: Йекономика, 1989.

11. Боумен К. Основы стратегического менеджмента. – М., 1992.
12. Дракер П.Ф. Инновации и предпринимательство. – М.,1992.
13. Коротков Йе.В. «Концепсия менеджмента». – М.; Дека, 1992.
14. Морозов. Ю.П. «Инновационный менеджмент. – М.:ЮНИТИ –
Дана.
15. Илянова С.Д «Инновационный менеджмент»-М. ЮНИТИ, 2001.
16. Пригожин Нововедение: Стимулы и перспективы. М.; Политиздат,
1998.
17. Санта Б «Инновация как средства экономического развития» -
М.: прогресс, 1990
18. Ш.Рўзиназаров ва бошқалар «Янги қонунлар моҳияти» - Т.: Илм
Зиё 2009
19. Тураев А.С ва бошқалар «Инвестиция лойиҳалари таҳлили» - Т.:
Шарқ 2003.
20. Твис Б. Управление научного техничскими нововведениями. М.:
Прогресс.1982.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1 – боб. Инновацион менежментнинг асосий тушунчалари, мақсадлари ва вазифалари	5
1. Инновацион менежментнинг асосий тушунчалари.....	5
2. Инновациянинг турланиши.....	10
3. Инновацион менежментнинг ташкилий тузилиши.....	13
Назорат саволлари.....	16
2 – боб. Инновацион менежментнинг методологияси	18
1. Давлат инновацион сиёсатининг мақсади ва вазифалари.....	18
2. Корхона (фирма)да инновацион сиёсатни бошқариш.....	21
3.Бозор иқтисодиёти шароитида инновацион жараёни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусияти.....	26
Назорат саволлари.....	28
3 – боб. Инновацияни ўзлаштириш жараёнига таъсир етувчи ташқи ва ички муҳит омиллари	30
1. Инновацион муҳитни бошқариш.....	30
2. Фирма инновацион фаолиятига таъсир етувчи омиллар.....	30
Назорат саволлари.....	38
4 – боб. Инновацион лойиҳаларни бошқариш	39
1. Инновацион лойиҳанинг моҳияти ва аҳамияти.....	39
2. Инновацион лойиҳаларни баҳолашнинг асосий мезонлари.....	43
3. Инновацион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш.....	48
4. Инновацион лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишни бошқариш.....	50
Назорат саволлари.....	52
5 – боб. Ходимларни инновацион бошқариш	54
1.Илмий муассаса ходимлари ва уларнинг категориялари.....	54

2.Ходимларни ундаш.....	56
3.Кадрларни режалаштириш.....	59
4.Илмий муассасаларда оптимал иш тартибини танлаш.....	64
5.Илмий жамоаларда мақсадли гуруҳлар ва улар фаолиятини ташкил этиш.....	65
Назорат саволлари.....	67
6-боб. Кашфиётнинг аҳамиятини баҳолаш.....	69
1. Кашфиётнинг тижорат аҳамиятини баҳолаш.....	69
2. Кашфиётнинг илмий –техник аҳамиятини баҳолаш.....	74
3. Кашфиётнинг техник-иқтисодий аҳамиятини баҳолаш.....	75
Назорат саволлари.....	79
7 – боб. Инновацион корхоналарида патент ва лицензиялаш фаолиятини ташкил этиш.....	81
1.Фирма фаолиятида патент ва лицензиялашни бошқариш.....	81
2. Кашфиёт экспертизаси ва уни ўтказиш тартиби.....	85
3.Кичик инновацион корхоналарни ташкил этишни бошқариш.....	87
Назорат саволлари.....	89
8– боб. Янги техника ва технологияни яратиш, ўзлаштириш ва сифатини бошқариш.....	91
1. Маҳсулот ҳаётийлик даври ишларини бошқариш.....	91
2. Функционал қиймат таҳлили.....	92
3. Янги техника ва технологияни ишлаб чиқариш жараёнини тайёрлашни бошқариш.....	95
4. Янги маҳсулот техник даражаси ва сифатини бошқариш.....	99
Назорат саволлари.....	106

9 – боб. Инновацион фирмаларни стратегик бошқариш.....	108
1. Инновацион стратегиянинг моҳияти ва вазифаси.....	108
2. Бозор шароитида фирмалар инновацион стратегиясининг ўзига хос хусусиятлари.....	113
3. Фирмаларнинг ривожлантиришни стратегик бошқариш.....	116
4. Венчур фирмани бошқариш.....	117
5. Консорсиумни бошқариш.....	118
Назорат саволлари.....	121
10 – боб. Инновация самарадорлигини баҳолаш.....	123
1. Инновациядан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш.....	123
2. Инновациянинг умумий иқтисодий самараси.....	124
Назорат саволлари.....	127
Инновацион менежмент фанидан тестлар.....	129
Таянч иборалар.....	138
Иловалар.....	142
Фойдаланилган адабиётлар.....	149

АБДУЛЛАЕВ АБДУРАУФ,
ТЕШАБАЕВ АНВАР ЕРГАШЕВИЧ,
АЙБЕШОВ ХАБИБУЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ,
ЮЛЧИЕВ ЕРКИН ЮСУПОВИЧ

ИННОВАЦИОН МЕНЕЖМЕНТ

Дарслик

Муҳаррир Е. Бозоров

Бадий муҳаррир М. Одиллов

Компютерда саҳифаловчи М. Сайдалихўжайева

Нашр. лиц. АИ № 174. Босишга рухсат 22.12.2015 -й.да берилди.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. Офсет қоғози №2.

«Тимес» гарнитураси. Шартли б.т. 8,8. Нашр ҳисоб т. 9,0.

Адади 200 дона. 84-буюртма.

“ИҚТИСОД-МОЛИЯ” нашриёти.
100084, Тошкент, Кичик халқа йўли, 7.

“ҲУМОЮНБЕК-ИСТИҚЛОЛ МЎЖИЗАСИ”
босмахонасида чоп етилди.
100000, Тошкент, Амир Темур 60^{«А»}.